ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Молия институти

СОАТМУРОД НОРҚОБИЛОВ,
ҲИКОЯТ ДАДАБОЕВА,
ЎРОЛ ЖЎРАЕВ

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТДА БАНК НАЗОРАТИ

Магистрлар учун дарслик

Тошкент
“IQTISOD–MOLIYA” 2007

Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

Ушбу дарсликда халқаро амалиётда ва Ўзбекистонда банк ва нобанк молия ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишнинг пайдо бўлиши ва унинг ҳозирги ҳолати ҳақида батафсил тўхталган. Дарсликда назоратнинг масофавий ва жойига бориб текшириш турлари ҳамда самарали банк назоратини ташкил этишда ички аудитнинг муҳим роли берилган.

Китобдан тегишли соҳа олимлари, ишчилари ва олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлари ҳамда аспирантлари фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти ҳузуридаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий кенгашининг 2006 йил 14 июндаги 2-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Рашидов О.Ю,
проф. Қоралиев Т.М.

© “IQTISOD–MOLIYA”, 2007

Кириш

Тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция фаолиятини молиялаштирувчи ва умуман, иқтисодиётда молия ресурсларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи муҳим институт ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг турли хилдаги молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжи тижорат банклари орқали қондирилади.

Тижорат банклари фаолияти юқори даражадаги иқтисодий рисклар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Банклар фаолияти асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Шунга кўра банклар фаолиятида доимо ликвидлилик риски, кредит риски ва тизимли риск яққол кўзга ташланиб туради. Тижорат банкларининг бош мақсади - юқори даражада фойда олишни таъминлаш, бу эса банкни юқори даромадли, айни вақтда, юқори рискли операцияларни (кредитлар бериш, тижорат қимматли қоғозларини сотиш-сотиб олиш операциялари ва ҳ.к.) амалга оширишни тақозо этади. Буларнинг барчаси пировард натижада банклар фаолиятида фойдалилик ва ликвидлилик категориялари ўртасидаги мураккаб, зиддиятли боғлиқликни юзага келтиради.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айниқса, банклар тизимли банкрот бўлиши корхоналарнинг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Оқибатда, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимига бўлган ишончига путур етади. Иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни ёмонлашуви юзага келади. Учинчидан, ҳукуматнинг фискал манфаатларига зиён етади.

Юқорида баён этилган ҳолатлар тижорат банкларининг миллий иқтисодиётда юксак ва маъсулиятли мавқега эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан улар фаолиятини тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Барча давлатларда тижорат банклари фаолиятини макродаражада жорий тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади. Марказий банк банклар фаолиятини тартибга солиш орқали молия-банк тизимининг юқори даражадаги ликвидлилигини, банкларнинг тўловга қобиллигини таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида узлуксиз фаолият кўрсатадиган тўлов тизимини яратиш орқали банкларнинг мижозларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейин ўтган қисқа вақт ичида банклар фаолиятини тартибга солиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Чунончи, узлуксиз фаолият кўрсатадиган тўлов тизими яратилди ва у такомиллаштирилмоқда. Тижорат банклари активлари, капитали ва кредит қўйилмаларини ўсиш тенденцияси юзага келтирилди. Халқаро Базель қўмитасининг услубий-меъёрий йўриқномаларига таянилган ҳолда иқтисодий нормативлар мажмуи ишлаб чиқилди, халқаро миқёсда тан олинган "CAMEL" тизимига мувофиқ банкларни жойларда инспекция қилиш жорий этилди.

Айни вақтда, Республикамизда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш борасида ҳал қилинмаган масалалар, камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг нисбатан юқори даражада қолаётганлиги, айрим йирик тижорат банкларининг барқарор ресурслар базасининг заифлиги, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий заҳира талабларининг жуда юқорилиги, банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш борасидаги ва бошқа шу каби муаммолар шулар жумласидандир.

Асосий эътибор халқаро банк амалиётида банк назоратининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ушбу йўналиш бўйича халқаро андозаларнинг қайд этилган муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ва уларни ҳал этишга қаратилади.

I боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

§1.1. Тижорат банкларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

Инсоният бутун умри давомида уч буюк кашфиёт қилган: олов, ғилдирак ва марказий банк.

Уилл Роджерс

Банкларнинг пайдо бўлиши

Тижорат банкларининг вужудга келиши узоқ асрларга бориб тақалади. Лингвистика ва этимология фанларининг хулосаларига кўра банк сўзи эски француз сўзидаги ***banque*** ва итальянча ***banco*** сўзларидан олинган бўлиб, ушбу сўзлар уларнинг сўз бойлигига бир неча юз йил олдин кириб келган ҳамда ***“айирбошлаш столи”*** маъносини англатади. Банкирларнинг иши асосан айирбошлаш бўлиб, улар стулда ўтириб, шаҳарга келган саёҳатчиларнинг хорижий пулларини ўзларининг маҳаллий пулларига алмаштириб беришган ёки белгиланган тўловда тижорат векселлари ҳисобини юритишган. Илк банкирлар ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ўзларининг сармояларидан фойдаланишган. Кейинчалик депозитларни жалб қилиш операциялари ҳам қўлланила бошлаган. Вақт ўтиши билан, айнан депозитлар банк ресурсларининг асосий элементи бўлиб хизмат қилди. Тарихчиларнинг фикрига кўра, илк банкирлар – ассирийлар, вавилонликлар ва қадимги греклар - бундан 2000 йил муқаддам пайдо бўлишган. Вавилонда эрамиздан олдинги VII-V асрларда икки йирик банк ташкилоти фаолият юритган. Қадимги Грецияда банклар ролини ибодатхоналар (Дельфий, Делос, Эфее, Самос) ўйнашган. Черков банклар жамғармаларни қабул қилишган ва жисмоний шахсларга, жамоа ташкилотларига ссудалар беришган. Тижоратчилар, денгизчилар ва деҳқонларга берилган кредитлар йиллик 6% дан ойлик 48% гача берилган ҳамда улар жуда ҳам рискли операция бўлган. Қадимги Рим ва Грецияда кредит операцияларини тартибга солиш бўйича қонун амал қилган. Тахминан эрамиздан олдинги 450 йилда Грецияда ссудалар бўйича йиллик фоиз ставкасини 8,5 % миқдорида чекловчи меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Византия ҳукмдори Юстиниан пулли битимларни назорат қилувчи ва фоиз ставкаларини оширишнинг чегараловчи қонун

қабул қилган. Ушбу қонунга кўра савдогарларга кредитлар учун йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 8 %, аҳолининг қолган қисмига йиллик фоиз ставкасининг максимал миқдори 6 % қилиб белгиланган.

Банк иши босқичма-босқич тарзда қадимги грек-рим цивилизацияси доирасида ривожлана бориб, Шимолий ва Ғарбий Европада кенг қулоч ёйди. Ўрта асрларга келиб Европада банклар фаолиятида италияликларнинг фаоллиги кузатилди. Ва албатта, “банк” сўзининг итальян тилидан келиб чиққанлиги шу билан изоҳланади. Аммо, бу ердаги банклар ўрта асрларга келиб черков тазйиқига учради. Бунга асосий сабаб, улар тақдим этаётган кредитлар учун сўралаётган юқори фоиз ставкалари эди. Чунки, бу маҳаллий аҳоли моддий аҳволига жиддий зарар етказар эди. Бироқ, банклар томонидан бой мижозларни жалб этилиши ҳамда бой мижозлар томонидан банклар кўрсатаётган хизматларга талабнинг ортиши черков тазйиқини заифлаштирди. Бу ўз навбатида, банклар ривожланишини жадаллаштириб юборди. XI асрга келиб Венецияда лизинг битимларига ўхшаш битимлар тузила бошланди. Бир қатор итальян банкирлари бошқа Европа давлатлари(Буюк Британия, Нидерландия)да ўзларининг идораларини оча бошлашди. Улар орасидан энг машҳури Ломбардлар оиласи бўлиб, ҳозирги кундаги ломбард ташкилотларининг номи ушбу оила номи билан боғликдир.

Банкларнинг ривожланишида яҳудийларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур. Зеро, улар тарихий маълумотларга кўра, энг яхши банкирлар сифатида тан олинишган (масалан, Родшильдлар оиласи).

XV-XVII асрларда янги савдо йўлларининг очилиши ва кема қатновининг ривожланиши Ғарбий ва Шарқий Европани халқаро савдо марказига айланишига олиб келди ҳамда банклар ривожланишига катта туртки бўлди. Буғ машиналарининг пайдо бўлиши, умуман саноат инқилоби даврида банкларнинг тўловларни амалга ошириш ва кредитлар бериш каби хизматларига талаб ошди. Бу даромадлилик риск дилеммаси туфайли кун кўрувчи банкларни даромадлилигини ошириш билан уларни олиниши кутилаётган даромадга тенг ёки ундан ҳам кўпроқ рискка рўпара қилди. Ушбу даврда банклар фаолияти жамоа тарзида ривожланиб, савдо ҳамкорликларини туза бошлашди, шунингдек шаҳар ва давлатларнинг шунга ўхшаш ташкилотлари тузила бошланди. Банк сифатида биринчи ташкил топган 1407 йилдаги Генуя банкидир. Унинг номи

“Авлиё Георгия Банки” бўлган ва ўз фаолиятини XIX асргача давом эттирган. Ушбу банк бир қатор Генуя ҳукумати кредит ташкилотларининг бирлашишидан ташкил топган.

Бундан ташқари, XVI-XVII асрларга келиб Европанинг Венеция, Милан, Амстердам ва Гамбург сингари шаҳарларида махсус жиробанклар ташкил қилинган. Уларда ҳисоб-китобларни нақд пулсиз ҳам амалга оширилган. Жиробанклар ўзларининг ортиқча пул маблағларини давлатга ва мижозларига қарз берган. Жиробанклар тижорат банкларининг ибтидоий кўриниши ҳисобланади. XVII асрнинг ўрталарида Англияда банк тизими жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Банк ташкилотлари кредитга бўлган эҳтиёжни қондирган ҳолда Англиянинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган. Вильям Питерсоннинг лойиҳаси бўйича 1694 йилда Англия банки ташкил этилган. АҚШдаги ҳозирги кунда ҳаммага маълум банк тизими 1781 йилда Филодельфияда Шимолий Америка Банки ташкил этилиши билан бошланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш босқичлари

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажаради.
И. А. Каримов

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши бевосита мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши билан боғлиқдир. ***Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланишининг биринчи босқичи бошланди***. Натижада мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу қонунга мувофиқ собиқ СССР Давлат банкининг республика бошқармаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди. Марказий банкка пул муомаласини тартибга солиш, миллий банк тизимини шакллантириш, миллий тўлов тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди. Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида Марказий банкда дастлаб пул-кредит сиёсати, валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш,

тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бўлинмалар тузилди.

Ушбу, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, хўжалик субъектларини молиялаштириш ихтисослаштирилган банклар зиммасига юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур банкларда тегишли функционал бўлинмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар миллий банк тизимини шакллантириш йўлидаги дастлабки, муҳим қадамлар бўлди. Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларидаги банк тизими бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Чунки, биринчидан, ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этиш қонунда устувор йўналиш сифатида эътироф этилди, бу эса бошқа тижорат банкларини ташкил этиш учун тенг имкониятлар яратмас эди; иккинчидан, мижозларда банкларни эркин танлаш ҳуқуқи йўқ эди; учинчидан, мижозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берувчи банк хизматлари турлари етарли эмас эди.

Миллий банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига 1992-1994 йилларда эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун, аввалам­бор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»[1]

Президентимизнинг банк тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида давом эттирилди. Бунда асосий эътибор Марказий банк томонидан пул тизимини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, миллий тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан халқ истеъмоли товарлари, қурилиш моллари ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлашга қаратилди.

[1] И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-том.-Т:Ўзбекистон, 1996.-119 б.

1992-1994 йилларда миллий иқтисодиётдаги аҳвол мураккаблигича қолди. Бу даврда истеъмол нархларининг ўсиши ўртача 1000 фоиздан ошди. Бу кўрсаткич 1994 йилда ўзининг юқори чўққисига чиқди, яъни мазкур йилда инфляция даражаси 1282 фоизни ташкил қилди.[1] 1993-1994 йилларда тижорат банкларининг ресурслар базасига ва молиявий ҳолатига салбий таъсир этувчи мажбурий захира талабномалари сақлаб қолинди. 1993 йил ноябрь ойидан бошлаб талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ва уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жалб қилинган депозитлар учун мажбурий захира ставкаси 30 % қилиб белгиланди.

Амалга оширилган тадбирлар кўлами, 1991-1994 йилларни Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш имконини беради.

1994 йилда миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши билан миллий банк тизимини шакллантиришнинг иккинчи босқичи бошланди ва у 1998 йилга қадар давом этди. Ушбу босқичда ҳақиқий икки поғонали банк тизими яратилди. Биринчи марта 1995 йил 21 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонун Марказий банкнинг муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат органи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонуннинг аҳамиятга молик муҳим жиҳатларидан бири шундаки, Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақил ҳисобланади. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида тижорат банкларининг сони ва кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди. Бу эса миллий банк тизимида рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»ни, ғалла етиштиришни молиялаштирувчи «Ғаллабанк»ни, савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогарбанк»ни, пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни молия-

[1] Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Ф.М. Муллажонов таҳрири остида.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-57 б.

вий жиҳатдан таъминловчи «Пахтабанк»ни ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги жиддий қадам бўлди.

Иккинчи босқичда кўп сонли банклар очиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилди. Бу эса ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштириш имконини берди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида амалга оширилган зарурий тадбир эди. Лекин бизга халқаро банк амалиётидан маълумки, ихтисослаштирилган тижорат банкларининг активларни диверсификация қилиш имконияти чегараланган бўлади ва бу уларнинг риск даражасини оширади. Чунки бирор тармоқнинг заифлашиши ушбу тармоққа ихтисослашган банкларнинг ҳам заифлашишига олиб келади. Натижада тизимли риск туфайли бутун банк тизими заифлашиши мумкин.

«Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда республика банк тизимини халқаро банк амалиётини ўрганиш асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банкларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ҳам оширилди.

Иккинчи босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан асосийси, жалб қилинадиган аҳоли омонатларининг умумий суммасини тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмлари билан чеклайдиган Низомнинг бекор қилиниши бўлди. Бу тадбир қисқа вақт ичида ўз самарасини берди: 1994 йил бошида аҳолининг банк тизимидаги жамғармаларининг 98,5 фоизи Жамғарма банки ҳиссасига тўғри келган бўлса, шу йилнинг охирига келиб бошқа тижорат банкларининг улуши 12,8 фоизни ташкил этди.[1]

Миллий банк тизимини ривожланишига кучли туртки берган омиллардан асосийси тўрт йил мобайнида, яъни 1994-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан тижорат банкларини асосий солиқ турларидан озод қилинганлиги ҳисобланади. Солиқларни тўлашдан бўшаган маблағларнинг сезиларли қисми банклараро тўловларни амалга оширишнинг ягона электрон тизимини

[1] Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.-Т.:Ўзбекистон, 2001.-79 б.

яратишга сарфланди. Натижада қисқа муддат ичида халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган замонавий банклараро тўловлар тизими яратилди.

Солиқлардан бўшаган маблағларнинг маълум қисми республика банкларининг барча мижозлари бўйича маълум ахборотни сақлаш, тузиш ва янгилашнинг кўп мақсадли тизими бўлган Банк депозитарийларининг миллий ахборот базасини тузишга йўналтирилди. Бу тизимдан фойдаланувчилардан бири кредит бюроси бўлиб, у кредит олувчиларнинг молиявий аҳволи ва уларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни йиғади.

Банк тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири, шубҳасиз, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги тизимига ўтилганлигидир. Мазкур тизимга ўтиш 1994 йилдан бошланди. 1996 йилнинг иккинчи ярмида ўша пайтдаги дунёдаги ўта нуфузли компаниялардан бири “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда Марказий банк мутахассислари томонидан банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши хусусий банклар ривожлантирилишга сезиларли даражада ижобий таъсир қилди. Мазкур Фармонга кўра низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда хусусий тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан,

– янги ташкил этилаётган хусусий банклар минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгилаш;

– янги ташкил этилган хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил даромад солиғидан озод қилиш;

– янги ташкил этилган хусусий банкларга 6 ой ичида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш каби имтиёзлар берилди. Ушбу Фармоннинг амалиётга татбиқи натижасида 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига хусусий банкларнинг сони 18 тага етди[1].

Миллий банк тизимида банкларни корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фао-

[1] Ф.М. Муллажонов таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т.: Ўзбекистон, 2005.-83 б

лиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим роль ўйнайди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва Банк Кенгашларининг ролини оширишга доир тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Фармонда давлат улуши банк капиталида 25 % дан ошган ҳолда Банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Фармон чиққунга қадар банк Кенгашлари, улар зиммасига банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш масъулияти юклатилганлигига қарамасдан, ўз мажбуриятларини бажаришга юзаки муносабатда бўлиб келишарди. Бу эса, пировард натижада, банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар портфелининг сифатини ёмонлашувига олиб келарди.

Халқаро банк амалиёти ҳамда банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси хулосаларига кўра банк Кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал этиши учун унга банк ички аудит хизмати бевосита ёрдам кўрсатиши лозим. Шу боисдан Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар ўзгарди. Бундан буён барча тижорат банклари фаолияти ва ўтказилаётган операцияларнинг ҳар бир тури учун ички назорат тамойилларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Банкнинг ички аудит хизмати ижрочи раҳбариятга бўйсунмаслиги ва хизмат ходимлари юқори малакага эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, республика иқтисодиётини базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин муомаладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатлари тамойилларига асосланиб ривожлантирилиши, албатта, молия тизимини ва валюта бозорини эркинлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун биржадан ташқари валюта бозорининг кўламини янада кенгайтириш зарурияти туғилди.

Ҳукуматимиз ва Марказий банк валюта бозорини янада эркинлаштиришни, миллий валютамиз сўмнинг хорижий валюталарга эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини қўллади.

Миллий банк тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иккинчи босқичига хос бўлган айрим долзарб муаммолар бўлганлиги таҳлил жараёнида маълум бўлди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Юқори даражадаги мажбурий захира талабномаларининг сақланиб қолганлиги.

1994 йилдан 1998 йилга қадар мажбурий захира ставкаси сезиларли даражада, яъни 10 пунктга пасайтирилди. Аммо у ривожланган хорижий давлатлар амалиётига нисбатан юқори эди. Масалан, мажбурий захира ставкаси Японияда 0,1-0,125 фоизни, Буюк Британияда 0,45 фоизни, Германияда 7-8 фоизни ташкил қилади. Республикамизда эса мазкур даврда уч йилгача муддатга жалб қилинган барча депозитлар учун захира ставкаси 20 % қилиб белгиланган эди. Бунинг устига, захира ставкаси депозитнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган эди.

б) Тижорат банкларининг ресурс базаси заифлиги.

Республикамиз тижорат банклари ресурсларининг иккинчи босқичи таҳлили натижаларига кўра, уларнинг депозит базаси ҳажмида 1994-1998 йиллар мобайнида жорий депозитлар салмоғининг 80 фоиздан юқори бўлганлиги уларнинг ресурс базасини заиф бўлганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичи 1999-2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори навбатдаги босқичга ўтишга асос бўлди. Қарорда тижорат банклари низом жамғармасининг минимал ҳажми, низом жамғармасида битта акциядор улушининг максимал ҳажми, тижорат банкларининг бир-бирларининг низом жамғармаларида иштирок этиши, банкларни хусусийлаштириш бўйича қўйи-

ладиган талаблар каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Ушбу қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасида республика комиссияси тузилиб, банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Учинчи босқичда банк тизимига хорижий капиталларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли Қарорига мувофиқ, 2000 йилда «Асакабанк»нинг 50%, 2001 йилда Миллий банкнинг 40 % акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мўлжалланди.

Мазкур босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилишни рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Бу ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириб, инвестицион жараёнларга аҳоли омонатлари салмоғи ошишига хизмат қилди. Ушбу Фонд ҳақида кейинги бобларда тўлиқроқ тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, банклардаги аҳоли омонатларидан мажбурий захира фондига ажратма қилиш бекор этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамлари очишга рухсат берилиши ҳам банкларараро рақобат муҳитини кучайишига олиб келади ва банкларнинг универсаллашуви учун самарали қадамлардан бири бўлди.

Миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан бири инфляцияни жиловлашга муваффақ бўлинганлиги ва шунинг асосида кредитларнинг фоиз ставкаларини барқарорлаштиришга эришилганлиги ҳисобланади. Хусусан, расмий қайта баҳолаш ставкасининг йиллик даражаси 2000 йилнинг 3 июлидан бошлаб 24 % қилиб белгиланди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич шу йилнинг биринчи чорагида 36 % эди.

Учинчи босқичда тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлашнинг кучайтирилиши миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. 1999 йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 49,3 млрд. сўми, шу жумладан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 205,5 млн. АҚШ доллари кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини ривож-

лантиришга йўналтирилди. 2001 йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш учун 72 млрд. сўм маблағ ажратилди.[1]

Миллий валютанинг тўлиқ ички конвертацияланишига эришиш, миллий валюта бозорини янада эркинлаштириш масалалари миллий иқтисодиёт ривожланишининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли «Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши муҳим роль ўйнайди.

Ушбу Қарорларга кўра, Марказий банк томонидан эълон қилинадиган расмий валюта курси бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритишда, шунингдек, божхона тўловларини амалга оширишда ишлатилади. Шунингдек, мажбурий тўловларни амалга оширишга доир барча ҳисоб-китоблар ҳам Марказий банк курси билан бажарилади.

Ушбу қарорларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборатдир:

- мамлакатнинг ички валюта бозорини барча айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган валюта курси билан амалга ошириладиган ҳақиқий валюта бозорига айлантириш. Бу борада 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб, ҳукумат кафолатлари асосида мамлакатимизга турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2001 йилнинг 1 июлигача чет элдан жалб қилинган кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга доир операциялардан ташқари қолган барча операциялар валюта курси талаб ва таклиф асосида шаклланадиган биржадан ташқари бозорга ўтказилади;
- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, улар 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортидан тушадиган валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишдан озод қилиндилар. Шунингдек, уларга валюта

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий ҳисобот материаллари.-Тошкент, 2002 йил, 18 февраль.

тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига кирим қилиш шарти билан товарларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат этилди.

Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ривожлантириш, ундаги барқарор талаб ва таклифни юзага келтириш мақсадида Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси тузилди ҳамда марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг 50 % ни мажбурий сотиш жорий этилди.

Банклар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичи

Ушбу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири бу – 2003 йил 15 октябрда мамлакатимиз томонидан Халқаро Валюта Фондининг VIII банди шартларининг қабул қилинишидир. Бу билан миллий валютамизнинг эркин конвертациясига эришилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банкларга аҳоли жамғармаларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Банк сири тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қарз олув-чиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарори қабул қилиниши тижорат банкларига кредит олмоқчи бўлган мижозларининг кредит тарихини билиш имконини бериши уларнинг риск даражасини камайтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорида тижорат банкларининг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари кўпайган сумма миқдорида камайиши кўзда тутилган эди. 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли қарорига кўра ушбу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига ҳам қўлланиладиган бўлди. Бу ўз навбатида, инфляция жараёнида банкларнинг омонатларни жалб

қилиш операцияларини рағбатлантирди ҳамда банк иши самарадорлигига ижобий таъсир этди.

Кредит уюшмаларининг сони 2004 йил 1 январ ҳолатига кўра 14 тани ташкил этди.[1] Шунингдек, "Лицензияланадиган фаолият турлари рўйхати" ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида"ги қонунларга киритилган ўзгартиришларга кўра Республикадаги ломбардлар фаолиятини тартибга солиш вазифаси Марказий Банк зиммасига юклатилган эди. 2003 йилнинг 17 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида" 402-сонли қарори қабул қилинди. Бундай нобанк кредит институтларининг ташкил этилиши мамлакатимиз банк тизимига янги рақобатчиларни кириб келишига сабаб бўлди. Ва албатта, аҳолининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талаби қондирилди.

Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг бешинчи босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан бошланди. Ушбу қарор асосида "2005-2007 йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури" қабул қилинди. Дастурда янги ташкил этилаётган банклар устав капитали миқдорини халқаро Базель қўмитаси тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилиб олинди. Жумладан, 2007 йил 1 январига қадар тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 5 млн. АҚШ доллари эквивалентига, хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентига етказиш ҳамда тижорат банкларининг ўз устав капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 % дан кам бўлмаслиги белгиланди. Тижорат банкларининг устав капиталининг минимал миқдори босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилди ва 2005 йил 1 июлидан бошлаб тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдорини 3 млн. АҚШ доллари эквиваленти, хусусий банклар учун 1,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти, чет эл капитали иштирокидаги банкларга 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган

[1] "Бозор, Пул ва Кредит" журналининг 2004 йил март сони: "Монетар сиёсатнинг 2004 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари"

бўлса 2006 йил 1 январдан бошлаб эса мос равишда 4 млн., 2 млн., 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида қилиб белгиланди.

Тижорат банклари акциялари жозибадорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари акциясидан жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадлари 2010 йилнинг 1 январигача солиққа тортишдан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги "Тижорат банкларининг капиталлашиши даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- юридик шахсларнинг тижорат банкларининг акцияларидан дивиденд сифатида оладиган даромадлари солиқдан озод этилади;
- фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги ўрнини ошириш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизигача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишга рухсат берилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ишлари бу босқичда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 2005 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қарори аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишда муҳим роль ўйнади.

Банкларнинг капиталлашув жараёнида аҳоли ва нодавлат ташкилотларнинг, яъни хусусий фирма ва корхоналарнинг улуши ошиб бориши ушбу бешинчи босқичнинг асосий ютуғи ҳисобланади. Бунинг ёрқин исботи сифатида, 2005 йилда Тадбиркорбанк, Савдогарбанк, Трастбанк, Ғаллабанк, Приватбанк ва "Ипак йўли" банки устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ сотилганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, тижорат банклари ўртасида рақобатни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда "Асака" банкини, 2005-2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкини хусусийлаштириш ва бунда давлат улушини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотиш вазифаси белгилаб

олинди. Банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаш мақсадида ушбу босқичда нобанк молия ташкилотларига алоҳида эътибор берилди. 2006 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати "Микромолиялаш тўғрисида"ги қонунни қабул қилган бўлса, 2006 йил 20 сентябрда эса "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. Унга кўра, Тошкентда ташкил этилаётган микрокредит ташкилотлари устав жамғармасининг энг кам миқдори миллий валюта эквивалентида 20 минг АҚШ доллари, бошқа аҳоли пунктларида эса 10 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. Микрокредит ташкилотлари аҳолига микрокредит, микроқарз ва микролизинг хизматларини кўрсатади, аммо аҳоли омонатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2005 йилда иккита банк, яъни "Ўзуйжойжамғармабанк" ва "Заминбанк" бирлашиши орқали янги "Ипотека банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ташкил этилди. Бундан асосий мақсад аҳолининг уй-жойларга бўлган талабини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этишдир. Унга кўра ипотека кредити 2 йиллик имтиёзли муддат билан камида 15 йилга кўпи билан 5 % ли ставкада тақдим этилади.

Банк тизимида олиб борилаётган кредит сиёсати иқтисодиётни реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялашга қаратилган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар беришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йил 5 майда Тадбиркорбанк Микрокредитбанкка айлантирилди.

Истеъмол кредити бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши, жумладан 2006 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Истеъмол кредити тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши ушбу кредитнинг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

2006 йил 11 майда Ўзбекитон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-3751-сонли Фармони қабул қилинди. Жамғарманинг устави 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташкил этилди. Бу мамлакатда инвестицион жараёнларни жадал-

лашишига туртки бўлиш билан бирга мамлакат банк тизими ривожига ҳам сезиларли таъсир этади. Айни вақтда, Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичига хос бўлган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Республикамизнинг йирик тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активларнинг йирик миқдорда тўпланиб қолганлиги.

Бизга маълумки, тижорат банкларида асосан учта даромад келтирмайдиган актив мавжуд:

а) Кассадаги нақд пуллар қолдиғи;

б) Банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб рақамининг қолдиғи;

в) Бино ва иншоотлар.

Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали яққол кўриб чиқамиз.

1 - жадвал

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор йирик тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши

	Банкларнинг номи	**Даромад келтирмайдиган активларнинг жами банк активларидаги салмоғи, %**		
		31.12.1999	**31.12.2000**	**31.12.2001**
	ТИФ Миллий банки	5.5	3.2	2.7
	ЎзСаноатқурилиш банк	16.8	7.3	7.6
	ЎзПахтабанк	13.3	23.2	17.5
	ЎзТадбиркорбанк	34.4	29.2	25.0
	ЎзСавдогарбанк	41.4	30.1	38.5
	ЎзҒаллабанк	4.8	5.2	5.7
	Асакабанк	20.2	10.7	8.2
	Ўзуйжойжамғарма банк	21.8	18.8	28.0

Манба: Мазкур банкларнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди – Тошкент, 2002, 18 – февраль.

Умуман олганда, республикамизнинг бир қатор етакчи банклари активларининг таркибида даромад келтирмайдиган активларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан, АҚШ банк амалиётида бу кўрсаткич 1-2 фоиздан ошмайди[1].

Айни вақтда, айрим тижорат банкларида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги ижобий ҳолдир.

2. *Республикамизнинг етакчи, йирик тижорат банкларининг асосий қисми ресурс базасининг заифлиги.*

2 - жадвал

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор етакчи тижорат банкларининг депозит базасининг ҳолати.

	Банкларнинг номи	**Трансакцион депозитларнинг депозитлар умумий ҳажмидаги салмоғи, %**		
		31.12.1999	**31.12.2000**	**31.12.2001**
	ТИФ Миллий банки	71.8	57.5	69.4
	ЎзСаноатқурилишбанк	86.0	83.6	72.5
	ЎзПахтабанк	17.4	82.6	78.6
	ЎзТадбиркорбанк	87.5	83.9	85.2
	ЎзСавдогарбанк	83.5	80.0	80.3
	ЎзҒаллабанк	78.5	63.1	53.2
	Асакабанк	94.0	80.2	77.2
	Ўзуйжойжамғармабанк	87.2	88.6	85.7

Манба: Мазкур банкларнинг йиллик ҳисоботлари асосида ҳисобланди – Тошкент, 2002, 18 - февраль.

Мамлакатимиз етакчи банкларининг депозит базаси таркибида трансакцион, яъни жорий депозитлар салмоғининг юқори эканлиги уларнинг ресурс базаси заифлигидан далолат беради.

[1] Питер. С. Роуз “Банковский менеджмент”

Ҳозирги пайтда тижорат банкларига давлат томонидан бир қатор солиқ имтиёзлари берилган. Улар қуйидагилар:

- Республика банкларининг маҳаллий корхоналарга узоқ муддатли инвестиция кредитлари беришдан тушган фойдаси банкларнинг ўз сармоясини кўпайтиришга қаратилган тақдирда, банклар бу фойдадан солиқ тўлашдан 2010 йилга қадар озод қилинган;
- Тижорат банкларининг мини банклар очиш учун қилган харажатлари ва банклар гаровга қўйилган ипотека мол-мулкини сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олган даромадлари ҳам солиққа тортилган базадан чиқариб ташланади;
- Тижорат банкларининг солиққа тортиладиган даромадлари жисмоний шахслар муддатли омонатларининг пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатларининг ўсган ҳажмлари суммаси миқдорида камайтирилади. Бунинг учун бўшатилган маблағлар омонатлар бўйича фоизларни оширишга қаратилиши керак;
- Банкларнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ресурсларини кўпайтиришга йўналтирилган даромадлари ҳамда ушбу жамғармадан кредитлар беришдан олган даромадлари учун жамғарма этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга даромад солиғини тўлашдан озод қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон банк тизими жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда инфляцияни тўрт хонали сондан бир хонали сонгача туширилганлиги ривожланишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда, бир қатор жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий моҳиятини очиш ҳамда муваффақиятли тарзда ҳал этиш ушбу ривожланишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

§1.2. Тижорат банклари ва уларнинг турлари

Тижорат банклари бажарадиган амалларига қараб икки тургаихтисослашган ва универсал банкларга бўлинади. Ихтисослашган банклар кўпинча инвестицион банклар бўлиб, улар фонд бозорида актив қатнашади. Бу икки хил банкларнинг фаолияти тарихий нуқтаи назардан, иқтисодиёт ривожланишининг икки йўли: америкача ва европача йўлларига мос келади. Иқтисодиёт ривожланишининг европача йўлида банклар иқтисодиётнинг асосий генератори вазифасини ўтайди. Жамиятдаги барча бўш пул маблағлари банкларда йиғилиб, энг самарали тармоқ ва корхоналарни молиялаштиришга

йўналтирилади. Демак банклар универсал амалларни бажариб, ҳам жорий, ҳам инвестиция фаолиятини молиялаштиради.

Иқтисодиёт ривожланишининг америкача йўлида асосий генератор вазифасини фонд биржаси бажаради. Фонд биржасида фақат инвестицон банклар ва инвестицион институтлар иштирок этади. Тижорат банклари эса фақат жорий амалларни молиялаштириш билан шуғулланади. Буни 1998 йил маълумотларига кўра, Европадаги Германия банклари активларининг мамлакат ЯИМидаги улушини (313 %) АҚШ банкларининг мамлакат ЯИМидаги улушини (66 %) солиштирсак ҳам Европа банклари мамлакат иқтисодиётида қанчалик муҳим роль ўйнашини кўришимиз мумкин.[1]

Иқтисодиётни марказдан туриб режали бошқариш шароитида банклар давлатнинг бошқариш идораларидан бирига айланиб қолган эди. Давлат мулкини марказдан режали бошқариш усулига бутуниттифоқ бўйича бўлимларига эга бўлган Давлат банк тизими, яъни монобанк тизими мос келади. Жойларда банк амалиёти давлатга тегишли банкларнинг инструкцияси, буйруқлари ва церкуляр хатларига асосан амалга оширилган.

Собиқ шўро даврида умумиқтисодиёт барча тармоқларининг (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, транспорт ва алоқа) давлат мулкчилиги асосида ривожланганлиги, ҳуқуқий моҳиятга кўра давлат мулкчилиги жамиятда ҳукмрон характерга эга эканлиги қонунларда мустаҳкамланганлиги ҳамда банклар давлат банки сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатларга хизмат қилганлиги оқибатда хўжалик ҳисобидаги нисбий мустақил ташкилот ва корхоналар вужудга келди.

Жамиятда социалистик хўжалик субъектлари ўртасидаги хўжалик муносабатлари давлат режаси асосида тартибга солиниши натижасида умумиқтисодиётни давлат бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, идораларнинг қўлланмалари ва хатлари билан тартибга келтириш механизми яратилди.

1988 йилдан эътиборан хўжалик ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қонунлар асосида тартибга солина бошланди. Худди шу йили давлат мулкига тегишли корхоналар билан бирга акциядорлик, кооператив ва бошқа аралаш мулкка тегишли хўжалик субъектлари пайдо бўлади.

---

[1] James R. Barth,Gerard Caprio, Jr. and Ross Levine “The Regulation and Supervision of Banks Around the World” A New Database, February 2001

Банк соҳасида ҳам 1988 йил 1 январдан Монобанк тизими тугаб, қатор банклар вужудга келди. Давлат банки (Госбанк) банклар банкига айланди. Шу билан бирга, бошқа махсус ихтисослашган тижорат банклари ташкил қилинди. Жумладан:

1. Агросаноатбанки
2. Саноатқурилишбанки
3. Уй-жой қуриш ва ижтимоий банки
4. Сбербанк (Жамғармабанк)
5. Ташқи иқтисодий алоқалар банки

Бундан ташқари, аралаш мулк асосида тижорат ва кооператив банклар вужудга келди. Масалан:

1. АвтоВАЗбанк
2. «Восток» кооператив банки

Ҳар хил мулк эгалиги шароитида банклар билан мижозлар, банклар билан давлат, банклар билан банклар ўртасидаги муносабатлар қонунлар билан тартибга солиниши зарур эди. 1988 йилда собиқ СССР Олий Совети томонидан банк соҳасига тегишли иккита қонун: “СССР Давлат банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. “СССР Давлат банки тўғрисида” ги қонунда Давлат банкига пул эмиссияси ва банклар фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқи берилган эди. Бунга асосан собиқ шўро давлатидаги банкларни рўйхатга олиш ва уларга банк операцияларини амалга ошириш бўйича лицензиялар бериш хуқуқи СССР давлат банкига тегишли эди.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган илк тижорат ва кооператив банклари собиқ Иттифоқ Давлат банкида рўйхатдан ўтган ва лицензия олган эдилар. Улар:

1. Наманган банк
2. “Шарқ” кооператив банки
3. Стройкоммерцбанк
4. Инвестбанк
5. Инбанк
6. Профбанк
7. Автодорбанк
8. Геолбанк

Республикамизда 1991 йил 15 февралда Республика Олий Кенгаши томонидан “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди: қонун 8 бўлимдан иборат бўлиб, **1-бўлимида** Ўзбекис-

тон Республикаси Давлат банкининг (Марказий банкнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган эди. **Учинчи, алоҳида бўлимда** Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг ҳуқуқий мақоми кўрсатилган. 7-бобда Ўзбекистон Республикасида фуқаролар маблағларини омонатга жалб қилиш ишларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ёритилган бўлиб, 46-модда аҳолини кредитлаш ва меҳнат жамғарма банкига (Сбербанк) бағишланган. Қолган бобларда бошқа тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Ушбу қонунга асосан мустақилликнинг дастлабки йилларида ихтисослашган махсус тижорат банклари республика идоралари ва бўлимлари билан бирга, мустақил тижорат банклари сифатида рўйхатдан ўтказилди. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудида жойлашган тижорат ва кооператив банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларга банк операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини ташкил этиш борасида ислоҳотлар жадал олиб борилиб, Марказий банкнинг ташкилий тизими ва ишлаш услублари қайта кўриб чиқилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб олинди. Улар:

- монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;
- банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;
- Республикамиз расмий олтин-валюта резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;
- давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

Аммо банк тизими бозорга хос икки поғонали бўлса-да, банклар ўртасида рақобат жуда кучсиз эди. Ихтисослашган тижорат банкларининг мижозларга хизмат кўрсатишда маълум иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида якка ҳукмрон, яъни монополист бўлиши тижорат банклари ўртасида эркин рақобат вужудга келишига катта тўсиқ бўлди. Саноатқурилишбанк ва Агросаноатбанк айланмаси умумий банклар айланмасининг салкам 90 % ни ташкил қилгани ҳолда, айрим янги мустақил тижорат ва кооператив банкларининг айланмаси Саноатқурилишбанки ёки Агросаноатбанкининг кичик

филиаллари айланмасининг ярмини ҳам ташкил қилмади. Банк хизмати бозорида рақобат бўлиши керак, аммо янги очилган тижорат ва кооператив банкларнинг монопол ҳолатдаги банклар билан рақобат қилиши жуда қийин эди. Ҳукуматимиз бошқа мустақил давлатлардан фарқли ўлароқ, бу муаммоларни Марказий банк билан бирга ўзига хос усулда ҳал қилди. Бу усул шундан иборатки, банклар ўртасида рақобат икки йўналишда ташкил қилинди. Биринчиси ҳукумат қарорлари асосида йирик тижорат акциядорлик банклари бўлмиш Саноатқурилишбанки ва Агросаноатбанки негизида қатор тижорат банклари барпо этилди. Жумладан:



Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига рақобат бўлиши учун қатор қўшма банклар: ЎзДЭУбанк, ЎзАБН Амробанк, Ў-Т банк, Ўзприватбанк очилди. Бундан ташқари Ўзбекистон машинасозлик тармоғига хизмат кўрсатиш учун ихтисослашган акциядорлик тижорат “Асака” банки вужудга келтирилди.

Иккинчиси, хусусий тижорат банкларини кўпайтириш билан амалга оширилди. 1992-1993 йилларда Марказий банк НурАнвар-банк ва Рустамбанк хусусий банкларига лицензиялар берган бўлса, 1994 йилнинг ўзида Самарқанд вилоятида учта: Парвинабанк, Олимбанк, ва Умарбанк хусусий банкларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар берди.

Бозор иқтисодиётига мос банк тизимининг вужудга келиши банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чи-

қишни тақазо қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида алоҳида қонун бўлиши зарур эди. Қонунларнинг янги лойиҳа матнларини тайёрлашда хорижлик мутахассислар, жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди маслаҳатчилари фаол қатнашдилар.

Республикамиз банк тизимини вужудга келтириш жараёни 1995 йил 21 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида" ва 1996 йил 25 апрелда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларини қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Бу муҳим ҳужжатлар республикамиз банк тизимининг жаҳон андозаларига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Ўзбекистон банк тизими шаклланишининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг халқаро молия жамоатчилигига қўшилиш жараёни ҳисобланади. 1992 йилда республикамиз Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди аъзоси бўлди ва мамлакатимизда уларнинг қатор лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳозир «Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки», «Осиё Тараққиёт банки», «Халқаро молия корпорацияси» каби халқаро молиявий ташкилотлар. АҚШ, Германия, Япония, Англия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари Ўзбекистон банкларининг ҳамкорларидир.

Бундан ташқари, тижорат банклари мавқеини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, республика банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда республика иқтисодиётига чет эл сармояларини тижорат банклари орқали жалб қилишда банк аудитининг роли зарурлигини ҳисобга олган ҳолда Марказий банк томонидан тижорат банкларида ўтказилаётган ташқи аудит текширувлари сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро нуфузли аудит ташкилот(Pricewaterhousecoopers, KPMG, Delloitte & Touch, Ernest & Young)ларининг текшириш якунлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ёрдами натижасида хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма банклар ташкил этилди. Ўша пайтда республикамизда "Ўзприватбанк", "ЎзДЭУбанк", ЎзАБН Амробанк, Ў-Т банк (Uzbek-Turkish bank) ҳамда "Ўрта Осий ҳамкорлик ва Тараққиёт" банки ва Эрон «Садерат» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банклари фаолият юритишган.

Айни пайтда республика худудида UzKDB(Uzbek-Korean Development Bank) банки, ЎзАБН Амробанк, Ў-Т банк (Uzbek-Turkish bank),

Ўзбекистон-Германия “Савдогар” банк ҳамда Эрон «Садерат» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банклари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда локомотив вазифасини бажарувчи банк тизими мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу соҳа республикамиз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 1994-1997 йилларда республикамиз иқтисодиётидаги мавжуд муайян қийинчиликларга қарамасдан банкларимиз тўрт йил муддатга бюджет солиқлар тўлашдан озод этилган эди.

Бунинг эвазига:

- банклар инфратузилмаси тубдан ўзгартирилиб, замонавий бинолар қурилиб, компьютер технологиялари билан таъминланди;
- электрон тўловлар тизими жорий қилинди;
- кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга кенг имкониятлар яратилди.

Хусусий банкларнинг ташкил этилиши туфайли мамлакат иқтисодиётига хусусий сармояларни жалб этиш орқали самарадорлиги юқори, илғор инвестиция лойиҳаларига йўналтирилаётган маблағлар кўпаяди ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш савияси ошади. Бу жараён янги турдаги банк хизматларининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши республикамизда хусусий банкларни ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, хусусий банкларга қайси банкларни киритиш мумкинлиги кўрсатилди ва ташкил этилаётган хусусий банкларга бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб, икки йил мобайнида даромад солиғи тўлашдан озод қилиниб, бундан бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, акциядорлик тижорат банкларини очиш учун устав сармоясининг энг кичик миқдори 2,5 млн. АҚШ доллари бўлгани ҳолда, хусусий банклар учун энг кичик устав сармояси миқдори 300 минг АҚШ долларининг Марказий банк расмий курсидаги эквивалентига тенг қилиб белгиланди. Бу имтиёзларнинг берилиши натижасида хусусий банк очилиши сезиларли равишда кўпайди.

Фармон қабул қилингандан кейин Марказий банк томонидан бир қатор хусусий банкларнинг муассисларига банк ташкил этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди ва кейинги йилларда 20 та хусусий банкка банк операциялари билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензиялар топширилди**.** Юқоридаги ишларнинг самараси сифатида, дунёга машҳур *"The Banker"* журнали экспертлари хулосаларига кўра 2006 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида "Кредит-Стандарт" банки тан олинганини келтириш мумкин.

Тижорат банкларининг мулкий асосини 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: Давлат тижорат банклари (ТИФ Миллий банки ва Халқ банки) нинг Устав сармояси тўлиғича давлат маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилади. Давлат мулки иштирокидаги акционерлик банклари (4 та); Акционерлик тижорат банклари (10 та); Чет эл капитали билан шўъба банклар (1 та); Чет эл капитали билан қўшма банклар (4 та) ва хусусий тижорат банклари (13 та).

Қуйидаги жадвалда тижорат банкларининг мулкий асосига қараб гуруҳланган банкларнинг умумий банклар актив ва капиталидаги улуши таҳлил қилинган.

3- жадвал

Тижорат банклари активлари ва капитали таркиби*

№	Кўрсаткичлар	01.01.2003 й.			
		Активлари		Банк капитали	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%
А	*1.*	*2.*	*3.*	*4.*	*5.*
I	***Давлат тижорат банклари***				
1.	ТИФ Миллий банк	2939599	69.2	403699	56.4
2.	Халқ банки	76184	1.8	14612	2.0
	ЖАМИ	**3015783**	**71.0**	**418311**	**58.4**
II	***Давлат акциядорлик тижорат банклари***				
1.	Асака банк	248895	5.8	117730	16.4
2.	Замин банк	12919	0.3	2690	0.3
3.	Уйжойжамғарма банк	109422	2.6	21205	2.9
4.	Тадбиркор банк	32891	0.8	5426	0.7
	ЖАМИ	**404127**	**9.5**	**147051**	**20.5**
III	***Акциядорлик тижорат банклари***				
1.	Саноатқурилиш банк	261173	6.1	27393	3.8
2.	Пахта банк	218769	5.1	44824	6.2
3.	Савдогар банк	44521	1.0	5883	0.8
4.	Траст банк	7610	0.1	2669	0.3

5.	Алоқа банк	14147	0.3	2887	0.3
6.	Авиа банк	6961	0.1	2663	0.3
7.	Турон банк	14203	0.3	3573	0.5
8.	Ғалла банк	62866	1.4	9870	1.4
А	***1.***	***2.***	***3.***	***4.***	***5.***
9.	Ҳамкор банк	15503	0.3	3657	0.5
10.	Ипак Йўли банки	13108	0.3	2367	0.3
	ЖАМИ	**658861**	**15.5**	**105786**	**14.8**
IV	***Чет эл тижорат банклари***				
1.	Эрон Содерот банки	5744	0.1	4920	0.7
V	Чет эл капитали билан қўшма банклар				
1.	АБН Амро банк	58200	1.3	12610	1.7
2.	ЎзДЭУ банк	33756	0.8	8439	1.2
3.	Приват банк	12675	0.3	3856	0.5
4.	У-Т банк	7307	0.1	4855	0.7
	ЖАМИ	**111938**	**2.6**	**29760**	**4.1**
VI	***Хусусий тижорат банклари***				
1.	Алп Жамол банк	2755		1140	
2.	Туркистон банк	591		69	
3.	Давр банк	1290		248	
4.	Равнақ банк	1014		199	
5.	Капитал банк	1477		452	
6.	Бизнес банк	20293		3073	
7.	Самарқанд банк	250		83	
8.	Парвина банк	16361		1688	
9.	Истиқлол банк	535		326	
10.	Универсал банк	2099		764	
11.	Ўктам банк	2061		1326	
	ЖАМИ	**48726**	**1.1**	**9368**	**1.3**
	ЖАМИ БАНКЛАР БЎЙИЧА	**4245179**	**100**	**715196**	**100**

* Ушбу маълумотлар тижорат банклари томонидан 2003 йил якунлари аудит текширишларидан сўнг матбуотда эълон қилинган ҳисоботлардан муаллифлар томонидан тузилди.

Юқорида келтирилган жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, тижорат банклари таркиби ҳар хил мулкчилик асосида вужудга келган тижорат банкларидан иборатдир. Аммо уларнинг умумий капитали ва активлари таркибида бевосита ва билвосита давлат улуши билан ташкил этилган банкларнинг улуши 80 фоиздан ортиқ бўлганлигини кўрамиз. Ушбу тижорат банкларининг активларида жуда катта улушни ҳукумат кафолати билан берилган кредитлар ташкил қилади. Иқтисодчилар давлатнинг банклар капиталидаги бевосита ва билвосита эгалик қилишларига турлича ёндашадилар. Банклар капиталига давлат аралашувини ёқловчилар (масалан, Гер-

скенкрон (Gerschenkron), 1962) давлат капитал бозори кучсизланишини олдини олишга ёрдам беради, ташқи капиталдан фойдаланади ва стратегик муҳим лойиҳаларни молиялаштиршга эътибор беради. Ушбу ёндашувга кўра, адекват ахборот аҳоли жамғармасининг ошишини рағбатлантиради. Банклар капиталига давлат аралашувини қоралловчилар (Шлейфер (Shleifer) ва Вишни (Vishny), 1998) эса давлат аҳоли жамғармасининг ошишини рағбатлантирмайди деган ёндашувни илгари суришади. Уларнинг фикрига кўра, давлат эгалиги ресурсларнинг ажралишига, бюджет чекловларини заифлашишига, иқтисодий самарадорликка тўсқинлик қилади. Натижада давлат сиёсий самарали лойиҳаларни молиялаштиришни бирламчи санаб, иқтисодий самарали лойиҳаларни молиялаштирмайди. Ла Порта, Лопес-де-Сайлэнес ва Шлейфер (2002) ўз тадқиқотларида банк тизимида давлат улуши кўп бўлган давлатларда молиявий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш кам даражада эканлигини аниқлашди.

Юқорида айтиб ўтганимиздай, кейинги йилларда банклар ўртасида соғлом рақобатни ташкил этиш борасида самарали ишлар олиб борилиши натижасида тижорат банклари устав капиталида давлатнинг бевосита улуши камайтирилди ва 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра Республикамизда 29 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, уларнинг 3 таси давлат банки, 12 таси акционерлик-тижорат банки, 5 таси хорижий сармоя иштирокидаги банклар ва 9 таси эса хусусий банклардир.

Саволлар:

1. Илк банкларнинг пайдо бўлиши.
2. Ўзбекистонда икки поғонали банк тизими вужудга келишининг ҳуқуқий асоси.
3. Хусусий тижорат банкларининг ривожланиши.
4. Банкларда ички ва ташқи аудит текширишларнинг ривожланиши.
5. Республикамизда банк тизимининг ривожланиш босқичлари.
6. Банк тизимини ислоҳ қилиш дастурлари ва уларнинг асосий йўналиши.
7. Моно банк тизимидан икки поғонали банк тизимига ўтиш-нинг зарурати.
8. Мамлакатимизда банк тизимини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар.
9. Ўзбекистон Республикасида банк тизимини яратилишининг ҳуқуқий асослари.
10. Тижорат банклари фаолиятида аудитнинг роли.

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Давлатнинг иши, унинг бирор бир фуқароси аллақачон қилаётган ишни бажариш ёки ушбу ишни яхшироқ ёки ёмонроқ бажариш эмас, балки айни пайтда ҳеч ким қилмаётган ишни бажаришдан иборат.

Ж. М. Кейнс

§2.1. Банк назорати тушунчаси, унинг зарурлиги ва вазифалари

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, эмиссия банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олган икки поғонали банк тизимини самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўймай туриб, давлат иқтисодиётини юксалтириш ва унинг барқарорлигига эришиш мумкин эмас. Бунда биринчи поғонада Марказий банк бўлиб, у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонани эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари шакллантиради.

Банк тизимининг бундай бўлиниши авваламбор, Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди. Тижорат банклари ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишни тижорат асосида амалга оширадилар. Марказий банк эса мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, республика молия секторининг мустаҳкамлигини, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида эришилади. Пул-кредит сиёсати, бюджет сиёсати, нарх-наво сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатдир. Мазкур сиёсат барча давлатларда Марказий банк томонидан амалга

оширилади. Айрим давлатларда у Миллий банк деб ҳам юритилади, АҚШда эса Федерал Резерв Тизими (ФРТ) деб аталади ва баъзан Фед деб юритилади.

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади. Зеро, банклар мамлакатдаги капитални сафарбар қилиш ва кредитлар тақдим этиш билан мамлакат молия тизимида фаол иштирок этади. Ва албатта, назоратнинг асосий мақсади аҳолини қолаверса, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир. Банк назоратини амалга оширишнинг бир қатор сабаблари манфаатлар нуқтаи-назаридан келиб чиқади ва улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, банклар мамлакат аҳолисининг жамғармасини асосий сақловчиси ҳисобланади. Банклар фаолиятини назорат қилиш мамлакат аҳолисини моддий зарар кўришдан сақлаш учун ташкил этилади. Чунки банкларнинг асосий мақсади даромад олишга қаратилган бўлиб, банк даромадлилиги унинг ликвидлиги билан тескари мутаносибликда бўлган ҳолда риск билан тўғри мутаносибликдадир. Бу эса баъзи ҳолларда банкларнинг инвестицион ва кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Банк мижозлари эса банк рўпара келаётган риск ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Демак, банкнинг рискни қабул қилиш эҳтимолининг ошиши мамлакат аҳолисининг жамғармасининг жиддий зарар кўришига олиб келади. Банкнинг салбий фаолиятидан аҳоли жамғармаларининг фақат қисқа муддатли юқори ликвидли депозитларга қўйилган қисми зарар кўриб қолмай, балки узоқ муддатли жамғармаси масалан, пенсия фондига ажратилган ажратмалар ҳам жиддий зарар кўриши мумкин. Бу эса банк назоратининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Иккинчидан, банк кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш амалиётлари қўлланилади. Хўжалик юритувчи субеъктлар ва индивидуал шахслар ўз фаолиятиларини ривожлантириш, турмуш фаравонликларини ошириш учун тижорат банкларининг турли хил кредитларидан фойдаланишади. Ушбу кредитлар кенг омма учун йўналтирилишини ҳамда банк хизматларининг нархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳукумат, банк назоратининг билвосита воситаси бўлган банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаб, эришади.

Учинчидан, ҳукумат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали банк назоратини ташкил қилишга ҳаракат қилади. Банклар ҳукуматнинг фискал агенти бўлиш билан бирга уларнинг ўзлари ҳам мамлакат бюджетига солиқ тўловларини амалга оширишлари билан ҳукумат томонидан уларнинг юқори даромадлилиги қўллаб-қувватланади ва шу билан бирга, юқори даромадлилик паст даражадаги ликвидлиликни келтириб чиқариб, ўз навбатида юқори риск туфайли мамлакатда тизимли рискни келтириб чиқаради. Бу бутун иқтисодиётни инқирозга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, банклар бўш пул маблағларини жалб етиб, уларни кредитлар учун йўналтириш билан мамлакатдаги иқтисодий фаолликни ошириб, ишсизлик даражасини камайтиради, шу билан бирга, мамлакатдаги пул массасига билвосита таьсир етиб, инфлацияни келтириб чиқаради Шунинг учун ҳукумат самарали банк назоратини ташкил этишга ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, банк акциядорлари ва ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам банк назорати ташкил этилади.

Бозор иқтисодиёти тўлиқ қарор топган ривожланган давлатларда давлатнинг банк назорати соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) пул таклифи устидан назорат ўрнатиш;

б) иқтисодиётдаги молиявий нобарқарорликларга барҳам бериш;

в) банкларнинг фойда асосида фаолият юритишини таъминлаш;

г) банк тизимига нисбатан ишончсизлик туйғуларини юзага келишига йўл қўймаслик.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариши, молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Айни вақтда, кучайиб борувчи рақобат, ўзгарувчан баҳолар шароитида банк рисклари ва нобарқарорлик кучаяди. Йирик банкларнинг бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зиён етказади, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул таклифининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, банк тизимини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкин.

Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турлича механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндашувлар ҳам хилма-хилдир. Аммо бирорта механизм кредит институтларининг жорий фаолиятига давлатнинг аралашуви

мавжуд бўлган шароитда самара бермаган. Банкларни банкротликдан ҳимоя қилиш тизимида етакчи ўринни банкларнинг ички бошқарув тизимининг сифати эгаллайди. Шу сабабли, банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар банк муассасаларини ривожлантириш жараёнида уларни бошқариш ва тартибга солишни мустаҳкамлаш масаласига йўналтирилиши лозим.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айниқса, банкларнинг тизимли инқирозга юз тутиши хўжалик субъектларининг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг оғир ижтимоий – иқтисодий оқибатлари сифатида, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимига бўлган ишончига путур етади; иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни оғирлашувига олиб келади; учинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий манфаатларига зиён етади.

Банк иши пайдо бўлган вақтдан бошлаб алоҳида банкларнинг банкротлиги, депозитларни оммавий тарзда банклардан қайтариб олиниши натижасида юзага келадиган нобарқарорликлар банк тизимини тартибга солиш амалиётининг вужудга келишини тақозо қилди. Банк фаолиятини тартибга солиш орқали ҳукумат омонатчиларни ва кредиторларни молиявий йўқотишлардан, иқтисодиётни эса банкларнинг банкротлиги натижасида юзага келадиган оғир оқибатлардан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлатимиз иқтисодий тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизми бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Бугунги кунда иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солишда ҳаддан ташқари ва рақобатнинг ривожланишига халақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун, жаҳонда умумий қабул қилинган тамойиллар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Республикамиздаги янги банк қонунларимизга кўра, турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган табақалашган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса, уларга берилган лицензияларни қайтариб олишдан иборатдир.

Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Давлатнинг пул-кредит сиёсати, хусусан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятининг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк сифатсиз бошқарилган тақдирда жиддий зарарлар юзага келишини олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлиши ва умумий нобарқарорликни юзага келишини кучайтиради.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.

Банк назорати 100 йилдан ортиқ муддат давомида АҚШ да ва Ғарбий Европа давлатларида ўзининг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, шаклланиб келган эди.

Шу ўринда ривожланган давлатларда, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда банк назоратининг зарурлиги 1975 йилга келиб ўз аксини топди, яъни

ривожланган давлатлар банк назоратини фақат молиявий секторда эмас, балки, умуман иқтисодиётда асосий роль ўйнашини тан олдилар. Натижада банк назорати бўйича халқаро ташкилот “Базель қўмитаси” вужудга келди. Банкларнинг тизимли рискни келтириб чиқариши, бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган давлатларни ҳам иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиши мумкин. Бу худди Лоренснинг “Капалак эффекти” назариясига ўхшайди. Унга кўра, Бразилияда қанот қоққан капалаклар Техасда торнадо бўлишига олиб келади. Бундай инқирозлар эҳтимолининг ортиши мамлакатлар ўртасида минтақавий банк назоратини тузиш зарурлигини келтириб чиқарди. Ҳозирги кунда банк назорати тизимини қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

Чизма 1.



Базель қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва минтақавий банк назоратида банклар фаолияти, уларнинг назорат қилиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиришади. Базель қўмитасининг вужудга келиши ва бу қўмита томонидан хал-

қаро андозаларнинг яратилиши, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар банк назорат тизимини илмий дарсликнинг кейинги параграфида батафсил кўриб чиқилган.

Умуман олганда, банк назоратининг мамлакатлар ўртасида ва халқаро миқёсда қамраб олиш кўламини қуйидагича тасвирлаш мумкин.

Чизма 2.



Кенг маънода айтганда, банк назорати бу ҳукумат томонидан молиявий секторни ишончлилигини, барқарорлигини таъминлашда ишлатиладиган тизимдир.

Барча давлатлардаги банк назорати тизимлари олдида 2 та муҳим вазифа туради:

1. Банк тизимини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишига ҳамкорлик қилиш.

2. Барча омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Банк назорати олдида турган асосий вазифа бутун банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўлсада, лекин алоҳида олинган банк дуч келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни ва инқирозларни олдини олиш мақсадга эришишдаги энг яхши йўлдир. Омонатчилар

ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан мақсад, улар ўз маблағларидан фойдаланаётган банклар томонидан қандай хавф-хатарли операциялар бажарилаётганлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Бу борада республикамизда амалга оширилган ишлардан бири 1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ҳисоб-варақлари янги режаси амалга жорий қилингани бўлди. Янги ҳисоб-варақлар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти “ошкоралигини” (инглизча “transparent”-шаффофлик, очиқлик, ойдинлик) сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш имконини берди.

Банк фаолиятини назорат қилишнинг зарурлиги амалга ошириладиган монетар сиёсатнинг асосини ташкил этиш билан биргаликда республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли билан ҳам боғлиқдир.

Республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу ўринда Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялаш борасидаги сиёсатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Банкларни лицензиялаш ва улар фаолиятини тартибга солиш, яъни банк назорати банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, янги молиявий жиҳатдан барқарор бўлган банкларнинг бозорга киритилишини назорат этиш йўлларидан биридир. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш жараёнини такомиллашуви, авваламбор, лицензиялаш андозаларини, яъни банк муассасаларининг молиявий аҳволи, банк раҳбарлари малакаси ва обрўсига қўйиладиган талабларни оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамизда Марказий банк томонидан тижорат банкларини сонини кўпайишга йўл қўйган МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, банкларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, кўплаб давлатларда юз берган молиявий инқирозларни республикамиз банк тизимига ўз таъсирини ўтказмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий банкининг тижорат банкларини лицензиялаш ва банк назоратини ташкил этишда олиб бораётган сиёсатини тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар томонидан ўз капитали етарлилигини таъминланиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмалари ўсишини ва рискнинг оқилона диверсификацияланишини таъминланиши, кредитлар бериш шартларини, шунингдек, банк кредит портфелининг ҳолатини акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда назорат қилиниши банк назоратининг моҳиятини билдиради.

§2.2 Ўзбекистонда банк назоратини ташкил қилиш асослари

1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу қонун Марказий банкнинг муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат органи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонуннинг муҳим аҳамиятга молик жиҳатларидан бири шундаки, Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақил ҳисобланади. Бундан ташқари, қонун моддаларида давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмаслиги аниқ қилиб кўрсатиб қўйилди. Шунингдек, 2006 йилдаги банк тизими қонунчилигидаги ўзгаришларга[1] кўра Марказий Банкка микрокредит ташкилотларига лицензиялар бериш ва улар устидан назоратни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ҳозирги кунда Марказий банк кредит ташкилотлари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари устидан назорат олиб боради ва улар фаолиятини тартибга солади. Демак, Марказий банкнинг назорат қилиш сфераси кенгайди ва уни қуйидагича тасвирлаймиз.

[1] 2006 йил 20 сентябрда “Миркокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилди.

Чизма 3.



1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 44-моддасида «Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради», - деб белгилаб қўйилди.

1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банкларининг ҳисобварақларини янги режаси амалга жорий қилиниши билан банклар фаолиятини назорат қилишда замонавий ҳисоботлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда ва назорат қилишда халқаро банк назорати амалиётига асосланган назорат тизими шаклланиб бораётганлигининг исботи эди.

Банк соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор жиҳати оқилона банк назоратини амалга оширишдан иборатдир. Шу жиҳатдан, республикамизда таъсирчан банк назорати тизими иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган асосий ўзак эканлигини ҳисобга олган ҳолда Марказий банк томонидан банкларни назорат қилиш фаолияти «олдиндан огоҳлантириш тизими» асосида ташкил этилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳаракатдаги қонунларга асосан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш Марказий банкка юклатилган. Банк назоратининг асосий мақсади ва вазифалари республикамизда тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш таркибини яратади. У қуйидаги чизмада яққол кўринади.

4-чизма.


Ўзбекистон Республикасида банк назоратининг ташкил этилиши
Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти
Тижорат банклари устав фондини ташкил этишни назорат этиш департаменти
Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш департаменти
Тижорат банкларини лицензиялаш бошқармаси
Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш бошқармаси
Банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш бошқармаси
Йирик банклар фаолияти устидан назорат бошқармаси
Кичик банклар фаолияти устидан назорат бошқармаси
Қўшма банклар фаолияти устидан назорат бошқармаси
Хусусий банклар фаолияти устидан назорат бошқармаси
Юридик бўлим
Тижорат банклари-нинг давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими
Молиявий ҳисоботлар таҳлили бошқармаси
Муаммоли банклар билан ишлаш бўлими
Меъёрий ҳужжатлар бўлими
Президент қарорлари, фармонлари ва қонунлар бўлими

Чизмадан кўринадики, тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш Марказий банкда ташкил қилинган уч департамент томонидан олиб борилади. Тижорат банкларига лицензия бериш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш департаменти масофадан туриб, дистанцион назоратни амалга оширса, тижорат банкларини назорат қилиш департаменти банклар фаолиятини жойида текшириш билан шуғулланади. Тижорат банклари устав фондини ташкил этишни назорат этиш департаменти эса тижорат банклари устав фондини ташкил этишда банк капитали адекватлигини назорат қилади. Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти нобанк молия ташкилотлари(кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари)га ҳам лицензия беради.

Бундан ташқари, Республикамизда 1995 йил 9 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 427-қарорида аҳоли омонатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилди ва 1998 йилда “Омонат-ҳимоя” суғурта фонди ташкил этилди. Аммо, фондга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлганлиги унга айрим банклар аъзо бўлмаслигига олиб келди. Бу омонатларни суғурталаш тизимининг заиф томони эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2002 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан республикамизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими ташкил этилди. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли қарори билан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди.

Ушбу Фондда барча тижорат банклари ва хорижий банкларнинг шўъба банклари томонидан жалб этилган омонатлар суғурталанади. Бунда банклар Фонд билан ёзма битим тузишлари керак бўлади ва мажбурий бадал тўловларини амалга ошириб боришади. Мажбурий бадаллар икки хил бўлади:

– бир йўла тўланадиган;

– календарь тартибда тўланадиган.

Бир йўла тўланадиган бадални банклар Фондга аъзо бўлиб кирган пайтда тўлайди ва у банк устав капиталининг 0,1 % миқдорида бўлади.

Календарь тартибда тўланадиган бадални банклар йилнинг ҳар чорагида тўлаб боришади. Календарь тартибда тўланадиган бадал банкдаги омонатларнинг йил чорагидаги ўртача миқдорининг 0,5 % миқдорида бўлади. Бу иккала бадалларнинг умумий суммаси омонатларнинг қолдиғининг 5 % га етганда календарь тартибда тўланадиган бадаллар тўлаш тўхтатилади.

Фонд фаолиятининг мақсади банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда, тижорат банклари ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганда Фонд аҳоли омонатларининг, юқоридаги қонунчиликка мувофиқ, агар омонатчининг омонати минимал иш ҳақининг 100 баробаригача бўлса омонат 100 % миқдорида тўланади. Агар омонатчининг омонати минимал иш ҳақининг 100 баробаридан 250 баробаригача бўлса омонатнинг 90 % миқдори Фонд томонидан тўланади. Умуман олганда, барча давлатларнинг омонатларни суғурталаш тизимида омонатларни тўлаш бўйича лимитлар бор. Масалан, АҚШда омонатларнинг 100 минг АҚШ доллари, Канадада омонатларнинг 60 минг Канада доллари, Японияда омонатларнинг 10 млн. иенаси суғурталанса, Европа Иттифоқида омонатларнинг 20 минг еврога тенг бўлган қисмини суғурталаш тавсия этилса, Буюк Британияда эса омонатларнинг 70% ини тўлашни назарда тутади.

Юқоридан келтириб ўтилган қонуннинг қабул қилиниши ва Фондни ташкил этишдан асосий мақсад аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада оширишдан иборат.

Фонд томонидан қисқа муддат ичида республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари, шу жумладан, хорижий банклар ва қўшма банклар билан ёзма битимлар тузилиб, ушбу банклардаги фуқароларнинг омонатлари белгиланган тартибда ва миқдорда қайтарилиши кафолатланади.

Демак, Фонд ўз олдига қўйилган мақсадни бажариш учун тижорат банкларидан маълум даражада ҳисоботлар талаб қилишга мажбур бўлади. Бугунги кунда Фонд ушбу ҳисоботларни Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти орқали олмоқда.

Ушбу ҳолатни АҚШ банк назорати тизими билан солиштирадиган бўлсак, АҚШда фаолият кўрсатаётган “Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси” (ДСФК) аҳоли омонатларини кафолатлаш мақсадида АҚШнинг Марказий банки ҳисобланмиш Федерал Резерв Тизими билан биргаликда тижорат банкларини назорат қилиб туради, яъни назорат тизими биргина Марказий банкда шаклланмасдан, балки бошқа органларда ҳам шаклланган. Бу эса ўз навбатида, келажакда республикамиз банк назорати тизими ҳам биргина Марказий банк томонидан амалга оширилмасдан, юқорида келтирилган Фондда ҳам шаклланишини кўзда тутади. Бундан келиб чиқиб, шундай хулоса ҳосил қилиш мумкинки, республикамиз банк назорати тизими халқаро майдонда вужудга келган банк назорати тизими билан уйғунлаша бормоқда. Бу эса ўз навбатида банк назорати тизими иқтисодиётимизда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яққол тасдиқлайди.

Саволлар:

1. Халқаро банк амалиётида банк назоратини ташкил қилишнинг зарурияти.
2. Халқаро банк амалиётида банк назоратини ташкил қилишнинг аҳамияти.
3. Халқаро банк амалиётида банк назоратини ташкил қилишнинг сабаблари.
4. Марказий банкнинг назорат қилиш сфераси.
5. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларини назорат қилиш структураси.
6. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг зарурияти, аҳамияти ва мақсади.
7. Ўзбекистонда фуқаролар омонатларини ҳимоялаш бўйича яратилган қонуний меъёрлар.
8. Фонд томонидан аҳоли омонатларининг кафолатлаш бўйича ўрнатилган меъёрлар.
9. Фондга тижорат банклари томонидан тўланадиган бадалларнинг тўланиш тартиби.
10. Ўзбекистонда нобанк молия ташкилотларини назорат қилиш.

III боб. ХАЛҚАРО АМАЛИЁТДА БАНК НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

§ 3.1. Банк назоратини ташкил қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси

Ривожланган мамлакатлар банклари томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги 15-20 йил мобайнида банк назорати нафақат молия секторида, балки бутун иқтисодиётда жуда муҳим роль ўйнайди.

Олдинги мавзуда таъкидланганидек, банк назорати ўзининг турли хил кўринишлари билан 100 йилдан кўп вақт мобайнида банклар фаолиятида улкан аҳамият касб этмоқда.

Илк вужудга келган банклар фаолиятида уларни барқарорлигини сақлаб туриш, банкларнинг молиявий муаммоларини олдиндан аниқлаш имкониятлари бўлмаганлиги туфайли кўпчилик банклар кетма-кет банкрот бўла бошлаган. Банкларни назорат қилиш бўйича турли мамлакатларда турли назорат органлари назоратни амалга оширишади (1-иловага қаранг).

Бу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, яъни банкларда аста-секин мазкур муаммоларни ечимини топиш ва бартараф этиш ҳамда омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банк назоратининг дастлабки шакллари юзага кела бошлаган. Банк назоратини ташкил этиш бўйича кўпгина давлатларда турли даврларда банк бўйича қонун қабул қилинган (2-иловага қаранг).

Банк назоратининг вужудга келиш тарихи ва уларнинг ташкил этилишини айрим ривожланган давлатлар мисолида кўриб ўтамиз.

Америка Қўшма Штатларида Банк назоратининг ташкил этилиши. АҚШда 12000дан ортиқ тижорат банклари, тахминан 3000 та жамғарма банклари ва ссуда-жамғарма ассоциациялари фаолият юритади. Шунингдек, 13000 кредит уюшмалари ва 12 та молиявий конгломератлар банк хизматлари бозорида самарали фаолият олиб бормоқда.[1]

Банк назоратининг вужудга келиши ҳамда унинг ривожланиш жараёнларини АҚШда кузатадиган бўлсак, албатта айрим тегишли қонунларга тўхталиб ўтиш лозим. 1863 йилдаги «Миллий банк тўғрисида»ги қонунга асосан мамлакатнинг миллий валютаси жорий

[1] Питер С. Роус “Банковский Менеджмент” пер. с англ. “Дело”, Москва, 1997

этилди ва Миллий банкка банкноталар чиқариш ҳуқуқи берилди. Мазкур қонунга асосан мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш ва Миллий банк учун пул резервларини таъминлаш мақсадида «Пул муомаласини назорат қилувчи офис» номли махсус хизмат тури ташкил этилди. Лекин у кредитор вазифасини бажармади.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШда 1913 йилга қадар Марказий банк ёки уни функциясини бажарувчи бошқа бир орган фаолият кўрсатмаган. Бу даврга келиб эса, АҚШда Федерал Резерв Тизими (ФРТ) ташкил этилди. Федерал банклар ва Федерал Резерв Тизимининг ташкил этилиши ўз навбатида, банклар ликвидлигини ошириш имконини берди ҳамда у кредитор вазифасини бажара бошлади. Бундан ташқари, ФРТ томонидан фоиз ставкалари миқдорини белгилаш, очиқ бозорда операцияларни амалга ошириш ва тижорат банклари резервларини назорат қилиш каби вазифалар ҳам амалга оширила бошланди.

1930-34 йиллар давомида АҚШ банкларининг кўпчилиги банкротга учраши оқибатида 1934 йилда мамлакатда “Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси” (ДСФК) ташкил топди. Унинг асосий вазифаси тижорат банкларини банкрот бўлишини олдини олиш ҳамда омонатчилар (кредиторлар) манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эди.

Мазкур мамлакатда бир неча йиллар мобайнида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёни Федерал ва Штатлар даражасида кенг тарзда шаклланиб келди.

АҚШда банклар фаолиятини тартибга солиш 2 та муҳим тамойилга асосланади:

1. Кредит институтларини барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг банкрот бўлишини олдини олиш (ушбу тамойилни амалга ошириш мақсадида юқори хатарли банк операциялари бўйича қонуний тарзда чегаралар ўрнатилди. Шулардан бири битта қарз олувчига бериладиган кредит миқдоридир).

2. Сармояларнинг камчилик банклар қўлида тўпланишини чеклаш ва пул бозорини монопол тарзда назорат қилинишига йўл қўймаслик. (Ушбу тамойилга асосан банкларнинг бўлимларини очиш бўйича битта штат меъёрида чегаралар белгиланди, холдинг компанияларини ташкил этиш устидан ФРТ назорати жорий этилди).

АҚШда банклар фаолияти устидан назорат жуда мураккаб тизимга эга бўлиб, у икки бўғинда олиб борилади:

1) Миллий банклар тизими Федерал Ҳукуматига, яъни пул муомаласини назоратчисига бўйсинади;

2) Штатлар банклари тизими айрим штатларга бўйсинади.

Федерал даражада асосан 3 та ташкилот: пул муомаласи назоратчиси, ФРТ, ДСФК ҳамда яна бир қатор назорат органлари томонидан банк назорати амалга оширилади. АҚШдаги банклар фаолияти, уларнинг назорати ҳамда тартибга солишни амалга оширувчи ташкилотлар ва уларнинг мажбуриятлари қуйидагича:

Федерал Резерв Тизими:

- мамлакатда банк холдинг компаниялари, штатларда чартер олган банклар устидан доимий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;
- депозитлар бўйича мажбурий захиралар миқдорини белгилайди;
- АҚШда асос солинган халқаро банк муассаларига чартер беради ва улар фаолиятини доимий назорат қилади.
- ФРТ га аъзо банкларнинг янги бўлимларини очилишига, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига рухсат беради.

Пул муомаласи назоратчиси:

- янги миллий банклар ташкил этилишида уларга чартер беради;
- Миллий банклар устидан доимий назоратни амалга оширади;
- Миллий банкларнинг янги бўлимларини очилишида рухсат беришга, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига масъулдир.

Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси:

- Корпорация талабларини бажарган банклар депозитларини суғурталайди;
- Корпорацияга аъзо банкларнинг янги бўлимларини очилишида рухсат беришга, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига жавобгар;
- депозитлари суғурталанадиган барча банклардан молиявий ҳисоботларини талаб қилади.

Федерал молиявий институтларни текшириш консуллиги

Ушбу Консуллик 1979 йил 10 март куни ташкил этилган. Консуллик расмий ташкилот бўлиб, у молиявий институтларни текшириш учун умумлашган стандартлар, тамойиллар ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқишда ваколатдор ташкилот ҳисобланади. Кон-

суллик стандартларни ишлаб чиқишда ФРТ нинг бошқарув кенгаши, ДСФК, кредит уюшмаларини миллий Бошқаруви, Пул Муомаласи Назорати Офиси ва Жамғарма Назорати Офиси билан ишлаб чиқади. Ушбу консуллик молиявий институтларни, жумладан, тижорат банкларини UBPR(Uniform Bank Performance Report) бўйича назорат қилишни ишлаб чиққан. Банк фаолиятининг ҳисоботи (UBPR) ҳар чоракда банкларга юборилади ва у федерал даражада банкларни назорат қилади. UBPR ҳисоботида банкнинг активлари, унинг мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатларининг жорий йил ҳамда олдинги 3 йилдаги ҳолати ҳақида маьлумотлар берилади. Шунингдек, тақдим этилган кредитлар структураси, лизинг бўйича мажбуриятлар, муаммоли кредитлар бўйича ҳамда кредитлар бўйича йўқотишлар таҳлили ва банкнинг риск даражаси тақдим етилади. UBPR ёрдамида АҚШда тижорат банклари масофадан туриб назорат қилинади. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда, таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- хусусий капиталнинг даромадлилиги (ROE–rerurn on equity capital);
- активларнинг даромадлилиги (ROA –return on total assets);
- соф фоиз маржаси;
- соф фоизсиз маржа;
- банкни операцион фойдасининг соф маржаси;
- бутун акцияга тўғри келувчи соф фойда;
- фойда спрэди;
- активларнинг даромад базаси;
- банк фойдасининг соф маржаси;
- банкнинг активлардан фойдаланиш коэффициенти;
- капитал мультипликатори;
- солиқларни бошқариш самарадорлиги;
- харажатларни бошқариш самарадорлиги;
- активларни бошқариш самарадорлиги;
- ресурсларни бошқариш самарадорлиги.

Адлия вазирлиги

Банкларнинг қўшилишига, банк холдинг компаниялари томонидан банкларнинг сотиб олинишини назорат қилади. Асосий мақсади эса улар ўртасидаги соғлом рақобатни таъминлаш ва монополияга қарши курашиш.

Қимматли қоғозлар ва Биржа иши бўйича Комиссия

Банк холдинг компаниялари ва банклар томонидан чиқариладиган қарз мажбуриятлари, қимматли қоғозлар устидан назоратни амалга оширади.

Банк кенгашлари ёки Банк фаолияти бўйича штат Комиссияси.

- Янги банклар очилиши учун чартер беришни амалга оширади;
- Штатдаги чартер олган банклар устидан доимий назоратни амалга оширади;
- Штат миқёсидан чиқишни хоҳловчи банклар аризасини кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилади;
- Банк холдинг компанияларини тузишда, банк филиалларини очишда, бошқа банклар филиалларини сотиб олишда тегишли қарорлар чиқаради;
- Штатда чартер олган банклар учун минимал ликвидлилик ва банк капиталининг минимал миқдорини белгилайди ҳамда улар бўйича талаблар қўяди.
- Йўриқномалар ишлаб чиқиш, банкларда текширувларни ўтказиш ва ҳоказолардан иборат.

АҚШда назорат бўйича нодавлат назорат органлари ҳам мавжуддир. Улар жумласига Америка банклар ассоциацияси, Мустақил банклар ассоциацияси, турли шаҳарларнинг Клиринг палаталари комитети ва бошқалар киради. Мазкур нодавлат назорат органларининг вазифаси - мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиш, банк операцияларини амалга оширишнинг техник масалаларини ҳал этиш, Конгресс ва матбуот билан алоқада бўлиш кабилар ҳисобланади.

Буюк Британияда банк назоратининг ташкил этилиши

Буюк Британияда яқин даврга қадар банклар фаолиятини назорат қилиш тўғрисида қонун мавжуд бўлмаган. Кредит муассасалари устидан амалга ошириб келинган назорат эса яширин ва норасмий характерга эга эди.

Буюк Британия банкларининг фаолияти давлат аралашуви ва қонуний тартибга солинишдан озод эди. Банклар фаолиятини тартибга солиш «Акционер компаниялари тўғрисида»ги қонун доирасида амалга оширилган.

Банклар фаолияти устидан кучли назоратнинг йўқлиги натижасида маблағларни концентрациялашуви оқибатида мамлакатда

банкларнинг бирлашмалари ташкил топди. Бу ҳолат, банк операцияларининг асосий қисми «Катта тўртлик» банклари, яъни «Ллойдс», «Мидлэнд», «Барклайз» ва «Нейшнл Вестминистер» банклари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, кредит ресурслари ҳам мазкур банклар қўлида тўпланиб, мамлакатда нақд пулсиз оборот тўлалигича ушбу банклар томонидан амалга оширила бошланди.

70-йилларнинг охирига келиб Буюк Британияда кредит институтлари устидан назорат бирмунча кучайтирилди. 1979 йилдаги қонунга асосан тижорат банклари фаолияти учун мажбурий рухсатнома олиш жорий этилди ҳамда депозитларнинг умуммиллий жамғарма фонди ташкил этилди ва Буюк Британия Марказий банки - Англия банкига назорат органи мақоми берилди.

1987 йилдаги банк қонунига асосан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидаси жорий этилди. Бундан ташқари, айнан шу қонун асосида аудиторлик текширувлари амал қила бошлади.

Англия банки томонидан қўлланилаётган назорат тизими ҳар бир банк бўйича алоҳида хусусиятга эгадир. Ўтказилган назорат натижасида банкларнинг шарт - шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирлар банкнинг керакли даражада капиталга нисбатан энг кам оператив хавфсизлигини, резерв маблағлар, ликвидлик, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ходимлари билан суҳбат ўтказиш орқали амалга оширилди. Банк раҳбарияти билан суҳбат ўтказиш Буюк Британия назорат тизимининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1982 йилга қадар Англия банкларида инспекцион текширувларни ўтказиш амалиёти мавжуд бўлмаган. Ҳозирги пайтда жойларга чиқиб инспекцион текшириш ташкил этилган бўлиб, бу мақсадда Англия банкининг ходими бўлмаган 3 та банк хизматчиси ва 5 нафар бухгалтерлар хизматидан фойдаланилади.

Мазкур гуруҳ инспекторлари даврий текширишларни амалга оширадилар. Улар асосий эътиборни банкнинг ҳисоб ва назорат тизими, кредит портфелининг сифати, бошқарувчининг компетентлик даражаси, банк томонидан амалга оширилган барча операцияларнинг қонунийлиги кабиларга қаратадилар.

Бундан ташқари, Англия банки таркибида 11 нафар бухгалтердан иборат махсус кузатув бўлими ташкил этилган бўлиб, мазкур бўлим томонидан маслаҳатлар бериш ва зарурий ҳолларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда айрим шубҳали банкларда кузатувлар олиб бориш каби вазифалар амалга оширилади.

Юқоридагиларга қарамасдан Буюк Британияда кредит институтлари устидан назорат бошқа мамлакатларга нисбатан бирмунча енгил ҳолда олиб борилмоқда.

Германияда банк назоратининг ташкил этилиши

Германияда эса банклар устидан назоратнинг ҳуқуқий асоси, «Германия Федератив Республикаси банклари тўғрисида»ги ва «Немис Федератив банки тўғрисида»ги қонунлар ҳисобланади.

Мазкур мамлакатда кредит институтлари устидан назорат махсус органлар, яъни банклар устидан назорат бўйича Федерал назорат бошқармаси ҳамда Немис Федерал банки (Бундесбанк) томонидан амалга оширилади.

Юқорида номи зикр этилган назорат муассасасининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

– янгидан очилаётган банклар фаолияти учун рухсатнома бериш;

– кредит институтлари учун мажбурий резервларни ишлаб чиқиш;

– кредит ва пул муомаласи соҳасига тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини назорат қилиш;

– банклардан керакли ҳисобот маълумотларини талаб қилиш;

– банкларнинг операцияларига аралашиш;

– банк операцияларини тўхтатиш бўйича фармойишлар бериш;

– молия муассасалари раҳбарларини лавозимдан озод этиш;

– банклардаги мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ва ҳоказо.

Мамлакатдаги барча кредит институтлари мазкур Назорат бошқармасига ўз фаолиятларидаги барча ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот бериб боришади. Шунингдек, ойлик ҳамда йиллик ҳисоботларни тақдим этадилар. Банклар устидан назоратни амалга оширувчи Федерал бошқарма Бундесбанк билан келишилган ҳолда кредит институтлари фаолияти учун мажбурий иқтисодий меъёрлар ўрнатиб боради. Ушбу ўрнатилган иқтисодий меъёрларга қуйидагилар киради:

– тижорат банкларининг рискка эга бўлган активлари миқдори акционерлик капиталининг 18 баробаридан кўп бўлмаслиги лозим;

– ҳар операция кунининг чет эл валютаси бўйича ёпилмаган қисми акциядорлик капиталининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим;

– бир қарз олувчига берилган «Катта» кредитлар (банк сармоясининг 15% дан юқориси) тўғрисида зудлик билан Бундес-банкга хабар бериш керак;

– мазкур кредитларнинг умумий суммаси банк сармоясининг 8 баробаридан ошмаслиги лозим;

Юқорида келтирилган меъёрларга амал қилмаган банкларга нисбатан Бундесбанк томонидан уларнинг фаолиятини тўхтатиш, ҳаттоки вақтинча ёпишгача бўлган чоралар қўлланилади.

Германияда банклар фаолиятини тартибга солиш Буюк Британия назорат системасидан фарқ қилади. Бунда асосий эътибор ташқи мустақил аудиторлик текширувларига қаратилади. Қонунга асосан, Германия банклари ўзининг ишончли активларини етарли даражада сақлаб турмоқлари лозим. Бу активлар банкнинг ишончлилигини ва операциялари самарадорлигини таъминлайди. 1977 йилдан бошлаб мамлакатда «Депозитларни ҳимоя қилиш фонди» фаолият кўрсата бошлади. Мазкур фондга аъзо бўлиш мажбурий эмас, чунки фонд давлат тасарруфида ташкил этилмаган. Лекин, Германия банкларининг Федерал ассоциациясига аъзо бўлган банклар мазкур фонднинг аъзоси бўлишлари шартдир.

Фонднинг асосий мақсади баъзи молиявий қийинчиликлар юз берган ҳолатларда мижозларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, Фонд мижозларга Германия банк тизимини барқарорлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминламоғи лозим. Фонднинг мавжуд маблағлари банкнинг жорий, муддатли ва жамғарма омонатлари бўйича мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур фонд Германия ҳудудидаги резидент ва норезидент банкларнинг депозитларини ҳимоя қилишни, шунингдек, немис банкларининг чет элдаги филиалларини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Кўпчилик мамлакатларда банкларни назорат қилиш вазифасини бир нечта органлар биргаликда амалга оширишади (1-иловага қаралсин). Масалан, Японияда бу вазифани Молия Вазирлиги билан Япония банки биргаликда амалга оширади. Германияда Назорат бошқармаси ҳамда Бундесбанк томонидан олиб борилади. Бундан ташқари, Дания давлатида банклар устидан назоратни мамлакатнинг Саноат вазирлиги амалга оширади.

Италияда банк назоратининг ташкил этилиши

Банк ва молия назорати кредитлар ва омонатлар бўйича вазирликлараро қўмита, Италия банки ва молия компаниялари ҳамда фонд биржаси устидан назорат олиб борувчи миллий Комиссия томонидан амалга оширилади. Ушбу органларнинг биринчиси Молия вазири томонидан бошқарилади. У кредит сиёсати ва омонатларни ҳимоялаш бўйича умумий назорат учун жавоб беради. Италия Марказий Банки қўмита резолюцияси бўйича назорат борасидаги қарорлар ва таклифлар лойиҳасини тайёрлайди, унинг қоидаларини ўрнатади ва бевосита ҳужжат шаклида, шунингдек, масофавий шаклда назорат олиб боради. Молия компаниялари ва фонд биржалари назорати бўйича Комиссия кредит-молия ташкилотларини қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини назорат қилади. Италиядаги назорат фаолиятининг асосий тамойиллари 1993 йил қабул қилинган "Банклар тўғрисида"ги қонунда белгилаб берилган. Унда банк ва молия назорати органлари мақоми, назоратни амалга ошириш ва банк қийин аҳволга тушиб қолган ҳолатда уни тўғридан-тўғри бошқариш тартиблари кўрсатилган.

80-йилларда холдинг шаклида тузилган молиявий ва банк компаниялари ташкил топган банк гуруҳлари фаолияти устидан назорат қилишга катта эътибор берила бошланди. Ушбу гуруҳлар устидан назоратни олиб бориш учун алоҳида банклар фаолияти эмас, балки бутун гуруҳни назорат қилувчи бирлашган назорат концепцияси ишлаб чиқилди.

Францияда банк назоратининг ташкил этилиши

Францияда банк фаолияти устидан назорат Франция банкидан мустақил ҳолда фаолият олиб борувчи, бироқ унга узвий боғланган давлат бошқарув органлари – банк комиссиясига юклатилган. Комиссияни Франция банки бошқарувчиси бошқаради. Банклар тўғрисидаги қонунга мувофиқ комиссия ишчи органи ходимлари, яъни бош секретариат аъзолари фақат Марказий банк хизматчилари бўлиши мумкин. Банк комиссияси мажбуриятларига кредит ташкилотлари фаолияти шартларини ўрганиш уларнинг молиявий ҳолатини назорат қилиш, шунингдек, банк ходимлари профессионал этикасини текшириш киради. Комиссия нафақат Франциядаги, балки чет элдаги барча кредит ташкилотлари филиаллари операцияларининг қонунийлигини назорат қилади.

Комиссия назорат ости идоралари даврий текширув ҳужжатларини ўрганади, зарур бўлган пайтда инспекторлик текширув-

ларини амалга оширади. Бунда у махсус фармойишга асосан текширув олиб боради ва зарурий интизомий чораларни кўради.

§3.2. Банк назорати бўйича халқаро келишувларнинг вужудга келиши

Халқаро молия бозорларида ресурсларнинг янада самарали тақсимланишини таъминлаш йўли билан молия инновациялари, молия бозорларининг очиқлиги ҳамда глобализация мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ўсишларига туртки бўлди. Шунингдек, капитал ҳаракатининг эркинлиги қарздорлар учун янги молиявий манбаларга йўл очилишига ва оқибатда инвестициялар миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига ҳамда банк рискини ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда банкларни синишига сабабчи бўлди.

70-йиллар бошидан бошлаб миллий ва халқаро даражада кредит ташкилотлари томонидан рискни баҳолашда аниқ қоида ва меъёрлар киритиш йўли билан молиявий барқарорликни ҳимоя қилишга уринишлар бўлди. XX асрнинг 80-йилларига келиб, юқорида айтиб ўтилганидек, банк ишининг интернационаллашуви оқибатида банк назорати тизими халқаро миқёсда шакллана бошлади. Мазкур даврда банк назорати ва тартибга солиш масалалари бўйича Базель қўмитаси таркиб топди.

Ушбу қўмита тўғрисида олимларимиз томонидан тайёрланган турли ўқув-услубий қўлланмаларда маълумотлар берилишига қарамай, Базель қўмитасининг таркибий тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда тамойиллари таҳлил қилинмаганлигини ҳисобга олиб, Базель қўмитаси тўғрисида тўлиқ маълумот берилиши республикамиз банк тизимида ушбу талаблардан фойдаланиш имкониятларини оширади деб ўйлаймиз.

1974 йил июн ойида Ғарбий Германиянинг «Бзнкхаус Херштатт» банки хорижий валютадаги операцияларидан сўнг катта зарар кўрди ва банкротга учради. Шу билан бирга, валюта курсларини тартибга солиб турувчи Бреттон-Вудс тизимининг фаолияти тўхтатилгандан сўнг бир қатор банклар ҳам жуда катта зарарларга дуч келди. Жумладан, АҚШнинг “Франклин Нэшнл” банкининг 1974 йил май ойида хорижий валютадаги операциялардан кўрган зарарлари натижаси оммавий тарзда депозитлар ва омонатларни қайта-

риб олинишига олиб келди. Бу эса банк фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлди.

Вужудга келган танглик ҳолатидан чиқиб кетиш мақсадида дунёнинг 10 та ривожланган мамлакатлари, яъни Бельгия, Канада, Франция, Швеция, Италия, Япония, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Швейцария марказий банк бошқарувчилари 1974 йил сентябр ойида молия бозорларидаги барқарорликни таъминлаш мақсадида махсус “коммюнике” (келишув) қабул қилдилар. 1974 йил декабр ойида Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлиб ўтган “ўнлик” гуруҳи учрашувида Англия Банкининг бошқарувчиси Гордон Ричардсон таклифига кўра, бошқарувчилар томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат килиш услубларини такомиллаштириш мақсадида доимий қўмита тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва шу тариқа Банк назорати бўйича Базель қўмитаси вужудга келди. Янги, доимий фаолият кўрсатувчи бу қўмитанинг биринчи раиси этиб Англия Банкининг банк назорати бошқармаси бошлиғи Жорж Бланден тайинланди. Қўмита секретариати Швейцариядаги Марказий банкларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширувчи халқаро ҳисоб-китоблар банкида жойлаштирилди.

Қўмита тузилган вақтда “ўнлик” гуруҳи давлатларининг молиявий бозорлардаги операциялари ҳажми барча операциялар ҳажмининг 90 фоизини ташкил этган эди. Асосий иштирокчилар сонининг чекланганлигига (“ўнлик” гуруҳи) қарамай, ҳамкорликнинг кенгайиши минтақавий гуруҳларни тузиш орқали таъминланди. Улардан биринчиси 1980 йил октябр ойида ташкил этилган банк назоратининг Оффшор гуруҳи ҳисобланиб, унда ўша пайтдаги барча етакчи Оффшор марказларининг тартибга солиш ва назорат қилиш органлари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб ваколатлар доираси чекланганлигига қарамай, қўмита ўз фаолиятини кўп йўналишлар бўйича кенгайтирди. Бу йўналишлар давлатлараро миллий банк назорати механизмлари тўғрисида маълумотлар алмашиш, халқаро банклар фаолиятини назорат қилиш усуллари самарадорлигини ошириш, капитал етарлилигининг минимал нормаларини татбиқ қилиш, шунингдек, назорат органларини қизиқтирган бошқа муаммоларни таҳлил қилишга тегишлидир.

Шу билан биргаликда, қўмита илгари қабул қилинган оптимал стандартлардан воз кечиб, ўз фаолиятини банк назорати соҳасида ҳамда капиталнинг етарлилигига оид минимал нормативлардан

фаол фойдаланишга қаратди. Молиявий бозорларнинг динамик ривожланишида қўмита комплекс соҳалараро алоқаларга катта эътибор қаратмоқда, жумладан, қимматли қоғозлар ва суғурта фаолиятларини назорат қилувчи органлар билан, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва халқаро аудит стандартлари каби бошқа соҳалар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

1975 йилдан бошлаб қўмита халқаро банк назорати муаммолари бўйича бир қатор ҳужжатларни ишлаб чиқди. Бу соҳада бўлиб ўтган ўзгаришлар қайсидир даражада қўмита сиёсатидаги ўзгаришларни ва уни назоратига ёндашишни акс эттирсада, аммо халқаро банк фаолиятидаги ва молиявий бозорлардаги ўзгаришлар қўмита учун биринчи даражали аҳамият касб этиб келмоқда.

Халқаро банкларнинг чет мамлакатлардаги операциялари устидан банк назоратининг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича Базель қўмитасининг биринчи тавсиялари 1975 йил сентябр ойида Биринчи Конкордатда баён этилди. Бу ҳужжат асосан маълум бир банкнинг трансмиллий операцияларини назорат қилишни амалга ошириш жараёнида давлатлараро назорат органлари ўртасидаги жавобгарликни тақсимлаш муаммоларига тааллуқлидир. Конкордат назоратнинг тўртта асосий тамойилини белгилади.

1. Чет мамлакатлар банклари томонидан бошқа давлатларда ташкил килинган банк муассасалари фаолиятини назорат қилиш мақсадида қўшма жавобгарлик ушбу хорижий банк муассасаси очилган давлат ва хорижий банк жойлашган давлат назорат органларига юкланди.

2. Ликвидлилик бўйича назорат хорижий банк муассасаси очилган давлат назорат органларининг вазифаси ҳисобланганлиги сабабли, ликвидлиликни бошқаришда хорижий банклар, одатда маҳаллий меъёрларга риоя қилишлари лозим.

3. Хорижий банкларнинг тўловга лаёқатлилигини назорат қилиш асосан ушбу банклар жойлашган давлатнинг назорат органларига юкланди.

4. Амалий ҳамкорлик хорижий банк жойлашган ва унинг муассасаси очилган давлатларнинг назорат қилиш органлари ўртасида маълумот алмашиш ҳисобидан таъминлаши лозим.

Бунинг учун эса, ҳамкорликка тўсиқ бўладиган барча юридик чекловларга, авваламбор, давлатлар банк сири билан боғлиқ муаммоларни ечиш лозим эди. Биринчи Конкордат дастлаб чоп этилмасдан, фақат назорат органларига тарқатилди, чунки у фақат мил-

лий назорат органлари билан ўзаро муносабатларга тегишли бўлиб, тижорат банклари фаолиятига боғлиқ эмас деб ҳисобланарди.

1983 йилда Биринчи Конкордат ўрнига қайта кўриб чиқилган Конкордат ишлаб чиқилди. Қайта кўриб чиқилган Конкордат «Банко Амброзиано» холдингининг барбод бўлишидан сўнг, 1982 йилда чоп этилди. «Банко Амброзиано» Люксембургдаги итальян банк гуруҳларининг холдинг компанияси ҳисобланар эди. Чунки Люксембург назорат органлари уни банкларга қўшмаганлиги сабабли, у қисман назорат соҳасидан четда қолган эди. Компания барбод бўлганидан сўнг Люксембург ва Италия назорат қилиш органлари ўртасида холдинг компания фаолияти устидан назоратга жавобгарлик бўйича тортишув (мунозара) юзага келди. Шу муносабат билан қайта кўриб чиқилган Конкордатнинг тушунчалар бўлимида халқаро банк гуруҳларининг, шунингдек, холдинг компанияларининг ва аралаш фаолиятдаги гуруҳларнинг таркибий хусусиятлари акс эттирилди.

1990 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатга информацион илова нашр этилди. Унинг асосига Базель қўмитаси ва банк назорати Оффшор гуруҳларининг қўшма ишчи гуруҳи ҳисоботи натижалари киритилди. Ушбу ҳисоботда 1983 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатни амалга жорий қилиш жараёнида вужудга келган муаммолар кўриб чиқилган эди. Илова ўз ичига фаолият олиб боришга рухсат олиш, бош банк жойлашган ва унинг муассасалари фаолият кўрсатаётган давлатларнинг назорат органлари маълумотларига бўлган талаблари, банк сирини бекор қилиш ва ташқи аудитнинг аҳамияти каби бир қатор махсус қоидаларни олган.

1990 йилда информацион илова нашр этилгандан сўнг, 1992 йилда Назоратнинг минимал стандартлари тўғрисида такрорий баёнот эълон қилинди. Назорат органларининг халқаро фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан кейинги таҳлил «BCC!» банкининг барбод бўлиши ва «Банко Национале дель Леворо» банкининг Атлантадаги бўлимида содир бўлган воқеалардан сўнг 1992 йилнинг ёзида амалга оширилди Шунга асосан, қўмита қуйидаги хулосага келди: қайта кўриб чиқилган Конкордат ва 1990 йил информацион илова етарли асосланганлигига қарамай, назорат органлари ишлаб чиқилган стандартларни жорий қилишни фаоллаштиришлари лозим. Шунингдек, “10”лик гуруҳининг барча давлатларида назорат органлари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган банк

назоратининг минимал стандартлари тўпламини белгилаш тавсия килинди.

Иккинчи ҳисобот 1996 йилда Базель қўмитаси ва банк назоратининг Оффшор гуруҳи билан қўшма ишчи гуруҳи томонидан тайёрланди. Минимал стандартлар эълон қилинганидан сўнг, 4 йил давомида қўмита ушбу стандартларни жорий қилинишида давлатларнинг миллий назорат органлари фаолияти устидан мониторинг ўтказди. Сезиларли тараққиётга қарамасдан, ҳамон бир қатор муаммолар ечилмай қолган эди. Ишчи гуруҳ минимал стандартларни, шунингдек, назорат органларига ўзларининг анъанавий миллий назорат усуллари ёрдамида ушбу стандартларни татбиқ этишда вужудга келган тўсиқларни таҳлил қилиб чиқди.

Текширишлар ўтказиш ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган консолидация назоратини самарали баҳолашда кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга оид амалий тавсиялар алоҳида қизиқиш уйғотди. Минимал стандартларни рисоладагидек амалга оширишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ 1986 йилда Стокгольмдаги банк назорати бўйича навбатдаги Халқаро Конференцияда стандартларга риоя қилишни таъминлаш мажбуриятини яна бир бор тасдиқлашни, шунингдек, навбатдаги 1989 йил Конференцияси олдидан стандартларга риоя қилишни текшириш лозимлигини тавсия қилди.

Ниҳоят, 1997 йил апрел ойида консультатив характерга эга бўлган дастлабки ҳужжат тайёрлангандан сўнг, 1997 йил сентябр ойида банк назорати асосий тамойиллари тўлиқ рўйхати эълон қилинди. 1996 йил Базель қўмитаси томонидан консультатив характерга эга бўлган ҳужжатларни нашр этгандан сўнг, бозор рискини ҳисоб қилиш мақсадида капитал тўғрисидаги Битимга тузатишни кўзда тутадиган навбатдаги ҳужжатни чоп этди. Капитал тўғрисидаги Битим кредит хавфидан юзага келадиган зарарларни банк капитали ҳисобидан ёпишни кўзда тутарди. Шу билан бирга, ушбу хавф хусусан, акциялар, қарз ва бошқа молиявий инструментлар билан бўладиган операциялар бўйича ҳам келадиган зарарлар билан боғлиқлигини кўзда тутарди.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши Жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи

банклар ўртасида рақобатнинг тенглигини таъминлашга ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўлларни шу билан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларини топиш зарурати туғилди. Миллий ва халқаро даражадаги банк назоратининг 25 та фундаментал асосий тамойиллари 1997 йилда чоп этилган эди, сўнгги бор 2006-йилда чоп этилди. Бу тамойиллар Базель қўмитаси томонидан бозор иқтисодиёти шаклланаётган 15 та давлатнинг банкларни назорат қилиш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилди. Тахмин қилинардики, жаҳоннинг барча давлатларида ҳукуматининг назорат ва бошқа органлари банкларни назорат қилишда Базель қўмитасининг асосий тамойилларига таянади.

Асосий тамойиллар Базель қўмитаси томонидан тайёрланган 3 жилдли ҳужжатлар тўплами билан бирга чоп этилди. Тўпламда Базель қўмитаси томонидан 1975 йилдан буён ишлаб чиқилган назорат сиёсатига оид масалалар бўйича мувофиқлашган асосий ҳужжатлар ифода этилган. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари 1997 йил сентябр ойи охирида Гонконгдаги Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки йиғилиши арафасида нашр этилган эди.

Асосий тамойилларнинг тайёргарлиги Базель қўмитаси ҳамда бир қатор “10”лик гуруҳига кирмайдиган, жумладан Хитой, Чехия, Гонконг, Мексика, Россия, Чили ва Таиланд давлатлари назорат органлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди. Ушбу ишда 8 та давлат, жумладан, Бразилия, Венгрия, Индонезия, Корея, Малайзия, Польша ва Сингапур бевосита иштирок этдилар. Асосий тамойилларда лицензиялаш ва банклар фаолиятига жорий назоратга нисбатан талабларнинг минимал тўплами белгиланган.

Базель қўмитаси учун котибият вазифасини халқаро ташкилот ҳисобланган, иқтисодий ва монетар изланишлар маркази бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки (ХҲКБ) бажаради. «Марказий банклар учун банк» бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки марказий банклар ҳамда жаҳон молия ҳамжамияти йўналишида қарорлар қабул қилиш жараёнига кўмаклашади. Ҳозирги кунга келиб, 120 га яқин марказий банклар ва халқаро молия ташкилотлари ушбу банкда ўз депозитларига эгадир. Халқаро ҳисоб-китоб банки ишончлилиги юқори рейтингга эга бўлган банкларда, шунингдек, турли

мамлакатларнинг қисқа муддатли давлат қимматли қоғозларига маблағларни жойлаштиради.

Базель қўмитасининг банк назоратига оид асосий вазифаси банк назорати ва тартибга солишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўлиб ҳисобланади. Келишувга аъзо бўлган давлатлар қўмитага уларнинг банк муассасалари учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни ишлаб чиқишини юклайдилар. Ушбу кўрсатмалар тижорат банклари фаолиятини турли жабҳаларини тартибга солиб туради. Шунингдек, ушбу кўрсатмалар аъзо бўлган давлатларда қоида бўйича банк қонунчилигининг бир қисми бўлиб қолади.

Базель қўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарли талабларни ўрнатиш йўли билан мустаҳкам фаолиятни таъминлашдан иборатдир. Бу ўринда асосий ҳужжат бўлиб, 1988 йилда марказий банк вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий қилинган капитал ва риск бўйича Базель-I келишуви ҳисобланиб, унда капиталнинг етарлилиги банк ташкилоти томонидан олаётган риск даражасига боғлиқлиги кўрсатилган.

Бизга маълумки, банк фаолиятини назорат қилишда капитални етарлилиги асосий омил ҳисобланади. Бошланғич маблағ, мижозлар ва кредиторлар ишончини ошириш ҳамда банкротликдан ҳимоялашиш амалларини бажариш банк операциясини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Банк капитали унинг фаолиятини тартибга солувчи бўлиб ҳисобланиб, у орқали давлат назорат ташкилотлари банкни молиявий номутаносиблигини ва риск даражасини ҳаддан ташқари кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида иқтисодий меъёрларни белгилашда фойдаланилади.

Турли давлатлар томонидан якка тарзда ўрнатилган банк капиталининг етарлилиги меъёри халқаро молия тизимини мустаҳкамлигини ва улар ўртасида ҳаққоний рақобатни таъминламаяпти. 1988 йилда банк капиталини тартибга солувчи талабларни яқинлаштириш мақсадида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси «Капитални ўлчаш усуллари ва андозаларини халқаро яқинлаштириш» (Базель келишуви) борасидаги ҳужжатни тасдиқлаб, унда капитал етарлилиги меъёрини ҳисоблаш услубини белгилади.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликни мақсадлилигига асосла-

нади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорига ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қўйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдори нисбати билан аниқланади.

Мазкур услубда капитал икки гуруҳга бўлинади. Биринчи даражали капитал тўлиқ тўпланган оддий акциялар ва дивидендлар, йиғилмасдан тўланадиган имтиёзли акциялардан иборат бўлган акциядорлик капитали, очиқ (эълон қилинадиган) захиралар, қўшимча тўланган капитал, тақсимланмаган фойда, кўзда тутилмаган йўқотишларга қарши умумий захиралар ва аниқ бир давлат қонунчилигининг ўзига хослиги билан банк томонидан тузиладиган бошқа захиралардан ташкил топади.

Шунингдек, келишувда кўшимча капитални, яъни иккинчи даражали капитални шакллантиришнинг бошқа услублари кўрсатилган бўлиб, унинг таркибига капиталнинг етарлилиги даражаси ўзгарган тақдирда ҳисобга олинадиган турли шаклдаги захиралар ва аралаш молия инструментлари киради. Қўшимча капитални компонентларидан бири активларни балансида кўрсатилган бошланғич қийматини (бино, қимматли қоғозлар ва бошқалар) жорий баҳода қайта ҳисоблашдан келиб чиққан банк активларни қайта баҳолаш захираси ҳисобланади.

Иккинчи даражали капиталнинг навбатдаги компоненти ссудалар бўйича йўқотишларга қарши умумий захирадир. У ссуда портфели бўйича кўзда тутилмаган йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлсагина амалда қўлланилади. Агарда мазкур захира аниқланган сифатсиз ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлса, у фавқулоддаги йўқотишларни қоплаш учун эркин ишлатила олинмайди ва шунга мувофиқ у капитални ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Иккинчи даражали капитал таркибига акция ва қарз мажбуриятини ўз ичига олган (дивидендлар, йиғилиб бориладиган имтиёзли акциялар, акцияларга конвертация қилиб бериладиган облигациялар) қимматли қоғозларнинг айрим турлари кириши мумкин. Охирги йилларда ғарбда банклар томонидан чиқариладиган мажбуриятларнинг субординар тури машҳур бўлди. Субординар мажбуриятлар қимматли қоғозларнинг асосий тури бўлиб, унинг махсус таъминоти бўлмасдан, банк тугатилган ҳоллардагина кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг қайтарилади. Субординар мажбуриятларни капитал таркибига киритиш учун

уларнинг бошланғич қайтариш муддати камида беш йил бўлиши, шунингдек, ҳисобга олинадиган суммаси умумий капиталнинг 50% дан ошмаслиги лозим**.** Бу иқтисодий меъёрлар капиталнинг етарлилиги коэффицентлари билан бирга Жаҳон банки маслаҳатчилари билан ишлаб чиқилиб, 1998 йилда банк назорати амалиётига жорий қилинган.

Базель қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларнинг олдини олиш учун 1997 йилда амалиётга III даражали капитални киритди. III даражали капитал таркибига қисқа муддатли субординар қарз (максимал муддати 2 йилдан ошмаслиги керак) киритилган бўлиб, у I даражали капиталнинг 250 % дан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро банк назорати талабларини, яъни меъёрларини ўрнатишда маҳаллий шароит макроиқтисодий ҳолатини ҳисобга олиш лозим.

Шу ўринда Республикамиз банк амалиётидан бир мисолни таҳлил этиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуйидаги жадвалга мурожаат этамиз.

2-жадвал.

«А» банкнинг капитали таркиби ҳамда унинг элементлари динамикаси

Кўрсаткичлар	**1.01.2005 й.**		**1.01.2006 й.**		**1.01.2007 й.**	
	Млн. сўмда	%	Млн. Сўмда	%	Млн. Сўмда	%
1.Биринчи даражали капитал	731,9	97,9	1022,6	96,8	1630,3	92,9
2.Иккинчи даражали капитал	15,2	2,1	33,6	3,2	124,8	7,1
Жами капитал	747,1	100	1056,2	100	1755,1	100

Жадвал маълумотларидан «А» банкнинг биринчи ва иккинчи даражали капиталларининг жами капиталдаги улуши яққол кўриниб турибди. Яъни биринчи даражали капитал 2005 йил ҳолатида жами капиталнинг 97,9 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилда 96,8 фоизни, 2007 йилга келиб эса 92,9 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат нафақат биз таҳлил этаётган банкда, балки республикамизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банкларида кузатилишини ҳисобга олган ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкин:

Халқаро Базель қўмитаси томонидан барча давлатлардаги банкларга нисбатан белгиланган, яъни иккинчи даражали капиталнинг ҳажми биринчи даражали капиталдан ошиб кетмаслиги тўғрисидаги талаби бугунги кунда бизнинг республикамизда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳозирги даврда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган субординар қарзлар ва деривативмолиявий инструментлар миллий банк амалиётимизга кириб келгани йўқ. Шу билан бирга уларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳам ҳуқуқий норматив база яратилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган Базель қўмитасининг келишувига кўра баланс ҳамда балансдан ташқари моддаларнинг ҳар бирига риск даражасини белгилаб, уларнинг рисклилиги ўхшашлиги бўйича гуруҳларга ажратади. Риск коэффициентлари тўртга бўлинган: 0, 20, 50 ва 100 %.

Базель қўмитасининг келишувига мувофиқ халқаро фаолиятни амалга оширувчи банклар учун активлари рискка тортилган биринчи даражали капиталнинг минимал миқдори 4 % бўлиши ўрнатилган бўлиб, биринчи ва иккинчи даражали капиталлардан ташкил топган жами капиталнинг риска тортилган активларга нисбатан етарлилиги 8 % бўлиши белгиланган. Капитал етарли бўлмаган тақдирда банк уч усул орқали меъёрий талабларга мослаштирилиши мумкин: капитални ошириш орқали, активларни қисқартириш орқали, рисклилиги юқори бўлган қўйилмалар миқдорини қисқартириш орқали активлар таркибини ўзгартирса бўлади.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар ўртасида рақобат тенглигини таъминлашда ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди.

Банк назоратига капиталнинг етарлилиги меъёри орқали кредит ташкилотларининг ишончлилигини аниқлаш амалиётини татбиқ этиш жаҳон банк тизимида маълум бир натижаларни берди: ўтган ўн йил ичида ривожланган давлатлар кредит ташкилотларининг капитал етарлилиги ўртача кўрсаткичи 9,3 дан 11,2 % га ошди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўлларни, шу би-

лан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларини топиш зарурати туғилди.

Базель қўмитаси жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда 1999 йилнинг бошларида банк капиталининг етарлилиги тўғрисидаги низом масалаларига бағишланган мулоқотни ташкил қилади. Мулоқот чоғида охирги 10 йил ичида бозор амалиётини жадал ривожланиши шароитида ҳамда турли янгиликларни пайдо бўлиши билан молия дунёсида ҳам ўзгаришлар вужудга келиб, амалдаги услубда ҳисобланган банк капитали етарлилиги коэффиценти ҳар доим ҳам унинг молиявий ҳолатини ишончли кўрсаткичи бўла олмаслиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур мулоқотда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилдики, амалдаги низомда айрим банк операцияларининг турлари бўйича рискни камайтириш усулларини қўллашни рағбатлантириш таъминланмаган. Масалан, гаров таъминоти капитални етарлилигига қўйилган талабни минимал камайишига олиб келади, холос. Бошқа ҳолатларда амалдаги меъёрлар кредит рисклилигини камайтириш йўлини излашга имкон бермайди.

Ўтказилган кўп тарафлама мулоқотлар натижаси Базель қўмитаси 1999 йил июн ойида капитални етарлилигини таъминлаш муаммосига янгича ёндашиш ҳамда банклар томонидан меъёрларни бузмаслиги устидан назоратни яхшилаш масалаларига бағишланган маърузани эълон қилди. Янги схема уч базавий ва уни тўлдириб турувчи компонентларга асосланади: капитал етарлилигига минимал талаб, назорат жараёнлари ҳамда бозор инструментларидан самарали фойдаланиш.

Мазкур компонентларни биргаликда қўллаш орқали кредит ташкилотлари томонидан банк капитал базасини унинг рисклилиги ва стратегиясига мувофиқлаштиришни таъминлаш орқали бошқарувни яхшилашга олиб келади. Ушбу компонентларни моҳиятан алоҳида ўрганиб чиқамиз.

Капитал етарлилигига минимал талаблар. 1988 йил келишувнинг асосий элементлари, яъни регулятив капитални аниқлаш ҳамда капитални рискка тортилган активларга нисбатининг энг кам миқдори янги ҳужжатларда ўзгаришсиз қолди. Янги талаблар асосан рискка тортилган активларни ҳисоблашга қаратилган рискни баҳолашни ўз ичига олди.

Базель қўмитаси ҳисобга олинадиган рисклар таркибини кенгайтиришни таклиф қилди. Учта йирик тоифа ажратилди: кредит,

бозор ва бошқа рискларга кирган биринчи навбатда банк балансининг ҳисобварақлари бўйича операцион ва фоиз рискларини, шунингдек, ликвидликни, обрў-эътиборни ва бошқаларни йўқотиш рисклилиги ўз ичига олади. Капитал етарлилигига энг кам бўлган талаб ўз ичига кредит ва операцион рискларни баҳолашни олиб, бунда бозор рисклилигини баҳолашга талаблар ўзгармайди. Фоиз рисклилигини баҳолаш мураккаб моделни қўллашни талаб қилганлиги муносабати билан Базель қўмитаси уни иккинчи компонентга киритишни мақсадга мувофиқ деб топган.

Кредит ва операцион рискларни баҳолашда банклар томонидан қуйидагилардан фойдаланиш кўзда тутилган: ички рейтингнинг андозавий, база усуллари; ички рейтингнинг мукаммал усули.

Активларнинг турли тоифалари билан боғлиқ рискларни баҳолаш аниқлигини ошириш учун банкларга ташқи кредит рейтингларидан фойдаланиш имконини, яъни молия инструментларини инвестицион жиҳатдан жалб қилишни баҳолаш билан шуғулланадиган ихтисослашган малакали молия агентлиги томонидан, шунингдек, экспорт операцияларини кафолатлаш билан шуғулланадиган суғурта компанияларига бериш масаласи кўтарилган эди. Мазкур соҳада Standart and Poor’s, Moody’s Service, Fitch IBCA машҳур фирмалардан ҳисобланади.

Ушбу келишувга мувофиқ Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИҲРТ) аъзо бўлган мамлакатлар қарздорлари ва бу мамлакатлардан ташқари бўлган қарздорларга бўлишни тугатиш кўзда тутилган. Амалиёт шуни кўрсатдики, қарздорларни бундай бўлиш уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни тўлиқ акс эттирмайди. Янги усул соҳасида қарздор (актив)лар бўйича рискнинг асосий тоифалари кўрсатилган: давлат бошқарув ва ҳокимият ташкилотлари (ҳукумат, мамлакат Марказий банки), тижорат банклари, аниқ соҳанинг номолиявий ташкилотлари, жисмоний шахслар, лойиҳани молиялаш ҳамда капиталда қатнашиш.

Янги тизим бўйича муҳим ўринни ихтисослаштирилган рейтинг агентликлари ўйнаганлиги сабабли уларни танлаб олиш мезонлари (объективлик, аниқ, услублардан фойдаланиш, рейтинг агентликларига бўлган ишонч) олдиндан келишиб олинади.

Юқорида айтиб ўтилган капитални аниқлаш бўйича янги талаб ўзгаришсиз қолди. Капитални етарлилиги тўғрисидаги 1988 йилдаги Низомга мувофиқ қарздорларга бериладиган кредитлар унинг молиявий ҳолатидан қатъий назар, 8 фоиз миқдорида ўз

маблағлари билан таъминланиши лозим. Берилаётган кредитлар таъминотига бундай ўрнатилган талаб иқтисодий нуқтаи назардан кўп банклар капиталини норационал тақсимланишига олиб келди. Кредит рисклилиги кичик бўлган тижорат банклари балансининг актив портфели иқтисодий нуқтаи назардан ўз капиталини юқори миқдорда таъминот сифатида ажратиши лозим бўлади. Ва аксинча, кредит рисклилиги даражаси юқори бўлган банкларда кўзда тутилмаган вазиятлар юз берган ҳолларда ўз капитали етишмаслиги мумкин.

Банкнинг ўз капитали хавф ва зарарлар вужудга келганда унинг фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун капиталнинг ҳимоя аломатлари унинг миқдори билан эмас, балки активларга (бирламчи захира, кредитлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқалар) жойлаштириш таркиби даражаси билан белгиланади. Қабул қилинган келишувга мувофиқ капитални етарлилиги хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи риск характери билан белгиланади.

2005 йилдан бошлаб қарздорнинг кредит қобилияти ҳар бир мижозга бериладиган банкнинг ички рейтинг тизими билан баҳоланадиган бўлади. Бунда, тўловга қобилиятлилик рейтинги қанча паст бўлса, ўз капитали миқдорига бўлган талаб шунча юқори бўлади. Мустақил ишлаб чиқариш рейтинг тизимидан фойдаланиш тижорат банклари учун кредитлашга ҳар томонлама қарздор билан боғлиқ риск даражаси ва турига қараб ёндашиш имконини беради. Шу билан биргаликда замонавий дунёда рисклар доим диверсификация қилиниб бориши ҳамда банк олдида мазкур рискларни баҳолаш услубларини ҳар доим яхшилаб бориш вазифаси туради. Ушбу масалани ҳал қилиш учун банкларнинг ўзларини ҳамда назорат органларини, маслаҳат берувчи фирмаларни, рейтинг агентликларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб Базель қўмитасининг иқтисодий меъёрларни бажарилишини назорат органлари томонидан назорат қилиш юзасидан билдирган таклифларига қисқага тўхталиб ўтсак. Банклар капиталини етарлилигига қўйиладиган талабни янгилашнинг муҳим ўрнини Базель қўмитаси назорат фаолиятини мукаммалаштиришга қаратган. Назорат органларининг мақсади банкнинг капитал базаси ҳолатини назорат қилиш бўлса, уларнинг стратегияси – банк капиталини банкнинг риск умумий тузилмасига мувофиқлигини таъминлашдир. Шу сабабли назорат орган-

лари банкларнинг ўз маблағлари капитални етарлилиги меъёрининг энг кам талабларини бажаришини талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, капитал базасини баҳолаш жараёни ва рейтинги ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Базель қўмитаси капитал етарлилиги даражасини ҳамда капиталнн қўшимча миқдорлари(капиталнинг иккинчи даражаси)ни баҳолашда банк ва назорат органлари иқтисодий жараёнларни боғлиқлиги ҳамда умумий макроиқтисодий ҳолатни эътиборга олишни таклиф қилган.

Банк ҳолатига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жараёнларни олдини олиш мақсадида истиқболли тестни ўтказиш лозим бўлади. Шунингдек, Базель қўмитаси банк томонидан қабул қилинган стратегия, унинг капитали ва тўлов қобилиятини сақлаш имконини бермаса, назорат органи унинг фаолиятига аралашиш хуқуқи берилиши борасидаги таклифи билан чиққан.

Актив ва пассивлар сезгирлиги асосида ётувчи кредит-депозит операциялари бўйича фоиз рисклилиги банкнинг ликвидлиги ва капиталга жиддий хавф бўлиб ҳисобланади. Банк узоқ ва қисқа муддатли фоиз даражалари фарқи ўртасидаги қўшимча даромад олишга интилиши билан кутилмаганда пул бозоридаги баҳоларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолади. Маблағларни жойлаштириш ва жалб қилиш муддатлари ўртасида фарқ бўлмаган тақдирда ҳам йўқотишлардан тўлиқ суғурта қилиб бўлмайди, чунки қўйилмалар ва қарзлар бўйича фоиз ставкалар орасидаги фарқ бир - бири билан боғланмаган бўлиши мумкин.

Банк фаолиятида турли табиатдаги фоиз рисклилигини пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, Базель қўмитаси мазкур турдаги рискни иккинчи компонент доирасида ҳисобга олишни маслаҳат берган. Банклар фоиз рисклилиги даражаси миқдорига мос равишда капитални етарли даражасига эга бўлмаса, унда улар банк фаолиятига аралашиши орқали ёки рискни камайтиришни ёки ўз капитали миқдорини оширишни талаб қилишлари мумкин бўлади. Қўмита шуни тушуниб етдики, бундай банкларни топиш учун миллий миқёсда маълум даражада эркин фаолият кўрсатиш ҳамда ссуда-депозит операциялари бўйича фоиз рискни ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шундай қилиб, ривожланган хориж давлатларида банк назорати тизимини шаклланишида асосий эътибор Марказий банклар ва тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар

натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олишга, кредиторлар ва омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини яратишга қаратилган. Катта йўқотишлар билан боғлиқ банк рискларини аниқлашда халқаро келишув– Базель қўмитаси талаблари катта аҳамиятга эгадир.

2006 йилнинг охирига келиб, Базель қўмитаси Базель II келишувини амалиётга тадбиқ этди. Ушбу келишувда ҳам капитал етарлилигининг минимал миқдори 8 % лиги сақланиб қолади. Янги келишув учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. капиталнинг минимал миқдорига талаб;
2. капитал етарлилигининг назорат органлари томонидан таҳлил этиш;
3. маълумотларни кенг оммага эълон қилиш.

Ушбу келишувда рисклар икки турга, яъни кредит ва операцион риска бўлинади. Базель II келушувининг асосий қўлланиш сфераси-бу консолидациялашган банклар, банк холдинглари, банк гуруҳлари бўлиб, улар халқаро банк фаолияти билан шуғулланишади. Келишувнинг қўлланилиш сферасини қуйидаги чизмада ифодалаймиз.

Чизма 5.

Янги келишувнинг қўлланилиш сфераси



(1) Банк гуруҳи даражасида банклар консолидация кўринишида бўлиши керак. (2), (3), (4) қуйи даражадаги банклар учун қўлланилади.

Базель қўмитаси томонидан 2006 йилда қабул қилинган банк назоратини назорат қилиш бўйича 25 тамойилининг асосий мақсади самарали банк назоратини ташкил қилишдир. Ушбу тамойиллар 7 гуруҳга бўлинган.

- Объективлик, мустақиллик, ваколатлилик, шаффофлик ва ҳамкорлик (тамойил 1);
- лицезиялаш ва тузилма (тамойил 2-5);
- прудентал назорат ва тартибга солиш (тамойил 6-18);
- банк назоратининг усуллари (тамойил 19-21);
- ҳисоботлар ва уларни ошкор этиш (тамойил 22);
- назоратчиларнинг ахлоқи ва уларнинг ваколатлари (тамойил 23);
- консолидациялашган банклар ва хорижда фаолият юритувчи банклар назорати (тамойил 24-25).

Ушбу тамойилларда банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик риски, бозор риски, операцион риск, кредит риски, мамлакат риски, фоиз риски, рискларни бошқариш риски, ички назорат ва ички аудит каби бўлимлари бор.

Фан-технологияларнинг ривожланиб бориши, интернетнинг оммалашиб бориши **e-banking** (Интернет-банкинг)нинг ҳам ривожланиб боришига замин яратмоқда. Бу ўз навбатида Базель қўмитаси олдига Интернет банкинг рискларини олдини олиш имконини берувчи тамойиллар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу мақсадда биринчи марта 2000 йил октябр ойида интернет банкнинг рискларини олдини олиш, улар устидан назорат қилиш ва уларнинг рискларини бошқариш бўйича тамойилларни ишлаб чиқди. Иккинчи марта эса 2003 йил июль ойида электрон банкинг учун рискларни бошқариш тамойиллари ишлаб чиқарилди. Электрон банкинг ривожланиб бориши халқаро миқёсда назоратни ташкил қилиш ва мамлакатлар банк назоратчилари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Банк назорати органлари ўртасида ҳамкорликнинг таъминланиши халқаро миқёсдаги қонунчиликлар қабул қилиниш эҳтиёжини келтириб чиқармайди. Электрон банкнинг ривожланиб боришининг икки сабаби бор: биринчидан, банклар томонидан таклиф қилинаётган электрон

банк хизматлари унинг мижозлари томонидан кенг фойдаланилмоқда, шунингдек, банк мижозлари томонидан Интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда; иикичидан, янги технологияларнинг ривожланиб бориши банкларга инсон меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда турли хилдаги банк хизматларини таклиф этиш имконини бермоқда ва банк мижозларининг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Лекин, электрон банклар фаолиятида учрайдиган рисклар янги пайдо бўлган эмас, булар биз билган ликвидлилик риски, мамлакат риски, операцион риск, стратегик риск ва бошқалардир.

Саволлар:

1. АҚШ да банклар фаолиятини назорат қилиш тизимининг ташкил топиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Буюк Британияда банк назорати.
3. Германия банк назоратининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Францияда банк назоратининг ўзига хос томонлари.
5. Италияда банк назоратининг ўзига хос томонлари.
6. Халқаро тажрибада банк назорати қайси муассасаларга юклатилади.
7. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг вужудга келиши ва ривожланиши.
8. Базель қўмитасининг мақсад ва вазифалари.
9. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари.
10. Банк назорати бўйича халқаро андозаларнинг шаклланиши.

IV боб. БАНК НАЗОРАТИ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

§4.1. Банк назорати усуллари ва уларнинг ривожланиши

Банклар фаолиятини ривожланиш тарихи ва ривожланган давлатларда банк тизимини назорат қилишни ташкил этиш тажрибасига кўра ҳозирги кунда банк фаолиятини назорати учта усул бўйича амалга оширилмоқда. Банк назоратининг биринчи усули – бу Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини масофадан, яъни уларни молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилса, иккинчи усули – бу жойларда инспекция, яъни барча молиявий ҳисоботлар ва уларга тегишли қўшимча маълумотлар тижорат банкларининг ўзида текшириш ўтказиш жараёни орқали амалга оширилади. Учинчи усул – бу масофадан туриб ва жойларда текшириш усулларидан бир вақтда фойдаланишдан иборат.

Масофадан туриб тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш усули асосан, Европа мамлакатларида кенг қўлланилган. Бунда Марказий банк тижорат банклари молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш йўли билан назорат олиб борилади. Бу усулда Марказий банкнинг назорат департаментлари ташқи аудит фирмалари билан яқин муносабатда бўлади. Ҳар йили йил тугашидан олдин барча сертификатланган ташқи аудит фирмаларига аудит текширишларида тижорат банклари фаолиятининг қайси қирраларига асосий эътиборни қаратишлари зарурлиги кўрсатилади. Айрим ҳолларда ташқи аудит фирмаларининг ишчи материалларига, гарчи уларнинг хусусий мулки бўлса-да, ушбу материаллардан фойдаланиш талаб қилинади.

Тижорат банклари фаолиятини жойларга бориб текшириш Америка Қўшма Штатлари банк назорати амалиётида кенг фойдаланиладиган усулдир. АҚШ банк назорати департаментларида жуда кўп сонли инспекторлар ишлашади. Улар жойларга чиқиб, тижорат банклари ҳужжатларини бевосита текшириб, банк Бошқарувига баҳо берадилар. Гарчи банк капиталини йириклаштириш учун амалга оширилган қўшилишлар туфайли банклар сони бир оз қисқарган бўлса-да, уларнинг сони 11 мингтадан ошиқдир. Шунча сонли банкларни жойига чиқиб текшириш қанча вақт ва маблағ талаб этишини кўз олдингизга келтиришингиз мумкин.

Кейинги йилларда Америка ва Европа банк назорати амалиётида учинчи усул, яъни тижорат банклари фаолиятини масофадан туриб ва жойига чиқиб инспекция текширишларини ўтказиш қўшиб олиб борилмоқда. Республикамизда банк назоратини ташкил қилиш асослари ёритилган параграфда кўрганимиздек, ҳар иккала усулдан фойдаланилади. Худди шу усулларга мос департамент ва бошқармалар ташкил қилинган бўлиб, улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ равишда иш олиб боради.

Юқорида келтирилган фикрларни мужассамлаб, таъкидлаш жоизки назорат моҳиятини фалсафий талқинида унинг функцияларидан чиқармоқ зарур эди. Лекин, амалий тажрибалардан кўринадики, назорат моҳияти унинг бош мақсади ва шу мақсад йўлида олиб борадиган назорат усулларини юзага келтирувчи вазифаларида акс этади. Бош мақсад банк моҳиятидаги камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат экан, назоратнинг олдига қўйилган вазифалари унинг усуллари олдига қўйилган мақсадга мувофиқ равишда ўзгаради. Лекин, ҳар қандай ўзгариш бош мақсаддан четга чиқмайди, балки уни бойитиб, янада тўлдириб боради. Агар биз жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг тарихий ривожига назар солсак, банк ва улар мижозларининг кўп бор хонавайрон бўлганига гувоҳ бўламиз. Бу эса Ўзбекистонда банк устидан давлат назорати ўрнатилиши зарурлигига олиб келади. Мисол учун, 1929-1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодиёти инқирози АҚШ иқтисодиётига катта зарба берди. Бу ҳолни таҳлил этган «The Banker» журнали қуйидаги хулосани чиқаради: «Америка банк ташкилотининг қониқарсиз аҳволи ва уни кескин ўзгартириш зарурати шунда бўлдики, бу тизим тадбиркорлик ҳамжамиятига ҳам, алоҳида шахсга ҳам хизмат қила олсин. Инқироз қуйидагиларни ошкор этди:

1. Америка банклари ташкилотининг носоғлом табиати банкларнинг турли сабаблар билан хонавайрон бўлишига олиб келди.

2. Америка банк тизими иқтисодий инқироз ва стресслар пайтида жамият манфаатларини таъминлашга ноқобил бўлиб чиқди.

3. Федерал Резерв Тизими (ўша даврда, инқироз пайтида) пул бозорини назорат қилиб ҳам, мувофиқлаштириб ҳам билмади.

АҚШнинг «буюк инқироз» йилларидаги аудит ва банк назорати таҳлили соҳадаги ишларни бутунлай қайта кўриб чиқишга олиб келди. Президент Ф.Рузвельт бошчилигидаги ҳукумат банк тизими-

ни марказлаштириш сиёсатини юритди ва бу сиёсат мамлакатда банк назорати ва аудитини янги босқичга олиб чиқди. Кейинчалик депозитларни суғурталаш сиёсатининг кенгайиб бориши АҚШ молия тарихида банкларни Умумфедерал назорати остига олиш имконини берди.»[1]

Умуман олганда, «буюк инқироз»дан кейинги йилларда ҳам молиявий бўҳронлар у ёки бу мамлакатда турли шаклларда юз бериб турди ва уларнинг таҳлили ҳамда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёни банклар устидан махсус давлат назоратининг ўрнатилишига ва кучайтирилишига олиб келди.

Банк назоратининг асосини банкларнинг ўзлари томонидан тайёрланган молиявий ҳисобот шакли ёки аудиторлик фирмалари тасдиқлаган иш фаолиятининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади. Кўпгина халқаро меъёрий ҳужжатларда банк активлари ва пассивларини тўғри баҳолаш, улар фаолиятининг молиявий натижалари ҳаққоний баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

Банк ишининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги аниқ ахборотларнинг назорат органларига тақдим этилишига банк назорати бўйича Базель қўмитаси банкнинг барқарор фаолият кўрсатишининг мажбурий шарти сифатида қарайди ва бу унинг «Самарали банк тизимининг асосий мезонлари» деб номланган ҳужжатида ҳам ўз аксини топган. Мазкур қўмитанинг 1998 йил сентябрида «Банк равшанлигини мустаҳкамлаш» деган махсус материали тайёрланиб, унда банк фаолиятининг молиявий аҳволи ва натижалари ҳақидаги ахборотларнинг ўз вақтида оммага етказиб борилиши таъкидланган.

Базель қўмитасининг 1999 йил июнида қабул қилинган бошқа бир ҳужжатида шундай уқтирилади: «Банклар мавжуд рисклар ва унга олиб келувчи вазиятлар ҳақидаги маълумотлар каби йўқотиш ҳолларига захира сифатида шакллантирган капиталларининг барча асосий компонентларини қисқа муддатларда оммага етказиб бориши керак. Бундай ахборотлар ҳеч бўлмаганда йиллик молиявий ҳисоботларга киритилиши, уларда банк молиявий аҳволи ва фаолияти натижаларини акс эттирувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, операциялари, рисклар таркиби ва уларни бошқариш бора-

[1]И.А.Дьяконова. «Американский аудит в годи «великого кризиса». Бизнес и банки., 1999 г., ноябрь, [1]44.

сидаги саъй-ҳаракатлари ёритилмоғи лозим»[1].

Ўзбекистонда банк назоратини такомиллаштириш, тижорат банкларининг рисклари ва рентабеллиги даражаси, молиявий аҳволи ҳақида ҳаққоний ахборотлар билан таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар кўриб борилмоқда. Бунда 1996 йилда Олий Мажлис томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 1997 йил март ойидан бошлаб тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоб варақлар режасига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Булар банклар ресурсларининг таркиби, уларнинг юридик тегишлилиги ва муддати, банк ресурсларининг турли даромадлилик бўйича жойлаштирилиши, тезлиги ва операциялар рисклиги бўйича банк фаолиятига қизиқувчиларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини берди.

§4.2. Масофада туриб банк назоратини олиб бориш, унинг афзаллик ва камчиликлари

Жаҳон тажрибасидан кенг ўрин олган масофадан туриб назорат ўрнатиш банк фаолиятига оид молиявий ва бошқа ҳисоботларни таҳлил қилиш ҳамда текширувдан ўтказишни кўзда тутади. Ҳисоботлар баланс, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот, фаолият тури, кредитлар, қўйилмалар, мажбуриятлар, капитал, ликвидлик, ссудалар бўйича йўқотишларга қарши захиралар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Демак, масофадан назорат қилиш ёки узоқлаштирилган мониторинг банк ҳолатини сўнгги маълумотлар асосида баҳолаш имконини беради. Яъни масофадан назорат этиш банк фаолияти самарадорлигига халал бериши мумкин бўлган омилларни аниқлаб, келгусида улар билан боғлиқ харажатларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, йил якуни бўйича тижорат банклари чет эл ташқи аудиторлар хизматидан фойдаланадики, унинг асосида банкнинг молиявий ҳолати тўғрисида ҳамда эҳтимолий тўловга лаёқатсизлиги ёки ноликвидлиги ҳақида масофадан назорат қилиш тизимига ахборот берилади. Кейинги параграфда самарали банк назоратини олиб боришда банк аудитининг роли алоҳида кўриб чиқилади.

Халқаро амалиётдаги ва ўтказилган тадқиқотларга кўра шаклий белгиларига қараб, масофадан назорат ёки диагностика тизимини

[1] Новые рамки достаточности капитала. Базельский комитет по банковскому надзору. С.16-64.

тўртта кенг тоифаларга ажратиш мумкин:

1) банкларни баҳолашнинг рейтинг тизими;

2) молия коэффициентлари ва гуруҳлаб таҳлил қилиш тизимлари;

3) банк рискларини баҳолашнинг ялпи тизимлари;

4) статистик моделлар.

Масофадан назорат қилиш мониторинги натижалари асосида рейтинг тузиш назорат маълумотлари ва назорат органлари фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ахборотлар, шу жумладан, жойига чиқиб ўтказилган текширув натижаларига асосланади. Франция банклари рейтинг тизими масалан, Франция Банки ва банк комиссиясининг маълумотлар базаларида (хусусан, банкларнинг ўзлари томонидан тақдим этилган ва молия бозорларининг махсус маълумотлар базасида сақланаётган), маълумотларидан, Франциянинг бошқа назорат органлари маълумотларидан ва бошқа Европа давлатларининг назорат органлари билан тузилган ўзаро битимларга мувофиқ олинаётган ахборотлардан фойдаланади.

Дастлабки тизимлардан банкни инспекция текширувидан ўтказиш компоненти сифатида фойдаланилган. Бироқ ҳозирги пайтда масофадан назорат қилиш банк тизимини ва муайян банк рисклари тизимини баҳолашнинг мустақил элементи бўлиб қолди. Федерал резерв тизимида якка тартибдаги банк мониторинги эрта диагностиканинг статистика моделларини талқин этишнинг таркибий бўлаги сифатида қўлланилади. Айни пайтда, танлаб олинадиган кўрсаткичлар ҳар доим ҳам банкнинг умумий аҳволига мос келавермайди (айниқса, йирик банклар мисолида шундай бўлади).

Чекловлар у ёки бу кўрсаткичларни аниқлашга нисбатан ҳам қўлланилади. Бу одатда, эксперт баҳолаши услубида рўй беради. Гуруҳийнинг таҳлил натижалари бутун тизим ёки гуруҳлар учун умумий вазият ёмонлашувини ҳисобга олмаслиги мумкин. Уйғунлаштирилган, ўз вақтида тузилган ҳаққоний ҳисобот сифатли таҳлил омилидир.

Бундай тизим доирасида кредит ташкилоти рискларини умумий баҳолаш рўй беради. RATE инглиз рейтинг тизими бутун ташкилот учун рисклар тоифаларини ажратишни кўзда тутади. Нидерландияда қўлланиладиган RAST тизими банкни ёки банк бўлинмаларини алоҳида баҳоланиши билан ажралади. Ҳар бир бўлинма барча рисклар, ички тузилма ва ҳар бирига балл бериладиган қатор мезонлар бўйича назорат тизимида баҳоланади. Якка тартибдаги

баллар банк ёки гуруҳни якуний баҳолашгача босқичма-босқич уйғунлаштирилиб борилади.

Ялпи ёндашув рискнинг миқдор ва сифат омилларини баҳолаш имконини беради. Банк аҳволи ҳақида ҳар томонлама ахборот олиш учун миллий ва хорижий назорат органларининг биргаликдаги ҳаракати талаб этилади (Буюк Британиянинг Молия хизмати бошқармаси мустақил текширувга оид қўшимча харажатлардан қочиш мақсадида ана шундай маълумотларни сўраб олади). Тизим банк гуруҳларини ва уларнинг таркибий қисмларини бирлашиб ва бирлашмаган ҳолда баҳолашда қўлланилиши мумкин. Назорат органи берилган баллар ҳақида хабар қилмаслиги мумкин. Бироқ умумий ривожланиш тамойиллари ва йирик риск банк раҳбарияти билан муҳокама қилинади.

Статистик моделларнинг асосий вазифаси банкларнинг келажакдаги аҳволини тахмин қилиш, яъни банк муаммоларини илк босқичлардаёқ диагностикадан ўтказишдан иборатдир. Ушбу моделлар рискларни баҳолаш учун банк фаолияти ҳақида назорат органлари томонидан йиғилган маълумотлардан фойдаланади. Моделлар ҳисоб-китоблари натижасида олинган маълумотларга таяниб, банкротликка учраш эҳтимоли юқори ва кам бўлган банкларни ажратадилар. 80-йиллар ва 90-йилларнинг бошларида АҚШда рўй берган кўплаб банкротлик ҳолатларига ва кўп миқдордаги ҳаражатларга олиб келган (турли баҳоларга кўра АҚШ ЯИМининг 2,4 фоизидан 3,2 фоизигача бўлган миқдорда) банк жамғарма таназзули статистик моделларининг ривожланишига туртки бўлди.

Кўпчилик моделлар ўзаро боғлиқ ёки мустақил кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни (банкротлик ёки яшовчанлик, рейтинг) таҳлил қиладилар. Модел асосида берилган вақт оралиғи мобайнида воқеаларнинг рўй бериши баҳоланади. Италияда жорий этилиши режалаштирилаётган эрта диагностика модели дюрациядан фойдаланади. Модел ҳар бир банк охир-оқибатда банкротликка учрайди, деган фикрга асосланади. Бундай моделда банкротлик эмас, балки банкротлик ҳолати рўй беришигача қолган вақт асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Гарчи ФРТнинг рейтинг моделига CAMEL текшируви натижаларидан олинган бошқарув кўрсаткичи қўшилган бўлса-да, моделларда сифат омилларининг таъсири (бошқарув сифати, ички назорат, ўзига хос омиллар, масалан, кредит маданияти) одатда, ҳисобга олинмайди. Франциядаги SAABA модели миқдорий таҳлилни

алоҳида сифат баҳоси билан тўлдиради. Моделларда қаллоблик ёки молиявий тартиббузарлик натижасида банкротликка учраш имконияти ҳисобга олинмайди.

Юқорида келтирилган фикрларни мужассамлаб, масофадан назорат қилиш тизимини моҳиятан тушунган ҳолда қуйидаги икки йўналишда афзалликларни эътироф этиш лозим.

Биринчидан, диққат-эътибор келгусида банк аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган рискларни аниқлашга қаратилади. Шунингдек, риск даражаси юқори бўлган банкларни таназзул ёки банкротлик ҳолати етиб келмасдан олдин аниқлашга ҳаракат қилинади. Бу эса ушбу моделни бошқа тизимлардан фарқлаб турувчи асосий хусусиятлардан биридир.

Иккинчидан, моделлар кўрсаткичлари билан уларнинг барқарорлик, таназзул, банкротлик ёки яшовчанлик каби хусусиятлари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш учун миқдорий услублардан ҳамда олинган маълумотлардан ўхшаш хусусиятлилари асосида бўлғуси воқеаларни башорат қила олади.

Банк соҳасининг умумий муаммолари макрокўрсаткичлар орқали аниқланиши мумкин. Бироқ, бунда кредит ташкилоти фаолиятининг жиддий муаммоларни ўтказиб юбориш эҳтимоли ортади. Айрим банкларнинг умумий тармоқ ҳолатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир банкнинг хавфсиз ва оқилона фаолият юритиши устидан назоратнинг долзарблиги тобора ортмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги назорат органларининг банк муассасаларидаги риск ва уларнинг молиявий аҳволи устидан мониторинг ўрнатишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш борасида саъй-ҳаракатларини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ана шундай тизимларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз-ўзидан равшанки, чет эл тажрибасини тўғридан-тўғри мамлакатимизга кўчириб келтириш фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради. Бу ана шундай тизимларни яратишнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан боғлиқдир (юқорида айтиб ўтилганидек, тизимни ишлаб чиқишда муайян мамлакат банк соҳаси хусусиятлари: статистика ахборотининг мавжудлиги, ҳисоб ҳамда ҳисобот юритиш амалиёти ва ҳоказолар ҳисобига олинади). Лекин, шунга қарамасдан, нафақат мавжуд назорат тизимларини такомиллаштириш, балки замонавий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда банк рискларини эрта диагностикадан ўтказиш ва якка тартибдаги баҳолаш тизимларини ривожлантириш лозим.

Масофадан назорат ўрнатиш банкнинг молиявий фаолияти устидан доимий асосда амалга оширилади. Инспекцион (жойига чиқиб) текширишларга бўлган зарурият туғилганда уларга узоқ вақт ва харажатлар сарф қилиш лозим бўлади. Шунинг учун банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим қилинадиган молиявий ва бухгалтерлик ҳисоботлари, ўрнатилган мониторинг кўрсаткичлари ҳамда таҳлил қилиш учун банк томонидан олинадиган зарур бўлган кўрсаткичлар ва маълумотлар асосида масофадан туриб назорат қилиш тизими қулай, самарали ва тезкор тизим эканлиги исбот талаб этмайди.

Банкларни масофадан назорат қилишдан мақсад аҳолини банкка бўлган ишончини ошириш уларни омонатларга қай даражада жалб қилинаётганлигини кузатиб, тижорат банклари активларини мунтазам таснифлаб бориш ва зарур захираларни шакллантириш, банклар амалга оширадиган молиявий воситачилик самарадорлигини юқори даражага олиб чиқиш, банкларнинг кредит портфелини ёмон аҳволга олиб келадиган, банк томонидан молиялашни кутиб яшайдиган корхоналарни мумкин қадар камайтириб, уларнинг молиявий ҳолатини яхшиланишини мунтазам назорат қилиб туришдир.

Масофадан назорат қилиш мамлакатда бутун банк тизимини қамраб олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Иқтисодий ўзгаришларда оператив тарзда банк тизимига таъсирини ўрганишда ҳам масофадан назорат ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шунингдек, унинг кам харажатлилиги кенг қўлланилишига олиб келмоқда.

Бозор муносабатлари кенгайиб бораётган ҳозирги вақтда тижорат банклари фаолиятини ва уларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш масофадан назорат қилиш тизимининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Тижорат банклари томонидан қабул қилиб олинадиган молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 8 февралдаги 8-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банклар фаолиятини назорат қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларни юритиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги йўриқнома ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши лозим. Масофадан назорат қилиш тизими ходимлари ушбу молиявий ҳисоботларни тўғри тўлдирилганлиги ҳамда уларни ҳақконийлигига ишонч ҳосил қилганликларидан сўнг банкнинг ой, чорак ёки йил якунига бўлган молиявий ҳолатини таҳлил қилишга

ўтадилар. Шунингдек, тақдим қилинаётган молиявий ҳисоботларни ҳамда мазкур тизим фаолиятини самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Масофадан назорат қилиш тизими таҳлил жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратади:

— банк томонидан тақдим қилинган молиявий ҳисоботнинг муддатини эътиборга олиш, молиявий ҳисобот ойнинг 10-кунидан кейин тақдим қилинган бўлса, банкдан ҳисоботни кечиктирилиб тақдим қилинганлиги сабабини ва ўз вақтида тақдим қилинишини талаб қилади;

— банк активлари ва пассивлари ҳолатини, банк капитали, ликвидлиги, фойда ва зарарлар ҳисоботи, банк тушумлари, банк кредит ва қимматли қоғозлари, шу жумладан, инвестициялар портфели ҳамда уларга қўшимча зарур бўлган барча кўрсаткич ва маълумотларни тўлиқ таҳлил қилиб чиқади;

— таҳлил қилиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисида банклар фаолиятини таҳлил қилиш Бошқармаси ходимлари томонидан раҳбариятга маълумотнома ёки билдиришнома, шу жумладан, тижорат банклари раҳбарияти ва Кенгашига аниқланган камчиликлар юзасидан уларни зудлик билан бартараф этиш учун чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида хат жўнатилади;

— қайта такрорланиб келинган камчиликлар юзасидан банкларга жўнатилган огоҳлантириш хатидан сўнг уларни қайта такрорланилмаслигини назарда тутган ҳолда банкка нисбатан амалдаги қонунчиликка асосан жарима чораларини кўради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда Республика тижорат банклари фаолиятини Марказий банк томонидан масофадан туриб назорат қилиш амалиёти таҳлил қилинди.

Масофадан туриб назорат этиш билан Марказий банк тизимида «Тижорат банкларига лицензия бериш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш департаменти» шуғулланади. Ўтказиладиган таҳлил ва мониторинг мавжуд меъёрий йўриқномаларга мос келиши керак. Барча тижорат банклари назорат объекти ҳисобланади. Алоҳида бир банк амалий зарурият бўлганда атрофлича ўрганилади. Ушбу назорат тури ўзининг доимийлиги билан ҳам бошқалардан фарқ қилади. Яъни мазкур департамент барча тижорат банклари балансларини доимий равишда назорат этиб боради.

3-жадвал

Масофадан назорат этишда энг кўп учрайдиган камчиликларнинг ўнта гуруҳи бўйича 2002 йил давомида тижорат банкларига нисбатан қўлланилган чоралар*

Т/р	Кўп учрайдиган камчиликларнинг ўнта гуруҳи	Жами қўлланилган чоралар сони	Шу жумладан			
			Огоҳлантириш хати	Жарималар		Фаолият ёки маълум амалнинг бажарилишини чеклаш
				Сони	Суммаси (минг.сўм)	
1	2	3	4	5	6	7
1.	Эҳтимолий йўқотишлар бўйича тўлиқ захира шакллантирилмаган	5	4	1	375,0	
2.	Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли қарори 3 банди 2-хатбоши талаблари бузилган. (Ўзга фаолият юритаётган тижорат банки акциясини сотмай ушлаб туриш)	3	-	3	2664,6	
1	2	3	4	5	6	7
3.	2002 йилнинг 1 июл ҳолатига тижорат банки томонидан ҳисоб капитали Марказий банк талабларига мувофиқ равишда, яъни 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида шакллантирилмаган.	5	-	5	7500,3	
4.	Банк асосий кўрсаткичлари мониторинги тўғрисидаги маълумот Марказий банк томонидан белгиланган	12	9	3	819,0	

	муддатлардан кечиктириб тақдим этилган.					
5.	Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли қарори 3 банди 1-хатбоши талаблари бузилган. (Бир акционернинг банк устав жамғармасидаги улуши).	9	-	9	7993,8	
6.	«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 25-моддасига зид равишда Марказий банкнинг олдиндан рухсатисиз акциялари қайта сотиб олинган.	1	-	1	173,0	
7.	Марказий банкнинг «Олди-сотди жараёнидаги қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар учун рискнинг энг юқори даражаси» иқтисодий меъёри талаблари бузилган.	1	-	-	-	Хорижий валютадаги қимматли қоғозлар билан амалга оширилади-ган операциялар 6 ой муддатга тўхтатилсин.
8.	Марказий банк томонидан белгиланган «Бир дахлдор шахс ва ўзаро дахлдор шахслар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг максимал даражаси, таъминланган ссудалар», «Барча элементлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилмаларнинг энг юқори даражаси» иқтисодий меъёрлари бузилган.	3	-	3	437,5	

9.	Ликвидлик коэффициентини бузган ва инспекция натижалари бўйича банк умумий фаолияти 5 баҳо билан баҳоланган.	2	-	1	20,8	Алоҳида актив операциялар 6 ой муддатга тўхтатилсин.
10.	Марказий банк томонидан ўрнатилган Н-3.1, Н-3.2 ва –Н-6.1. иқтисодий меъёрлари бузилган.	1	-	1	20,8	
Жами:		42	13	27	20004,8	2

*Марказий банкнинг жорий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил материаллари асосида тижорат банклари фаолиятида энг кўп учрайдиган камчиликлар иқтисодий моҳиятига кўра гуруҳланди (2.1.1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, Марказий банк назорати асосан меъёрий ҳужжатлар талабларини ва ўрнатилган нормативларни бажарилишини текширади. Масофадан назорат этиш жараёни учун тузилган текширув саволномалари ва уни амалга ошириш жараёни бўйича ҳеч бир эътироз билдирмай, камчиликлар гуруҳлари бўйича қуйидаги таклифларни билдириш мумкин.

Биринчидан, 2.1.1-жадвалнинг 6-банди «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига зид равишда Марказий банкнинг олдиндан рухсатисиз ўз акцияларини қайта сотиб олинганлиги камчилик сифатида эътироф этилган.

Банк ликвидлигини ҳисобга олган ҳолда, яъни акциясини сотиб олиб ўз маблағини устав жамғармасига бериши мижозлар олдидаги мажбуриятини бажаришига хавф солади. Лекин, мулкка эгалик ҳуқуқидан келиб чиққанда акция бу мулк соҳиби ҳисобидан чиқарилган қимматбаҳо қоғоз бўлиб, уни вақтинча сотиб олган шахс қайтариб бериш ёки сотиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шундай экан қонун йўли билан Марказий банк рухсатисиз ўз акциясини қайта сотиб олиши мумкин эмас дегани акцияни сотиб олган шахс ҳуқуқларини чеклаш ҳисобланади.

Иккинчидан, юқорида келтирилган фикрлар асосида таъкидлаш мумкинки, тижорат банклари акцияларига етарлича талабнинг йўқлиги ушбу банклар акциялари бўйича дивидендлар миқдорини кам-

лигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, акция сотиб олувчининг эркинлиги чекланиб қолишига сабаб бўлади.

Учинчидан, юқорида таъкидланган чеклов ва банкларга нисбатан ишончсизлик қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Умумий хулоса қилиб таъкидлаймизки, Марказий банк томонидан ўрнатилган алоҳида чекловлар тижорат банклари фаолиятидаги эркинликнинг чегараланганлигидан дарак бермоқда.

Бизнингча, тижорат банклари фаолияти якуни бўйича ўзи жавобгар бўлганидан ўз мижозлари олдида уларнинг маблағларини вақтида тўлаб берилиши юзасидан ҳам жавобгар бўлиб, ўз рискида ишлаш ҳуқуқини бермоқ зарур.

Марказий банк департаменти томонидан 2002 йил давомида республика тижорат банклари фаолияти устидан масофадан назорат олиб бориш бўйича топилган камчиликлар юзасидан қўлланилган чоралар сифати таҳлил қилинганда қуйидагиларни кўриш мумкин.

Биринчидан, йил давомида мавжуд тижорат банкларининг 28 тасининг иш фаолиятида алоҳида камчиликлар аниқланди.

Иккинчидан, аниқланган камчиликлар учун жами бўлиб 42 та чора кўрилган бўлса, шундан 13 таси огоҳлантириш хати, 27 таси маълум миқдорда жарима, фақат 2 та ҳолатда алоҳида банк амалларини бажарилишига чекловлар қўйилган.

Кўрилган чоралар Марказий банкнинг тижорат банки фаолиятига нисбатан ўта оқилона (тўғрироғи юмшоқ) сиёсат юритаётганлигидан далолат беради. Бундай хулосага келинганлиги биринчидан, жами чораларнинг қарийб учдан бир қисми огоҳлантириш билан чекланган бўлса, иккинчидан, сон жиҳатдан чегараларнинг 64,5% ни ташкил этган жарималар суммаси ҳаммаси бўлиб 20 млн. сўмни ташкил этади. Миллиардлаб кредит портфелига эга бўлган, триллионлаб ҳисоб - китобларни юритаётган банк тизимида Марказий банкнинг талабларини (қонун талабларини) бажармаган тижорат банкларига нисбатан 27 ҳолатга жами бўлиб 20 млн. сўм жарима солинган.

Юқорида келтирилган мушоҳадаларни умумлаштириб, қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин: биринчидан, тижорат банклари йўл қўйган камчиликлари учун фақат огоҳлантириш олмай, ҳар бир ҳолатда моддий жавобгарликка ҳам тортилиши керак. Иккинчидан, жарима суммалари катта бўлмаганлиги учун ҳам самарасиз бўлиб, хатолар узлуксиз давом этишини олдини олиш мақсадида ушбу

чорани миқдор жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, яъни жарима суммасини ошириш керак деб ҳисоблаймиз. Учинчидан, йўл қўйилган камчиликлар узлуксиз давом этган ҳолатларда тижорат банки иш фаолиятида дастлаб алоҳида амаллар бўйича, кейинчалик эса умумий фаолиятини тўхтатиш учун лицензиясини чақиртириб олиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил маълумотларида келтирилган охирги чора «Фаолият ёки маълум амалнинг бажарилишини чеклаш» кўламини кенгайтириши лозим. Умумий хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Марказий банк тижорат банклари фаолияти устидан масофадан туриб олиб борадиган назорати шаклан ва услубан бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олса-да, лекин кўриладиган чораларнинг салоҳиятини ошириш талаб этиладики, бундай камчиликлар тижорат банклари фаолиятидан буткул бартараф этилиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, олиб борилган изланишлар натижасида банк назоратида масофадан назорат қилишнинг қулайлиги, самарадорлиги ва тезкорлигининг асосий моҳияти қуйидагича:

— тижорат банклари фаолиятини доимий, ҳар чоракда, ҳар ойда ёки айрим ҳолларда ҳар ҳафтада, ҳар кунда ўрнатилган мониторинг асосида банк ҳолати ва ликвидлилигини назорат қилади;

— қабул қилинган доимий ахборотлар асосида банкнинг ҳолатини бошқа банклар билан солиштиради;

— масофадан назорат ўрнатиш тизимида меҳнат сарфининг озлиги билан тезкор ва иш кўлами самарадорлигини оширади;

— айрим ҳолларда жойларда олиб борилган инспекция текширувлари натижалари билан масофадан назорат қилиш учун банклар томонидан тақдим этилган молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар натижалари билан солиштирилганда улар орасида фарқ мавжудлиги аниқланади. Яъни масофадан назорат қилиш натижалари ўзининг ҳақиқий ҳолатини тўғри акс эттириши билан самаралидир;

— шунингдек, инспекция текширишлари учун масофадан назорат қилиш тизими банк фаолиятида аниқланган камчиликлар ва иш кўламини қайси йўналишда олиб бориш тўғрисида кўрсатма беради.

Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат этишни фақат шу билан тушунтириб бўлмайди. Ўз ўрнида масофадан туриб назоратнинг моҳиятини тушунмоқ учун ҳам Марказий банк томонидан олиб бориладиган назоратнинг бошқа турларини кейинги мавзуларда кўриб ўтамиз.

§4.3. Тижорат банкларига лицензия бериш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Банклар фаолиятини лицензиялаш назоратнинг дастлабки босқичи бўлиб, у банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, бозорга янги, молиявий барқарор банклар кириб келишини назорат қилиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Китобнинг олдинги бобларида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг шаклланишига 1991 йили асос солинганди. Ҳозирги вақтда у Марказий Банк, 28 та тижорат банклари, 38 та кредит уюшмалари ва 9 та ломбардларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, МДҲнинг бошқа давлатларига қараганда у анчагина кам сонли банкларни бирлаштиради. Бунинг асосий сабабларидан бири, тижорат банкларини лицензиялаш борасида Марказий банкнинг қаттиқ талаблар асосида жуда эҳтиёткорлик билан йўл тутганлигидир.

Янги банкларнинг муассисларига қўйиладиган талаблар Жаҳон Банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг тавсияномаларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилди ҳамда Ғарб мамлакатларида қабул қилинган эҳтиёткорлик андозаларига мос келади. Ўзбекистонда банк очишда етарли маблағларга эга бўлган ва иш борасида ўзига доғ туширмаган омилкор шахслар учун имтиёзлар мавжуд. Сармоянинг энг паст даражасига қўйилган талаблар астасекин ошириб борилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра янги ташкил этилаётган банклар устав капиталини халқаро Базел қўмитаси талабларига мослаштириш мақсадида 2007 йил 18 январдан бошлаб тижорат банклари учун энг кам устав капитали миқдори 5 млн АҚШ $ эквивалентида бўлиши белгиланди.

Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари фаолиятини самарали назорат қилиб туришга, банкларда вужудга келадиган муаммоларни олдиндан кўра билишга ва уларни бартараф қилиш учун ўз вақтида чора-тадбирлар кўришга ва улар ўртасида тенг рақобатчиликни ривожлантиришга имкон беради.

Республикамизга хорижий банкларнинг кириб келиши банклар фаолияти сифатини яхшилашга, улар ўртасида соғлом (ҳалол) рақо-

батни яратишга имкон туғдиради. Шунингдек, уларнинг очилиши - назорат ва лицензиялаш самарали ташкил қилинган тақдирда банк иши маданиятини кўтаришга ёрдам беради. Шу мақсадда ўтган давр мобайнида Эрон “Содерот” филиаллари ҳамда хорижий инвестиция иштирокида “ЎзАБНАмробанк”, “ЎзКДБ Банк”, “УТ-Банк” ва “Савдогар” банк каби қўшма банкларга банк операцияларини амалга ошириш учун тегишли лицензиялар берилди.

Банклар ўртасида ҳалол рақобатни таъминлаш мақсадида 2005 йилда “Тадбиркорбанк”, “Савдогарбанк”, “Трастбанк”, “Ғаллабанк”, “Приватбанк”, “Ипак йўли” банклари устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ сотилди.

Лекин шу билан бир қаторда, молиявий аҳволи оғирлашган банкларнинг банк тизимига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида ликвидлик даражасини кескин пасайиб кетишига йўл қўйган 4 та банкнинг (“Касабабанк”, “Автойўлбанк”, “Геолбанк” ва “Шарқ” банки) банк фаолиятини амалга оширишга доир лицензияси Марказий Банк томонидан қайтариб олинди. Аммо Ўзбекистонда лицензияси чақириб олинган банкларнинг аксарияти мижозлари олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари учун бошқа банкларга филиал сифатида ўтказилди.

Бундан ташқари жаҳон банкчилик тажрибасидан келиб чиқиб, банкларнинг сармояларини йириклаштириш, бошқарув харажатларини қисқартириш ва бунинг эвазига уларнинг кредит бериш имкониятларини, инвестициялаш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида 1998-йилда “Тошкент” ва “Илмтехбанк”лар “Трастбанк”ка, “Ўзенгилсаноатбанк” “Савдогарбанк”ка бирлаштирилди ва ҳозирги пайтда бу банк Ўзбекистон-Германия “Савдогар” банк бўлди. 2005 йилда “Ўзуйжойжамғармабанк” ва “Замин” банклари бирлаштирилиб “Ипотека банк” ташкил этилди. Бунинг натижасида айрим тижорат банкларининг йириклашуви, ресурс базасини мустаҳкамланиши юз берди. Бошқа томондан эса, молиявий жиҳатдан нобарқарор банкларнинг фаолияти туфайли юзага келадиган ишончсизликнинг олди олинди.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида банкларнинг ўзаро қўшилиши табиий жараён ҳисобланади. Бунга одатий мисол тариқасида икки йирик Япония тижорат банкини – Бэнк оф Токио ва Митцубиси банкларининг қўшилишини келтириш мумкин.

Лицензиялаш жараёнини Россия давлати мисолида кузатадиган бўлсак, мазкур давлатда янги очилаётган банкларни лицензиялаш

талабларини сустлиги оқибатида ҳамда банк очиш бўйича ваколатларни бевосита унинг худудий бош бошқармаларига бериб қўйилиши мамлакатнинг банк тизими нобарқарор бўлиб қолишига олиб келди.

Масалан, 1996 йилда жами мавжуд банкларнинг 25 фоизи ўз фаолиятларини зарар билан якунлашди ва 250 та тижорат банкларининг лицензияси қайтариб олинди. Кейинги йилларда Россияда банк соҳасидаги бўҳронлар оқибатида 500 дан зиёд банкларни банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари қайтариб олинганлигининг гувоҳи бўлдик. Бундай салбий ҳолатга банк назоратининг, яъни айнан лицензиялаш тартибларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги асосий сабаб бўлдик.

Янги тижорат банкини ташкил этилиши одатда умумий ёки махсус банк қонунчилиги асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банклар фаолияти учун лицензиялар бериш “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Республика Марказий Банкининг 1998 йил 2 ноябрдаги 420-сонли “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензиялар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида Марказий Банк томонидан амалга оширилади.

Мазкур Низомга асосан янгидан ташкил этилаётган банклар фаолиятини лицензиялаш 2 босқични ўз ичига олади. Яъни бу босқичлар банк очиш учун дастлабки рухсатнома бериш ҳамда асосий лицензия бериш ва айни пайтда банкни давлат рўйхатидан ўтказишдан иборат.

Биринчи босқичда Марказий банк томонидан банк фаолияти учун дастлабки рухсатнома берилади. Бу рухсатноманинг асосий мазмуни шундан иборатки, банк муассисларига банкни яхши ташкил этиш учун маълум муддат берилади. Шу билан бирга Марказий банк томонидан шу муддат мобайнида тўлиқ кузатиш ишлари олиб борилади.

Дастлабки рухсатномани олиш учун муассислар Марказий Банкка банк очишга рухсат бериш тўғрисида ариза топшириб, унга қуйидаги ҳужжатларни илова қиладилар:

1. Янги ташкил этилаётган банкнинг таъсис ҳужжатлари.

– Муассислар имзолаган ва улар муҳрлари билан тасдиқланган таъсис шартномаси;

– Муассис акциядорлар йиғилиши тасдиқлаган ҳамда муассислар имзолаган банк устави;

– Таъсис йиғилишиниг баёни.

Бу ҳужжатларда банкни ташкил этиш, устав сармоясининг ҳажми, уставни тасдиқлаш, Банк Кенгашини, тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги қарорлар бўлмоғи лозим. Баённома нусхалари Банк Кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

2. Муассислар тўғрисида маълумот:

– муассислар рўйхати;

– ташкил этилаётган банк овоз ҳуқуқи берувчи акцияларининг 5 фоизи ёки ўндан ортиқ миқдорга эгалик қиладиган муассислар тўғрисида қўшимча маълумотлар.

3. Янги ташкил этилаётган банк Кенгаши аъзоларинининг рўйхати.

4. Банкнинг муфассал ташкилий тузилиши.

5. Банкнинг тафтиш комиссияси (ички аудит) тўғрисида низом.

6. Банкнинг ички кредит сиёсати тўғрисида низом.

7. Банкнинг бизнес-режаси.

8. Ташкил этилаётган банк жойлашган ҳудудга кирувчи Марказий Банк Бошқармаси томонидан берилган хулоса.

9. Маҳаллий Ҳокимият бошқарув органларининг шу ҳудудда банкни ташкил этиш бўйича берган хулосаси.

Мазкур талаблар бажарилиб, барча ҳужжатлар Марказий Банкка топширилгандан сўнг узоғи билан 3 ой муддат ичида кўриб чиқилади. Марказий Банкнинг даслабки рухсатномаси юқоридаги талабларни тўлиқ баҳолаш асосида берилади. Банк очишга дастлабки рухсатнома олингандан сўнг муассислар асосий лицензияни олиш ва банкни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ташкилий техник тадбирларни амалга оширадилар. Дастлабки рухсатнома берилиши бу асосий лицензия берилишини кафолатламайди. Дастлабки берилган рухсатноманинг амал қилиш муддати у олинган кундан бошлаб олти ой муддатгача юридик кучга эгадир.

Лицензиялаш – банк операцияларини амалга оширишни чегаралаш мақсадида фақат ваколатли банклар томонидан юридик шахсларга уларни амалга ошириш учун рухсат беришдир.

Банклар Марказий банкда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс мақомини олади. Давлат рўйхатидан ўтиш ҳамда банк операциялари билан шуғулланишга лицензия олиш учун банклар қуйидаги талабларни бажаришлари лозим. Жумладан:

– рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш учун ёзилган ариза тақдим этиш;

– барча ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, банк операцияларини автоматлаштирилган тарзда ўтказиш учун керакли бино ва жиҳозларни, дастурли техник воситаларни тайёрлаш, касса ҳолатини Марказий банк талаблари даражасига келтириш;

– Марказий банк белгилаган минимал ҳажмдан кам бўлмаган устав сармоясини тўлаш ҳамда бу пул тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш;

– банк рўйхатдан ўтказилгани ва лицензия берилгани учун ҳақ тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш. Марказий Банк томонидан юқоридаги талаблар ўрганиб чиқилиб, 1 ой муддатда тегишли қарор қабул қилинади.

Шу билан бирга қуйидаги ҳолатлар банкни рўйхатдан ўтказиш ҳамда лицензия беришдан бош тортишга асос ҳисобланади:

– банкларни очиш тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган талаблар бажарилмаслиги;

– базис ҳужжатлари амалдаги қонунларга мос келмаслиги;

– бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги;

– банк рўйхатга олинадиган вақтгача минимал устав сармоясини тўланмаганлиги;

– янги ташкил этилаётган банк раҳбари ва бош бухгалтерини ўз касбига мос келмаслиги;

– Марказий банк томонидан берилган дастлабки рухсатномани муддати тугаши.

Лицензия бериш бўйича масалани кўришда назорат органлари томонидан янги банк филиалларини ташкил этиш шароити, рақобат туфайли уларнинг молия-кредит секторига таъсир этиши кабиларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Лицензияни бекор қилиш қуйидаги ҳолларда юз беради:

1. Маълум бир муддат ичида банк операцияларини амалга оширишни ташкил қилиш қобилиятига эга бўлмаганда.

2. Банк томонидан лицензия талабларини бажарилмаслиги ёки лицензияда кўзда тутилмаган фаолиятни амалга ошириш.

3. Қонун ёки норматив ҳужжатларни бузиш.

4. Операцияларни амалга ошириш жараёнида кредитор ва омонатчилар манфаатларига зарар келтириш.

5. Банкнинг банкрот деб эълон қилиниши.

Банклар фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳар бир давлатда баъзи хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Мазкур жараённи баъзи ривожланган давлатлар мисолида кўриб чиқамиз.

Италияда 80-йилларга қадар қаттиқ лицензиялаш чегаралари мавжуд бўлган бўлса, бу тартиб 80-йиллардан сўнг бир мунча енгиллаштирилди. Ушбу мамлакатда ҳозирги пайтда лицензиялашнинг қуйидаги талаблари мавжуд:

– энг кам миқдордаги дастлабки банк сармояси 8 млн. лира;

– банк маъмурияти компетентлигининг етарли даражаси;

– банк таъсисчилари томонидан банкнинг стратегик ривожланиши тўғрисида тўлиқ маълумот бериш.

Шунингдек, банк акционерларига ҳам талаблар ўрнатилган. Жумладан:

– банкни оқилона ва барқарор бошқаришни таъминлаш;

– банк маблағларини унинг акционерлари номолиявий компаниялар томонидан ишлатилиши оқибатида банк омонатчилари ва банкнинг ўзига зарар келтирилишининг олдини олиш мақсадида банк операциялари билан нобанк операциялари ўртасида аниқ чегаралар ўрнатиш.

Италия банк қонунчилигига асосан банк капиталида 5 фоиздан зиёд улушга эга бўлган мижозларга банкни бошқариш ҳуқуқини олишга рухсат берилади. Нобанк ва номолиявий муассасаларнинг банк капиталидаги улуши 15 фоиздан ошиши тақиқланади. Мана шундай чегара республикамизда 2002 йил 1 январдан бошлаб 7 фоизни ташкил қилади.

Бугунги кунда янги банк филиалларини очишда Италия банкидан даслабки рухсатномани олиш талаб этилмайди. Бироқ, назорат органлари агар банкда молиявий ёки бошқарув аҳволи ёмонлашса, банк филиалларини кенгайтириш бўйича чегаралар қўйиши мумкин.

Оддий акциялар эмиссияси билан банк капитали миқдорини ошириш учун Италия Банкидан махсус рухсатнома талаб этилади. Бунда банкнинг тақсимланмаган фойда миқдори камайтирилмаган ҳолда янги акциялар бўйича дивидендларни тўлай олиш қобилияти эътиборга олинади.

Буюк Британияда узоқ вақт мобайнида ва 70-йилларнинг охиригача янги банкларни очишда рўйхатдан ўтказиш тизими (Регистрационная система) амал қилиб келди. Банк очиш учун махсус лицензия талаб этилмас эди.

Мазкур мамлакатда банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш “Акциядорлик Компаниялар тўғрисида”ги (1948) қонун асосида амалга оширилган. 1978-йилдан бошлаб эса банкларнинг айрим операцияларини бажариш фақат Англия банки рухсати билан амалга оширилган.

Ҳозирги пайтда Англия банкларидан лицензия талаб этилмайди. Лекин улар Англия Банки томонидан ўрнатилган талабларга жавоб бермоғи лозим. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

– устав сармояси миқдори 5 млн. фунт стерлингдан кам бўлмаслиги керак;

– етарли диапазондаги банк хизматларини кўрсатиш;

– банк раҳбариятининг ишбилармонлик нуфузига эгалиги.

Юқоридаги талаблар асосида линцензияланадиган банклар тоифасига йирик клиринг банклари, Савдо банклари ва Ҳисоб уйлари (Дисконтний дом), шунингдек, чет эл банкларининг филиаллари киради.

Бошқа тоифадаги кредит институтлари банк хизмати кўрсатиш учун Англия банкидан махсус рухсатнома олишлари шарт.

Янгидан очилаётган банкларга лицензия беришда Англия банки томонидан уларга қўйилган талаблар синчковлик билан ўрганиб чиқилгандан сўнг берилади. Бунда банк сармоясининг энг кичик миқдорига (1 млн.ф.с) алоҳида эътибор берилади. Бизнес режасининг ҳаққонийлиги, ҳисоб ва назорат системаси, зарарни қоплаш учун шакллантирилган маблағларнинг етарлилиги, банк раҳбариятининг компетентлиги, самарадорлик принципларига амал қилиниши кабилар таҳлил қилиб чиқилади.

Японияда ҳар қандай банк Молия вазирлиги томонидан бериладиган махсус лицензиясиз банк операцияларини амалга ошира олмайди.

Лицензия олиш учун банк таъсисчилари Молия вазирлиги томонидан қўйилган барча талабларни бажармоқлари лозим. Банклар факат акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиб, уларнинг капитали 1 млрд. иенадан кам бўлмаслиги керак. Банк филиалларини очиш учун ҳам Молия вазирлигидан рухсатнома талаб қилинади.

Лицензия олишда банк муассасалари банк очиш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидагиларни тақдим этди:

– Банк муассасининг зарурлигини тўлиқ асослаб бериш.

– Таъсис йиғилишининг баёни.

– Яқин 3 йил мобайнида олинадиган фойданинг истиқболи.

– Директорлар Кенгаши аъзолари ва аудиторларнинг таржимаи ҳоллари.

– Банкнинг йирик акционерлари рўйхати.

– Банкнинг баланси.

– Банкнинг барча филиаллари рўйхати.

Демак, янгидан ташкил этилаётган банклар фаолиятини лицензиялаш келажакда соғлом ва барқарор банк тизимини яратиш, омонатчи ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда самарали банк назоратини олиб бориш имконини беради.

§4. 4. Иқтисодий нормативлар (меъёрлар) ва уларнинг ривожланиши

Банклар пайдо бўлган вақтдан бошлаб алоҳида банкларнинг банкротлиги, депозитларни оммавий тарзда банклардан қайтариб олиш натижасида юзага келадиган нобарқарорликлар давлатни банк тизимини тартибга солиш амалиётини кенгайтиришга мажбур қилди. Давлат тартибга солиш орқали омонатчиларни молиявий йўқотишлардан, иқтисодиётни эса банкларнинг банкротлиги натижасида юзага келадиган оғир оқибатлардан ҳимоя қилади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида эришилади. Иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: монетар сиёсати, фискал сиёсати, баҳо сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати.

Монетар сиёсати инфляцияни жиловлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатдир. Мазкур сиёсат Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариши, молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Айни вақтда, рақобат, ўзгарувчан баҳолар шароитида банк рисклари ва нобарқарорлик кучаяди. Йирик банкларнинг бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зиён етказади, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул таклифининг кескин қисқаришига олиб келиши

мумкин. Демак, банк тизимини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан янги банкларни шакллантириш, уларни назоратини ривожлантириш масаласи кескин даражада кўндаланг бўлиб туради. Бугунги кунда республика ҳудудида 28 та турли хил мулкчилик шаклига асосланган банклар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлат иқтисодий тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизмининг бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Шунга кўра, иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш жараёни узлуксиз давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизнинг ривожланган банк тизимини шаклллантириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган монетар сиёсатнинг маҳсулидир.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифа-тида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.

Бироқ, бозор шароитида молия соҳасини тартибга солиш товарлар ва хизматлар нархига таъсир кўрсатиш учун бозор механизмларига етарли даражада ҳаракат эркинлигини??бериш??шунинг-дек,??майдачуйда нарсаларга аралашишдан воз кечиш билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғри, банк фаолиятини тартибга солиш ҳаддан ташқари бўладиган ва рақобатнинг ривожланишига ҳалақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун жаҳонда умумий қабул қилинган принциплар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир

кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Бизнинг янги банк қонунларимизга кўра турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган даражаланган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш, ҳиссадорларга??дивидендлар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса уларга берилган рухсатномаларни (лицензияларни) қайтариб олишдан иборат.

Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Давлатнинг монетар сиёсати, хусусан, тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятнинг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк ёмон, сифатсиз бошқарилган тақдирда жиддий зарарлар юзага келишини олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлишига ва умумий нобарқарорликни юзага келишига олиб келади.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.

Республикамизда банк назоратининг ривожланиш тарихи миллий банк тизимининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Миллий банк тизимининг ривожланиши билан банк назорати ҳам такомиллашиб борди, шу жараённи банк назоратининг асоси бўлган иқтисодий меъёрларнинг ривожланиши мисолида кўриб чиқамиз.

Мустақил республикамизда дастлабки иқтисодий меъёрлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб яратилган бўлиб, кейинчалик улар такомиллаштирилди.

Республика Марказий банки томонидан тижорат банкларининг баланс ликвидлилигини доимо таъминлаб бориши ёки уларнинг ўз олдиларидаги мажбуриятларини ўз муддатида амалга оши-

ришларига эришиш, омонатчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қисқача таърифлаганда, Республикада барқарор банк тизимини яратиш мақсадида 1992 йил 2 августдаги Марказий банкнинг 10—сонли қоидаси тасдиқланди ва бу қоидага асосан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб туриш учун иқтисодий меъёрлар (нормативлар) ўрнатилди.

Мазкур қоидага биноан тижорат банклари учун дастлабки 8 та иқтисодий нормативлар белгиланди. Булар таркибига қуйидагилар киритилди:

• H_1 — банк сармоясининг хатарни ҳисобга олиб чамаланган активларнинг жами миқдорига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,05)

• H_2 — банк сармоясини юқори хатарли активлар миқдорига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,15)

• H_3 — банк сармояси унинг мажбуриятларига нисбати кўрсаткичи (энг ками 0,2)

• H_4 — банклар жалб этган фуқаролар омонатларини банк сармоясига нисбати (энг юқориси 1,00)

• H_5 — жорий ликвидлилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун 0,20, бошқа банклар учун 0,30)

• H_6 — ўрта муддатли ликвидлилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун энг юқориси 1,50, бошқа банклар учун 1,00)

• H_7 — узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи (ихтисослашган банклар учун 0,20, бошқа банклар учун 0.30)

• H_8 — бир қарз олувчига тўғри келадиган кредитнинг энг юқори миқдори кўрсаткичи (энг юқориси 0,50).

Бундан ташқари, тижорат банкларининг активлари уларнинг хатар даражасига қараб 6 гуруҳга ажратилади.

1 гуруҳ — хатардан ҳоли бўлган активлар.

2 гуруҳ — хатар даражаси кам бўлган активлар.

3—6 гуруҳлар - хатар даражаси юқори бўлган активлар.

Тижорат банклари учун иқтисодий нормативларни ўрнатилиши — бу аввало Марказий банк томонидан самарали банк назоратини олиб боришга эришиш, тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва қолаверса, барқарор банк тизимини яратишда энг муҳим инструментлардан бири бўлди.

Лекин республикамизда банклар фаолиятининг ривожланиб бориши, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларининг кенгайиб бориши, республикада иқтисодий муҳитнинг ўзгариб бориши

ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда Республика Марказий банки 1995 йил 2 августдан 10—сонли “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш” қоидасини қайтадан ишлаб чиқди ва жорий этди.

Янги қоидани олдингисидан фарқли томони шундан иборат эдики, тижорат банклари учун қўйиладиган талаблар бир мунча кучайтирилди. Жумладан, янгидан ташкил этилаётган банклар учун ўрнатилган устав сармоясининг энг кам миқдори оширилди. Шунингдек, тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резерв фонди ажратмасининг миқдори ҳам оширилди.

Бундан ташқари, қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичини аниқловчи 3 хил меъёр ўрнатилди:

• 30 кундан 90 кунгача бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.

• 90 кундан 180 кунгача бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.

• 180 кундан 1 йилгача бўлган кредитлар ва шу муддатдаги депозитлар бўйича кўрсаткич.

Банк сармоясининг юқори хатарли банк активларига нисбати кўрсаткичи эса бекор қилинди.

Кейинги даврга келиб эса банк тизимида , хусусан банкларни назорат қилиш борасида янги ҳуқуқий асослар яратилди. Яъни банк қонунчилиги янада такомиллашди. 1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ҳамда 1996 йил 25 апрелда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” янги таҳрирдаги, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари асосида Марказий банк томонидан 1996 йилнинг июль ойидан бошлаб банк активлари сифатини таснифлаш тартиби ишлаб чиқилди.

1997 йилнинг март ойидан бошлаб эса ўша пайтдаги дунёга машҳур бўлган “Артур Андерсен” фирмаси кўмагида ишлаб чиқилган ва банклар ҳисоботининг халқаро андозаларига мос бўлган бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоб-варақлари режаси жорий этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Республика Марказий банки томонидан 1997 йилнинг август ойидан бошлаб банклар фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат бўлган “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш” қоидаси Базель қўми-

таси томонидан ўрнатилган андоза ва талабларни инобатга олган ҳолда қайтадан мукаммал тарзда ишлаб чиқилди. Ва мазкур янги қоидага асосан банк сармоясига нисбатан қаттиқроқ бўлган талаблар ўрнатилди.

Банкларнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги бажарадиган операцияларининг тобора ривожланиб бориши ҳамда уларни инвестицион жараёнларини кенгайиб боришидан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда «Тижорат қимматли қоғозлари учун қўйилмалар» ва «Банкларнинг ўз маблағларидан инвестицияларда фойдаланиш меъёри» кўрсаткичи каби янги меъёрлар киритилди.

Бундан ташқари, омонатчиларнинг манфаатларини ва банк ликвидлилик даражасини инобатга олган ҳолда «Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган максимал хатар меъёри» кўрсаткичи ҳам жорий этилди.

Янгидан ўрнатилган иқтисодий нормативлар қуйидагилардан иборат:

- Янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган банкларнинг энг кам миқдоридаги низом фондини ўрнатиш;
- Сармоянинг етарлилик коэффициенти;
- Банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари;
- Банк баланси ликвидлилиги кўрсаткичи;
- Бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта ҳажми;
- Барча «катта» кредитларга тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми;
- Бир омонатчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта миқдори;
- Қимматбаҳо қоғозлар бўйича операцияларда ўз маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичи;
- Дахлдор шахслар билан банк амалиётини олиб бориш.

Марказий банк юқоридаги меъёрларни ҳар доим барча тижорат банклари бўйича кузатиб борди.

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, фойдалилиги ва ликвидлилигига қараб уларнинг молиявий аҳволи баҳоланади, ночор банклар аниқланади. Ана шу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича чекли қийматни аниқлаш Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларига банк муассасасини соғломлаштириш ёки унинг беозор тарзда тугатиш имконини беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг асосий

вазифаси – иқтисодий меъёрларга риоя этишдан, капитал ва ликвид маблағларни етарли даражада сақлашдан, шубҳали ва зарар кутилаётган активларга нисбатан захираларни вужудга келтиришдан, шунингдек, маҳрум бўлиш хавфини камайтириш мақсадида активларни диверсификациялашдан иборатдир.

Юқорида кўрсатилган иқтисодий меъёрларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

4-жадвал

Янгидан ташкил этилаётган банклар учун устав фондининг энг кам миқдори қуйидагича ўрнатилди:

Саналар	Тошкент шахрида жойлашган тижорат банклари учун	Вилоятлар ва қишлоқ туманларида жойлашган тижорат банклари учун
01.01.1997 й.	65000 ЭКЮ	330000 ЭКЮ
01.01.1998 й.	1200000 ЭКЮ	650000 ЭКЮ
01.01.1999 й.	1,6 млн. АҚШ доллари	0,8 млн. АҚШ доллари
01.01.2000 й.	2 млн. АҚШ доллари	1 млн. АҚШ доллари
01.01.2002 й	2,5 млн. АҚШ доллари	1,25 млн. АҚШ доллари
Саналар	**Хусусий банклар учун**	**Тижорат банклари учун**
01.07.2005 й	1,5 млн. АҚШ доллари	3 млн. АҚШ доллари
01.01.2006 й	2 млн. АҚШ доллари	4 млн. АҚШ доллари
01.01.2007 й	2,5 млн. АҚШ доллари	5 млн. АҚШ доллари

1997 йил 1 январдан бошлаб барча тижорат банклари мазкур жадвал асосида ҳар чоракда устав фондининг йиллик ўсиш кўрсаткичини 25 % миқдорида кўпайтириб боришини таъминлаш-лари керак. Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ хусусий банкларни ривожлантириш позициясида турибди. Уларни ривожлантириш учун иқтисодий меъёрларда алоҳида имтиёзлар берилмаган, аммо уларни капиталига талабни кўриб чиқсак, мам-лакатимиз томонидан хусусий банкларга берилаётган эътиборни кўришимиз мумкин. Яъни 1997 йилда янги ташкил қилинаётган хусусий банклар учун минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. 2002 йил 1 январдан эса 1.25 млн АҚШ доллари қилиб белгиланган бўлса, 2007 йил 1 январдан 2.5 млн АҚШ доллари қилиб белгиланди.

«Сармоянинг етарлилик коэффициенти» банк сармояси билан хатарни ҳисобга олиб чамаланган активлар жами ҳажмининг нисбати сифатида аниқланади:

$$Н_{1=} \frac{\text{Банк капитали}}{\text{хатарни ҳисобга олиб ҳисобланган активлар}}$$

Банк сармояси Базель стандарти талабларига кўра “Асосий” ва “қўшимча” сармоядан ташкил топади. Бунда асосий сармоя жами сармоянинг камида 50 % ни ташкил этиши керак.

Сармоя ҳисоб — китобига устав фондининг Марказий банкда рўйхатга олинган ҳажмидан ортиқча тўланган қисмини киритишга рухсат этилади, фақат бунинг учун тижорат банки таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни рўйхатга олиш учун ўз вақтида тақдим этиши лозим.

Тижорат банкларининг активлари хатар даражасига қараб, 4 гуруҳга бўлинади. Хатар даражаси бўйича:

1 — гуруҳга хатардан ҳоли бўлган активлар, 2—гуруҳга хатар даражаси кам бўлган активлар, 3—4 гуруҳларга серхатар активлар киради.

Мазкур меъёрнинг энг кам миқдори 0,08 қилиб ўрнатилган.

Банк сармояси билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичи юзага келиши мумкин бўлган турли хатардан қатъий назар, фаолиятнинг умумий ҳажми функцияси сифатидаги сармоя етарлилигини белгилаб беради:

$$Н_{2=} \frac{\text{Банк капитали}}{\text{Банк мажбуриятлари}}$$

$Н_2$— нормативнинг энг юқори миқдори 0,05 га тенг.

Банклар ликвидлилигини сақлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Бу нарса икки мақсадга эришиш учун зарурдир: биринчидан, омонатлар олиб қўйилганда банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини таъминлаш учун, иккинчидан, кредитларга бўлган талабни қондириш учун.

Ликвидлилик деганда, банкнинг ўз мажбуриятлари юзасидан ўз вақтида жавоб бера олиш қобилияти тушунилади. Ликвидлилик банкнинг кундалик фаолиятида пул маблағлари мавжудлиги ёки ўз

активларини ликвид маблағларга айлантира олиш қобилияти билан таъминланади.

Тижорат банклари учун қуйидаги ликвид коэффициентлари белгиланган:

Лаҳзали (мгновенний) ликвидлилик коэффициенти ликвид шаклидаги баланс активлари, яъни экстремал вазиятларда тез сотиладиганлари билан банкнинг муддатсиз депозит ҳисоб варақлари бўйича мажбуриятлар суммаси орасидаги нисбатни билдиради,

$$Н_{3=} \frac{\text{Банкнинг пул шаклидаги активлари}}{\text{Банкнинг муддатсиз депозит ҳисобварақларига доир мажбуриятлари}}$$

$Н_3$— меъёрининг пул қўйиладиган энг кам аломати 0,25 қилиб белгиланган. Мазкур меъёр Марказий банк томонидан кунлик баланс асосида тезкор (оператив) тарзда назорат қилиб борилади.

Лаҳзали ликвидлик кўрсаткичи — иқтисодий моҳиятига кўра ушбу норматив банкнинг омонатчилар олдидаги мажбуриятларини шу лаҳзада бажара олиш қобилиятини англатади.

«Жорий ликвидлик кўрсаткичи» ликвид шаклдаги банк активларини 30 кунгача бўлган муддатда йўқлаб олингунгача турадиган ҳисобварақлари буйича мажбуриятлари суммаси орасидаги нисбатни билдиради.

$$Н_{4=} \frac{\text{қайтариш муддати 30 кунгача муддатда берилган банкнинг ликвид активлари ва кредитлар}}{\text{қайтариш муддати 30 кунгача бўлган йўқлаб олингунгача турадиган мажбуриятлари.}}$$

$Н_4$— меъёрининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 0,3 га тенг.

Тажрибадан шу нарса маълумки, айрим тижорат банклари юқори даромадни кўзлаган ҳолда талаб қилиб олгунга қадар ва қисқа муддатда қўйилган омонатлар ҳисобидан кредит бериш ва бошқа актив операцияларга узоқ муддатли тартибда жойлаштирадилар. Жалб этилган маблағларнинг муддати келган пайтда эса банк омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини муддатида бажариш имконига эга бўлмайди. Бунинг натижасида банк ўз тўлов қобилиятини йўқотади. Бундай ҳолат банкнинг ўз фаолиятигагина эмас, балки омонатчиларнинг молиявий аҳволига ҳам салбий таъсир кўр-

сатади. Банк операцияларини бажариш бўйича лицензияси тортиб олинган банклар бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида банк амалиётида актив ва пассив маблағларнинг миқдори ва муддатларини баланслаш талаблари ўрнатилди. Бу тўғрида жаҳон банк тажрибасининг **«банкнинг олтин қоидаси»** деб номланувчи қоидаси амал қилади. Унга биноан банкнинг молиявий талаблари миқдори ва муддати унинг мажбуриятлари миқдори ва муддатларига мувофиқ келиши шарт.

$Н_4$ – нормативининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, жами баланс активларининг ликвид қисми талаб қилиб олингунга қадар бўлган мажбуриятларни бир вақтнинг ўзида қай даражада қайтариши мумкинлигидир, модомики бундай муддатли омонатчилар ҳар қандай вақтда банкдан ўз омонатларини талаб қилишлари мумкин.

Юқоридаги шартлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур норматив банк томонидан омонатчилардан жалб қилинган маблағлар муддати билан уларнинг актив операцияларга жойлаштириш муддатларига қатъий мувофиқ келишини талаб этади.

Шунинг билан бир қаторда мазкур меъёрнинг бузилиши халқ хўжалигида бўладиган ҳисоб-китобларнинг секинлашиб қолишига олиб келиши мумкин.

“Қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичи” банкнинг кайтариш муддати 30 кундан 1 йилгача бўлган депозитлар, олинган кредитлари ва бошка қарз мажбуриятларига нисбати билан характерланади.

$$Н_{5=} \frac{\text{30 кундан 1 йилгача муддатга берилган кредитлар.}}{\text{30 кундан 1 йилгача муддатга жалб қилинган маблағлар ва депозитлар.}}$$

Мазкур меъёрнинг энг юқори ўрнатилган миқдори 1 га тенг.

Бир қарз олувчига ва муассисга, банк акциядорларига молиявий жиҳатдан банкнинг қурби етмайдиган даражада катта миқдорда кредитлар берилиши тижорат банки учун жуда хатарлидир. Шунинг учун **«Бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарнинг энг катта ҳажми»** меъёри ўрнатилади ва мазкур меъёр устидан қаттиқ назорат ўрнатиш талаб этилади.

$$Н_{6=} \frac{\text{Банк хатарининг бир қарз олувчига тўғри келадиган жами суммаси қўшилган депозитлардан ташқари, 75% балансдан ташқари мажбуриятлар}}{\text{Банк сармояси}}$$

Бу меъёр ҳукумат кафолати билан таъминланган кредитларга, жумладан, халқаро қарзлар бўйича такрор молияланадиган кредитларга тааллуқли эмас. Қолган кредитлар учун қарз олувчи мажбуриятларининг умумий суммасидан давлат қимматли қоғозларни гаровга олиб, гаров суммасини 90% ҳажмда берилган қарзлар чегириб қолинади.

Ушбу меъёрга ўрнатилган энг юқори чегара 0,25 га тенг.

Бир қарз олувчига берилган кредитлар қўшилган (қ) шу қарз олувчига нисбатан берган, банк сармоясидан 15% ортиқ бўлган балансдан ташқари мажбуриятлар суммасининг 75% жамланган қарз «катта» кредит ҳисобланади. «Катта» кредитлар тижорат банки Кенгаши бир овоздан қабул қилган қарор асосида берилади ва бу қарзлар бошқарув томонидан алоҳида назорат қилиб борилади. Лекин банк Кенгашининг бундай кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул килиши билан боғлиқ ваколати Бошқарувга берилишига рухсат этилмайди.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш лозимки, банк учун «катта» тоифага кирадиган ва бир қарз олувчига бериладиган кредитлар суммасини шу қарз олувчининг ўз маблағлари суммасидан оширмаслик тавсия этилади.

«Катта» кредитларнинг ҳаммасига тўғри келадиган хатарнинг энг юқори миқдори «катта» кредитлар жами миқдорининг ўз маблағлари, яъни банк капитали нисбати билан аниқланади.

$$Н_{7=} \frac{\textbf{Б}\text{аланс}\text{дан ташқари мажбуриятларнинг 75\% билан ҳисобланган «катта» кредитларнинг жами суммаси}}{\text{Банк сармояси}}$$

Мазкур меъёр миқдори балансдан ташқари мажбуриятлар билан ҳисобланиб, берилган «катта» кредитларнинг жами миқдори банк капиталининг 5 бараваридан ошмаслиги керак.

Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган хатарнинг энг юқори меъёри олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта депозиторнинг депозит ҳисобидаги қолдиқ қийматини банкнинг ўз маблағлари миқдорига нисбати билан аниқланади.

$$Н_{8=}\frac{\text{Олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори миқдори ва битта омонатчининг ҳисоб рақамидаги, жорий рақамидаги ва қимматбаҳо қоғозлари бўйича операциялар қолдиқлари.}}{\text{Банк сармояси.}}$$

Ушбу меъёр учун ўрнатилган энг юқори миқдор:
1997 йил 1 июлдан 1998 йил 1 январгача — 1,0;
1998 йил 1 январдан 1999 йил 1 январгача —0,75;
1999 йил 1 январдан 2000 йил 1 январга —0,50.

Қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларда ўз маблағидан фойдаланиш кўрсаткичи банкнинг олди—сотди учун харид қилган нодавлат қимматбаҳо қоғозлари миқдорини ўз маблағларига нисбати билан белгиланади.

$$Н_{9=}\frac{\text{Олди—сотди мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган банкнинг ўз маблағлари}}{\text{Акционерлик капитали}}$$

Ўрнатилган меъёрнинг энг юқори даражаси 0,25 га тенг.

Банкнинг инвестиция учун ишлатилган ўз маблағлари меъёри жами инвестиция миқдорини банк сармоясига нисбати орқали ҳисобланади.

$$Н_{10=}\frac{\text{Банк инвестициясининг жами суммаси}}{\text{Акционерлик капитали}}$$

Банкнинг бошқа банклар, корхоналар, ташкилотлар устав фондига қўядиган жами инвестиция суммаси миқдорининг улуши банк сармоясининг 20% дан ва Низом фондининг 10% дан оширмаслик уқтирилган.

Мазкур меъёр учун ўрнатилган миқдор 0,5 га тенг.

Банк назоратининг яна бир муҳим соҳаларидан бири боғлиқ шахслар билан банк операцияларини ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 26—моддасига асосан банкка алоқадор бўлган шахслар билан банкка боғлиқ бўлмаган шахсларга нисбатан қулайроқ шартлар асосида битим тузишни тақиқлайди ва Марказий банкка бундай битимлар бўйича чеклашлар белгилаш юзасидан ваколатлар берилган.

Банкнинг асосий акциядорлари, унинг раҳбарлари, ходимлари ва улар билан боғлиқ шахслар банк хизматларидан имтиёзли асосда фойдаланмасликлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари керак.

Дахлдор шахслар — банк билан алоҳида муносабатда бўлган юридик ва жисмоний шахслар, хусусан:

• Банк Кенгаши, банк бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибига кирган барча шахслар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.

• Банк низом фондининг 10 фоизидан кўпроқ қисмига эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар ёхуд шу юридик шахсларнинг ҳар қандай раҳбарлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари.

• қонунга кўра банк фаолиятини назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари.

«Йирик» ҳиссадор — бу банк низом жамғармасидаги улуши 10 фоиздан ортиқ шахслардир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тижорат банклари дахлдор шахсларга имтиёзли шароит яратиб бермаслиги лозим. Имтиёзли шароит деганда қуйидагилар назарда тутилади:

• бошқа мижозлардан талаб қилинадиганидан кам ҳажмда фоизлар, бадаллар, бошқа тўловларни ундириш ёки таъминотни кам қабул қилиш;

• кредитни қайтариш муддатини етарли асосларсиз ўзгартириш;

• ўз табиатига, мақсадига ва йўл қўйиладиган хатарга кўра банк дахлдор бўлмаган мижозлар билан тузмайдиган битимларни тузиш.

Тижорат банклари томонидан уларнинг фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида дахлдор шахсларга кредит бериш тақиқланади.

$$Н_{11=}\frac{\text{Битта дахлдор шахсга берилган кредит миқдори}}{\text{Акционерлик капитали}}$$

Банкнинг ҳар бир дахлдор шахсга берадиган кредитининг умумий суммаси банк сармоясининг 15 фоизидан ошмаслиги белгиланган, яъни:

$$Н_{12=}\frac{\text{Дахлдор шахсларга берилган жами кредитларнинг жами миқдори}}{\text{Акционерлик капитали}}$$

Банк барча дахлдор шахсларга берадиган кредитлар умумий суммаси банк низом фондининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

Тижорат банклари юқорида санаб ўтилган иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорига ҳар доим амал қилиб боришни таъминлашлари учун қуйидаги соҳаларда ишни самарали ташкил этишлари лозим:

– банк портфелини яхшилаш;
– банк амаллари билан боғлиқ хатарларни камайтириш;
– банк баланси ликвидлигини таъминлаш;
– ўз сармоясининг адекватлигини таъминланиш;
– зарарлар ўрнини коплаш захирасини вужудга келтириш.

Иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорларига амал қилмаган банкларга нисбатан Марказий банк томонидан жарималар солиш ва бошқа тегишли иқтисодий жазо чоралари кўриб борилади. Чунки тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш деярли барча мамлакатларда Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Республикамизда тижорат банкларининг операцияларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар ҳисобланади. Ушбу қонунларда тижорат банклари амалга оширадиган амалиётлар мажмуи белгилаб қўйилган: депозитлар ва аҳоли омонатларини жалб қилиш, кредитлар бериш, инвестицияларни молиялаштириш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, касса хизмати кўрсатиш, валюта операцияларини бажариш ва ҳ. к.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг асосий йўна-

лишларидан бири иқтисодий нормативларни белгилаш ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш деганда, асосан, Марказий банк ёки ваколатли органлар томонидан тижорат банклари учун мажбурий бўлган қоидаларни ишлаб чиқиш ва унга риоя этилишини талаб қилиш жараёни тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йилдан бошлаб тижорат банклари учун қуйидаги иқтисодий нормативлар белгиланди:

- банк устав капиталининг минимал миқдори;
- банк жами капиталининг етарлилик коэффициенти ($Н_1$);
- банк биринчи даражали капиталининг етарлилик коэффициенти ($Н_2$);
- молиявий левераж коэффициенти ($Н_3$);
- жорий ликвидлилик коэффициенти ($Н_4$);
- битта мижозга ёки мижозлар гуруҳига тўғри келадиган рискнинг максимал миқдори, таъминланган ссудалар ($Н_5$);
- битта мижозга ёки мижозлар гуруҳига тўғри келадиган рискнинг максимал миқдори, таъминланмаган ссудалар ($Н_6$);
- барча йирик кредитлар учун рискнинг максимал миқдори ($Н_7$);
- битта эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинадиган инвестицияларнинг максимал миқдори ($Н_8$);
- сотиш-сотиб олиш учун қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори ($Н_9$);
- барча эмитентларнинг устав капитали ва қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг максимал миқдори ($Н_{10}$);
- битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ шахсларга берилган кредитлар, таъминланмаган ссудалар ($Н_{11}$);
- барча инсайдерларга берилган кредитлар ($Н_{12}$);

Иқтисодий нормативларни белгилашдан асосий мақсад тижорат банкларининг тўловга ноқобил бўлиб қолишига йўл қўймаслик ва шунинг асосида банкларнинг мижозларини, вакил банкларни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Юқоридаги иқтисодий нормативларни ишлаб чиқишда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган нормативлардан кенг кўламда фойдаланилган. Айни вақтда, миллий банк тизимининг ривожланишидаги айрим муҳим хусусиятлар ҳисобга олинган. Масалан, халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услу-

биётда капиталнинг етарлилик коэффицентининг минимал даражаси 0,08 килиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса бу кўрсаткичнинг минимал даражасини 0,10 қилиб белгилаган.

§ 4. 5. Банкларни жойига чиқиб (инспекция қилиш) текшириш

Олдинги мавзуда кенг маънода таҳлил қилинган банк фаолиятини тартибга солиб туриш ва назорат этиш индивидуал бўлмай, балки бундай назорат натижаларини солиштириш ва маълумотлардан халқаро амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида умумий кўрсаткичлардан фойдаланилади, яъни стандартлашган тизимнинг қўлланиши муҳимдир.

Стандартлашган рейтинг тизимига эга бўлишнинг аҳамияти шундаки, бирон бир банкнинг рейтингига қараб унинг молиявий ҳолатини нафақат банк назорати ходимлари, балки банк назорати соҳасида мутахассис бўлмаганлар ҳам осонгина тушуна оладилар. Бундан ташқари, стандартлашган тизимда банк институтлари молиявий ҳолатининг барча муҳим йўналишлари акс эттирилиши кўзда тутилади.

Стандартлаштирилган рейтинг тизими иқтисодий ривожланган мамлакатлар амалиётида ташкил топиб ривожланганлигини ҳисобга олиб, савол мазмунидан келиб, айнан АҚШ амалиётига назар ташлаймиз.

Юқорида таъкидланганидек, АҚШда тижорат банклари фаолиятини тартибга соладиган ва назорат қиладиган 3 та агентлик амал қилади: Федерал резерв тизими, Молия вазирлигининг Пул муомаласи назоратчиси, Суғурта жамғармалари Федерал Корпорацияси.

Ҳар бири ўзининг алоҳида рейтинг тизимига эга бўлган 3 та агентлик 1978 йилга келиб бир неча хил рейтинг тизимларини стандартлашга келишиб олдилар. Стандартлашган рейтинг тизими «CAMEL» номини олган ҳолда, ҳозиргача амал қилиб келмоқда.

CAMEL рейтинг тизими етарли даражада аниқ ва ундаги маълумотлар тушунарли бўлганлиги учун, кўпгина давлатларнинг банк назорати органлари ўз банкларини баҳолашда ушбу рейтинг тизимини қўллай бошладилар.

Рейтинг тизимининг «CAMEL» деб ном олиши шундаки, у банк фаолиятидаги таҳлил қилинадиган компонентларнинг бош ҳарфидан ташкил топгандир. Яъни:

C – (Capital adequacy) Капиталнинг етарлилиги;
A – (Assets quality) Активлар сифати;
M – (Menegment) Бошқарувчилик қобилияти;
E – (Earning) Даромадлилик;
L – (Liquidity) Ликвидлилик компонентларидан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки дистанцион ва жойларда назоратни ташкил этади. Жойларда ташкил этиладиган инспекция текширувлари CAMEL тизимига асосланган ҳолда амалга оширилади. CAMEL тизими унинг моҳиятига хос равишда тижорат банклари фаолиятининг барча муҳим компонентлари, яъни капитал, активлар, бошқарувчилик қобилияти, даромадлилик, ликвидликни баҳолашга имкон беради.

CAMEL тизими рискни аниқлаш концепциясига асосланади ва рискни баҳолаш жараёнида “юқоридан пастга” ёндашувни қўллайди. Бунда банк кенгаши ва бошқарув аъзолари ўз банкларида риск даражасини мустақил равишда аниқлашлари ва бошқаришлари кўзда тутилади. Улар банкни бошқариш мобайнида банк тамойилларига мувофиқ риск даражаси устидан назорат олиб боришга жавобгардирлар. Ушбу тамойиллар банкнинг сиёсати, информацион бошқарув тизими, бошқарув аппаратининг сифати ва шунингдек, раҳбарият томонидан қарор қабул қилишда фойдаланадиган ички назоратнинг бошқа соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Жойлардаги назорат CAMEL рейтинг тизими асосида ташкил этилгандан сўнг инспекциядан ўтган банкка ҳар бир компонент бўйича алоҳида рейтинг баҳоси берилиб, сўнгра барча фаолият бўйича умумий рейтинг баҳоси берилади.

Рейтинг баҳоси энг юқори даражаси 1 кўрсаткичи билан белгиланиб, бунда қайси компонентда бундай баҳо берилса, демак, у халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб бериш даражасида ташкил этилганлигидан далолат беради. Одатда CAMEL рейтинг тизимида 5 компонентдан бир ёки икки ҳолатда юқори кўрсаткичга эга бўлиши мумкин. Тўғри, 5 ҳолатдан 4 тасида ҳам юқори кўрсаткичга эришилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас, лекин бир ҳолда ҳам юқори кўрсаткичдан паст рейтинг баҳоси олинганда умумий рейтинг юқори бўлмайди. Республикамиз банк тизимида энг кўп умумий рейтинг баҳоси бу 2 ва 3 бўлиб, булар “яхши” ва “қониқарли” фаолият юритувчи банклар қаторига киради. Ўтказилган амалий таҳлиллар умумлаштирилган, 5-жадвални келтирамиз.

5-жадвал.

Республика тижорат банклари фаолиятини CAMEL тизимида назорат натижалари тўғрисида маълумот*

Йиллар	Таҳлилга тортилган банклар сони	Ўтказилган назорат сони	Таҳлилга тортилган банкларга ўрнатилган рейтинг балларини ўртача қиймати					
			Капиталнинг етарлилиги	Активлар сифати	Бошқарувчилик қобилияти	Даромадлилик	Ликвидлик	Ўртача умумий баҳо
22001	**11**	**22**	**2**	**3**	**3**	**3**	**2**	**3**
22002	**11**	**22**	**3**	**3**	**3**	**3**	**2**	**3**

***Марказий банкнинг жорий маълумотлари асосида тузилди.**

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар йиллар бўйича айтарли фарқланмаса-да, лекин яхлитланган сонлар ҳисобга олинганда жами ўзаро ўхшаш рақамлардан “Даромадлилик коэффициенти” 2001-йилга нисбатан 2002 йилда 0,07 ҳиссага ва “Бошқарувчилик қобилияти” 0,26 ҳиссага кўпайганлигини кўрамиз. Шунингдек, жадвал маълумотлари назоратга тортилган 11 банкда ўтказилган умумий 22 назорат (ҳар бир банкда икки маротаба) натижаларининг кўрсатишича, банклар капиталининг етарлилик даражаси бир ҳиссага камайган.

Бунинг сабаблари алоҳида таҳлил этилганда қуйидагилар аниқланди.

Биринчидан, барча банкларда ҳам етарлича эҳтимолий йўқотишлар захираси шакллантирилмаган.

Иккинчидан, капиталга қўшилган алоҳида суммаларнинг харажатга олиб борилиши зарурлиги.

Учинчидан, акциялар сотувидан олдиндан аванс суммаларининг мавжудлиги.

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотларини умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, «CAMEL» рейтинг тизимида ўтказилган назорат маълумотлари Республика тижорат банкларини яхши ва ўрта ҳолатларда фаолият кўрсатишларидан далолат беради. Бугунги асосий эътибор бизнингча, активлар сифатини оширилишига, ўз вақтида қайтмаган мавжуд кредитларни жойига қўйдиришга, банк

бошқарувчилик қобилиятини ҳамда даромадлилик даражаларини оширишга қаратилмоғи зарур.

Шуни таъкидлаш лозимки, инспекцион ҳисобот банк раҳбарияти билан ахборот алмашиниш жараёнининг муҳим бир қисми бўлиб ҳисобланиши шундаки, ушбу назорат Марказий банкка тижорат банк ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумот тақдим этади. Инспекцион ҳисобот банкнинг ижобий ва салбий томонларини тўла-тўкис ўзида акс эттириши лозим.

Банк раҳбарияти билан ахборот алмашиниш жараёнини самарали ва муваффақиятли амалга ошириш учун бизга маълумки, банк раҳбарияти билан учрашиш ҳамда ҳисобот натижалари бўйича жавоб хати юборилиши мақсадга мувофиқдир.

Ахборот алмашиниш жараёнининг иккинчи қисми инспекцион ҳисобот бўйича жавоб хати тайёрланишини назарда тутади. Жавоб хати банк Бошқаруви билан Марказий банк раҳбарияти томонидан тасдиқланган инспекцион ҳисобот якунлари ва хулосаларига мувофиқ бўлади. Аниқроғи, инспекция натижасида аниқланган муаммоларни тезда бартараф этиш ва банкни қисқа муддат ичида соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида қамраб олади.

Жойида назорат ўтказишнинг афзалликларига тўхталганда қайд этмоқ зарурки, инспекция ходими нафақат камчиликни топади, балки уни бартараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Алоҳида ҳолларда камчиликларни бартараф этиш юзасидан тузилиши керак бўлган жараёнда шахсан ўзи иштирок этади. Назорат объекти фаолияти қониқарсиз топилганда Марказий банк ўз оталиғига олган ҳолда кузатувчисини банк фаолиятини жойида доимий назорат қилиб борилишини маъқул деб топади.

Юқоридаги маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкин:

– инспекцион-жойида назорат қилиш банк фаолиятини ойдинлаштиради;

– банк ҳисоботларини тўғрилигини тасдиқлайди;

– объектни халқаро аудитнинг киритилишига тайёрлайди.

Ушбу афзалликлар бирикиб, банкнинг банкротликдан сақлаб, шу орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатлари ва депозитларини беҳудага сарфланиб кетишининг олдини олади.

Жойларда инспекция назоратининг стандартлашган CAMEL тизимини ўрганишда бу тизимнинг ҳар бир компонентини алоҳида

таҳлил этиш орқали мавжуд муаммоларни кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир.

CAMEL рейтинг тизими бўйича **капитал** назорат жараёнининг биринчи компоненти бўлиб, бунда банк капиталининг етарлилик даражаси, капиталнинг кўпайтириш борасида олиб борилаётган фаолият ва дивидендларни тўлаш сиёсати таҳлил қилинади.

Бундан ташқари, капитал таҳлили жараёни банк акциядорларининг янгиланган рўйхати, жами акциядорлар улушининг баланс ҳисоботидаги тўланган капитал суммасига тенглиги ҳамда банк капитали Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 420-сонли Низоми талабларига жавоб бера олишини текшириш масалаларини қамраб олади.

Марказий банк талабларидан келиб чиқиб ва ўтказилган таҳлил натижаларини умумлаштириб, инспекцион текширув жараёнида асосан қуйидаги масалаларга эътибор берилиши лозим:

- устав капиталидаги акциядорлар улушининг динамикада ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- акциядорлар улушидаги ўзгаришларда, агар улар юз берган бўлса, Марказий банкнинг тасдиғи талаб қилинадими? Талаб қилинган тақдирда Марказий банк тасдиғи олинганми?
- Тўланган капиталнинг 5%дан ортиқ акцияга эгалик қилувчи акциядорларнинг рўйхати тузилиши;
- банк капитали Марказий банк томонидан белгиланган минимал талабга жавоб бериши;
- банк тушумининг капитал ўсишига таъсири;
- капитални ўстириш режасининг таҳлили;
- юқоридагилар қаторида активларнинг сифати, тушумларнинг ўзгариши ва фойданинг сифатига ҳам алоҳида эътибор берилиши керак.

Ушбу саволнинг ўрганилиши жараёнида келтирилган 7-жадвалда қайд этилишича капиталнинг етарлилиги даражаси ўрганилган ўн бир тижорат банки мисолида 2001 йилда яхши даражада бўлса, 2002 йилга келиб қониқарли даражага тушиб қолмоқда. Изланишларимиз шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг ўзлари капитал бутлиги йўлидаги ҳисоб-китобларда маълум чалкашликларга йўл қўйишмоқда. Бу хусусида юқорида келтирилган жадвал хулосасида тўхталган эдик. Марказий банк томонидан олиб борилаётган капитал жамғармасига нисбатан сиёсатни барча банклар ҳам бир хил-

да бажара олмайдилар. Шу ўринда банклар ўртасидаги рақобатни инкор этмаган ҳолда таклиф этар эдикки, Марказий банк ушбу талабни ўрнатишда биринчидан, иқтисодиётда мавжуд инфляцияни реал даражасидан келиб чиқиши, иккинчидан, ҳар бир банкнинг жамиятдаги ўрни, салоҳиятини ҳисобга олишнинг зарурияти борлигини ҳисобга оламиз. Чунки барча банклар универсаллашган деб тан олинганда ҳам миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари маълум банкларда хизмат кўрсатади. Демак, шу тармоқнинг молиявий ҳолати ушбу банкнинг ҳам молиявий ҳолатини белгилайди.

«CAMEL» назорат тизимининг элементлари бўйича таҳлилни давом эттириб, банкнинг **актив операциялари** сифатини кўриб чиқамиз.

Тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири - активларнинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланади. Активлар даромадлилигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири активлар таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

Банклар фаолиятини назорат қилиш жараёнида активлар даромадлилигининг ўзгариши, активлар таркибидаги даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши асосий назорат объектлари сифатида эътиборга олиниши лозим.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркибидаги даромад келтирмайдиган активлар таркибининг ўзгариши* (фоизда)

№ №		1999 й	2000 й	2001 й
11.	Касса	0,9	1,4	1,6
22.	Банкларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари қолдиғи	5,8	2,4	2,1
33.	Бино ва иншоотлар	3,5	2,6	1,7
	Активлар – жами	100,0	100,0	100,0

***Марказий банк маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилди.**

Республикамиз банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар нисбатан кичик салмоқни эгаллайди. Масалан, 2001 йилда банкларнинг жами активлари таркибида даромад келтирмайдиган активларнинг салмоғи 7,12 фоизни ташкил қилди.

Даромад келтирмайдиган активлар таркибида банкларнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисоб-варақлари қолдиғининг ва банкларга тегишли бино ва иншоотлар салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади ва, аввало, банк активлари сифатининг ошаётганлигидан далолат беради.

Банкларнинг айланма кассасидаги нақд пуллар қолдиғининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо ушбу маблағларни жами активлар таркибида кичик салмоққа эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда ушбу тенденцияни жиддий аҳамиятга эга эмаслигининг гувоҳи бўламиз.

Тижорат банкларининг активлари таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар эгаллайди. Шу сабабли, кредит операциялари назорати муҳим амалий аҳамият касб этади.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари таркиби* (фоизда)

№		1999 й	2000 й	2001 й
1	Касса активлари	24,40	24,74	24,79
2	Қимматли қоғозлар	5,39	1,78	0,96
3	Кредитлар	55,70	58,49	61,30
4	Асосий воситалар	3,49	2,62	1,74
5	Бошқа активлар	11,02	12,37	11,2
	Жами	100,0	100,0	100,0

***Марказий банк маълумотларидан ҳисоблаб чиқилди.**

9-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, кредитлар республикамиз тижорат банклари активларининг асосий тури ҳисобланади. Бунинг устига, кредитлар салмоғининг ошиш тенден-

циясига эга эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятида кредитлар энг кўп даромад келтирадиган активлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли, ушбу активларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш жараёни муҳим аҳамият касб этади. Инспекторнинг бу йўналишдаги дастлабки вазифаларидан бири – кредит портфелининг умумий ҳолатини таҳлил қилиш ва жорий ёки потенциал муаммолар манбаларини аниқлашдан иборат. Активлар сифатининг таҳлилида асосий эътибор активларнинг қайтишига қаратилади.

АҚШда 1938 йилда назорат органлари томонидан юқоридаги масала бўйича, яъни активларни таснифлаш борасида тартиб қабул қилинди ҳамда мазкур тартиб бугунги кунга қадар ўзгаришсиз амал қилмоқда.

АҚШ банк тизимида активларни таснифлаш тартиби бир оз ўзгача хусусиятга эга бўлиб, унга кўра активлар 4 та синфга ажратилади. Жумладан;

1.Стандарт активлар учун камида умумий 2% захира ажратилади.

2 Субстандарт активлар. Бундай активлар таркибига қайтиши кафолатланмаган, яъни муаммога эга бўлган активлар киради. Улар учун 20% ажратма қилинади.

3.Шубҳали активлар. Булар айрим зарар келтирувчи активлар бўлиб, уларнинг аниқ ҳажмини аниқлаш имкони бўлмайди. Улар учун 50% ажратма қилинади.

4.Зарарли активлар. Бундай активларга қайтарилмаслиги аниқ бўлган ва ҳаётий қобилиятга эга бўлмаган активлар киради. Улар учун 100% ажратма қилинади.

Америка банкларининг инспекторлари активлар сифатини баҳолашда CAMEL системасининг қуйидаги принципларидан фойдаланади;

8-жадвал

Таснифланган активлар қиймати билан капитал ўртасидаги нисбат, % ҳисобида	Рейтинг CAMEL
5% дан кам	кучли
5% дан 15% гача	қониқарли
15% дан 30% гача	ўртача
30% дан 50% гача	танқидий
50% дан юқори	қониқарсиз

Юқоридаги нисбатлардан кўриниб турибдики, активларнинг сифати билан капитали ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, яъни активлар сифати қанчалик даражада паст бўлса, банкка шунчалик даражада кўпроқ зарар келтиради. Бу ўз навбатида капитални камайишига олиб келади, чунки бу зараралар банк капитали ҳисобидан қопланади. Шунингдек, катта миқдорда капиталга эга бўлган банклар кичик миқдордаги капиталга эга бўлган банкларга нисбатан зарарни қоплаш қобилиятига кўпроқ эга бўладилар.

9-жадвал

АҚШнинг АВС банки томонидан берилган кредитлар бўйича ташкил этилган захиралар тўғрисида маълумот (жами берилган кредитлар миқдори 3 млрд. АҚШ долл.)

	Алоҳида ҳисобдаги кредитлар	Ностандарт кредитлар	Шубҳали кредитлар
Қайтарилмаган	50 млн	15 млн.	5 млн
Ҳисобдан чиқариш бўйича крт. Коэффициент	1.2 %	1.2 %	-
Риск фактори	3.5 *	12 *	
Чамаланган коэффициент	4.2 %	14.2%	90 %
Кутиладиган зарар	2.1 млн.	2.16 млн	4.5 млн.

Жадвалдан кўриниб турибдики, банк бўйича жами кутиладиган зарар миқдори 8.76 млн. долларни ёки жами берилган кредитларнинг 2.92 фоизини ташкил этган.

Активлар сифати, яъни уларни таснифлаш тартибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республика Марказий Банки томонидан 20.07.1996 йилда 242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун ташкил қиладиган резервни шакллантириш ва ундан фойдаланиш» тартиби ишлаб чиқилиб, бутун банк тизими учун жорий этилди.

Мазкур тартибнинг моҳияти шундан иборатки, тижорат банкларининг муаммоли қарзларига қарама-қарши бўлган резервлар мажбурий тарзда вужудга келтиришини ва улар операция ҳаракат-

ларига киритилишини кўзда тутади. Бу эса банкларнинг барқарорлигини оширишга кўмаклашади ҳамда банкларнинг кредит портфелини реал баҳолаш имконини беради.

Банк балансидаги қарздорлик сифати қарз олувчининг молиявий аҳволига, унинг кредит қобилияти даражасига, кредит қайтарилиши истиқболларига, тегишли ва тўғри расмийлаштирилган реал таъминот борлигига, шунингдек, муддатидан ўтиб кетган кунларга қараб, 5 синфга бўлинади. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

10-жадвал

TN	Кредитларнинг турлари	Таъминланган кредитлар	Тўлиқ таъминланмаган кредитлар	Таъминланмаган кредитлар	Фоиз ажратмаси миқдори
II	Яхши	Муддатида қайтариладиган кредитлар 30 кунгача муддати ўтган қарзлар	Муддатида қайтариладиган кредитлар	Муддатида қайтариладиган кредитлар	-
22	Қониқарли	30 кундан 60 кунгача муддати ўтган қарзлар	30 – кунгача бўлган муддати ўтган қарзлар	-	10
33	Субстандарт	60 кундан 180 кунгача муддати ўтган қарзлар	30 кундан 60 кунгача муддати ўтган қарзлар	30 кунгача бўлган муддати ўтган қарзлар	25
44	Шубҳали	180 кундан зиёд муддати ўтган қарзлар	60 кундан 180 кунгача муддати ўтган қарзлар	30 кундан 60 кунгача муддати ўтган қарзлар	50
55	Умидсиз	-	180 кундан зиёд муддати ўтган қарзлар	60 кундан 180 кунгача муддати ўтган қарзлар	100

Шуни қайд этиш лозимки, кўпчилик ривожланган давлатларда яхши тоифага мансуб кредитлар учун энг камида 2 % миқдорида ажратма қилиш амалиёти мавжуд. Лекин ушбу ажратманинг бизнинг банкларимиз учун жорий қилинмаслигининг асосий сабаби,

Пахтабанк, Саноатқурилиш банки, ТИФ Миллий банки ва республикамиздаги бошқа йирик банкларда мазкур гуруҳга мансуб кредитлар салмоғи жуда катта миқдорни ташкил этади. Ушбу кредитларнинг аксарияти ҳукуматимиз кафолати асосида берилган кредитлар ҳисобланади. Агар биз мазкур тоифадаги кредитлар учун энг камида 2 % захира қилишни жорий этадиган бўлсак, бу ажратма суммаси жуда катта миқдорни ташкил қилиши аниқ. Ҳаракатдаги тартибларга асосан у бевосита банкнинг харажатларига олиб борилади. Бу эса банклар фойдасини кескин камайтириб, капиталнинг етарлилик коэффицентининг ўрнатилган меъёрдан пасайиб кетишига, молиявий аҳволни қийин ҳолатга олиб келиши мумкин.

Тижорат банкларининг депозит базасининг кейинги йилларда сезиларли ўсиши ва марказлашган давлат кафолати билан берилаётган кредитларнинг камайиши банк активларини халқаро андозаларга мослаб ўзгартириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, республикамиз банкларининг активларини 5 та 4 та гуруҳ бўйича тансифлаш бўйича янги низом ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Бундан ташқари, инспекторлар банк бошқаруви томонидан банкда мавжуд муаммоли ва ички таснифланган кредитлар рўйхатини тузиб бориши, ундаги кредитларнинг мувофиқ таснифланганлиги ва Марказий банкка тақдим этилаётган ҳисобот №242-сонли Йўриқномага мувофиқлиги ҳам аниқланади.

Муддати ўтган ссудалар салмоғининг ошиш тенденциясига эга эканлиги кредит портфели сифатини ёмонлашаётганлигидан далолат беради. Аммо, муддати ўтган ссудаларнинг кредит портфелидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги халқаро банк амалиётида нормал ҳолат ҳисобланади.

11-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелида муддати ўтган ссудалар салмоғининг ўзгариши* (фоизда)

№		1999 йил	2000 йил	2001 йил	2001 йилда 1999 йилга нисбатан ўзгариши
11.	Кредитлар – жами. Шу жумладан: - муддати ўтган кредитлар	100,0 0,88	100,0 1,80	100,0 2,95	Х қ 2,07

***Марказий банк маълумотларидан ҳисоблаб чиқилди.**

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаслик сабабларини алоҳида гуруҳлаштиришга эришдик. Бу ҳолда биз мижозни молиявий ҳолати билан боғлиқ ҳолатларни абстракциялаб, бугун илмий адабиётларда айтилмаган сабабларга тўхталдик.

Биринчи гуруҳ: учинчи шахс томонидан берилган кафолатларни тўғри баҳолай олмаганлиги ёки шу кафолатларни амалга ошириш шартларини кўрилмаганлиги.

Бу гуруҳга ўз навбатида Давлат кафолатлигида ва учинчи юридик шахс кафолатлигида берилган кредитлар олинганки, кредитнинг ўз вақтида қайтмаганлигига сабаб кафолат берувчининг айби эмас, балки банкнинг етарлича захира ташкил этмаганлиги ҳамда юридик шахснинг молиявий ҳолатини ҳисоблаганда нотўғри қарор чиқарганлиги бўлиб қолмоқда.

Иккинчи гуруҳ: кредитни расмийлаштириш ҳужжатларида ҳамда уни ташкил этишга бағишланган йўриқномалардаги камчиликлар асосида.

Бу гуруҳга асосан ўз вақтида муддати ўтган кредитларни туркумига киритмаслик ва фоиз қарзлари мавжуд бўла туриб, асосий қарзни қисқартириш ҳоллари киритилган. Маълумки, кредитнинг қайтариш муддати «Муддатли мажбуриятнома»да кўрсатиб қўйилади. Бугун асосан узоқ муддатли кредитлар берилаётганлиги сабабли ”Муддатли мажбуриятнома” банк омбор-хонасига қўйилади. Лекин, шу ҳолда жорий йилда қайтарилиши керак бўлган сумма учун қўшимча ”Муддатли мажбуриятнома” тўлдирилмаганлиги сабабли, омборхонадаги қайтарилиши керак бўлган сумма муддати ўтган кредитлар туркумига киритилмайди. Шунингдек, Марказий банк йўриқномаларига асосан мижоз ҳисоб рақамида маблағ пайдо бўлганда дастлаб кредитга ҳисобланган фоизлар ундирилиб, сўнг кредит суммаси ундирилиши керак. Лекин жойларда тижорат банкларининг ички кредит сиёсатларида бу қонуният доимо ҳам аниқ белгилаб қўйилмаган.

Банк кредитлари ҳолатини таҳлил этишни давом эттириб, олдин таъкидланганидек, банк кредитларининг ички таснифланиши текшириб чиқилгандан сўнг, таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар мувофиқ ташкил этилганлигини таҳлил қилиб чиқиш зарур. Агарда етарли даражада ташкил этилмаган бўлса, қайта таснифланган кредитлар бўйича қўшимча захиралар ташкил этилиши тавсия қилинади.

Банк капитали етарлилик даражасини таҳлил қилганимизда, эҳтимолий йўқотишлар захираси ҳар доим ҳам ташкил этилмаётганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Ушбу мавзуни тўлдириб айтиш мумкинки масалан, тадбиркор банк тизимида 2002 йил ўтган йилга нисбатан 3 бараварига кам захира ташкил этилган ёки "Савдогарбанк" 2001 йили амалда ташкил этиши керак бўлган эҳтимолий йўқотишлар захира фонди 5 бараварига кам ташкил этилган. Ушбу рақамлар шундан далолат берадики, Марказий банк томонидан ўтказилган жойида назорат натижаларидан тижорат банклари ҳамма вақт ҳам тўғри хулоса чиқармаяптилар.

Бундан ташқари, банк кредитлари Марказий банкнинг №422-сонли "Бир қарздорга ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига берилган кредитларнинг максимал даражаси" Низомининг 2 ва 3-бўлимлари талабларига, ҳамда №423 "Банк ва банк билан алоқадор шахслар ўртасидаги операциялар тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3-бўлим талабларига мувофиқлиги текширилади.

Банк активларини таҳлил этишда қимматли қоғозларнинг ҳолатини аниқлаш катта рол ўйнайди. Қимматли қоғозларни таҳлил этишдан мақсад, банк инвестицияларининг сифатини ва унинг қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан боғлиқ операциялари банк молиявий ҳолатига қай тарзда таъсир этишини аниқлашдан иборатдир.

Таҳлил жараёнида банк қимматли қоғозлар ҳисобини бозор нархи ва сотиб олиш нархи тамойилига асосан амалга ошираётганлиги текширилиши лозим.

Бундан ташқари, банк қимматли қоғозлар портфелида инвестициянинг олди-сотдига тегишли қимматли қоғозлардан фарқлай олишини, қимматли қоғозлар билан амалга ошираётган операциялари Марказий банкнинг бу борадаги талабларига жавоб беришини назорат қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

— биринчидан, акцияларни сотишда катта суммада аванс маблағлардан фойдаланиш;

— иккинчидан, даромад келтирмайдиган қимматли қоғозларни ўзида сақлаш;

— учинчидан, ўз акцияларини Марказий банк талабларига номувофиқ равишда қайта сотиб олишдан иборат.

Ушбу гуруҳ камчиликларнинг ҳар учаласи ҳам банк молиявий фаолиятига салбий таъсир қилиб, бухгалтерия балансини ҳақиқийлигини инкор этади. Ушбу камчиликларнинг бартараф этилиши фақат субъектив ҳолатга, яъни банк раҳбариятининг ушбу камчиликларни бартараф этишида деб биламиз. Шунинг учун ҳам илмий хулосамиздан келиб чиқиб, қуйидаги таклифни киритишни, яъни камчиликларга йўл қўйган банк раҳбарларига интизомий чора кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз. Фақат шахс манфаатдорлиги камчиликларнинг олдини олиши мумкин.

Жойида назорат этишнинг CAMEL тизимининг учинчи элементи бу **бошқариш қобилиятини** текширишдир. Инспектор ушбу пунктда банк раҳбариятининг таркиби, банк кенгаши ва бошқарувининг банк тўловига қобиллиги ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги иш тажрибасини баҳолаши лозим. Шунингдек, банк раҳбариятининг етарли даражада банк капиталининг бутлигини, банк ликвидлилигини таъминлаш борасидаги қобилияти ҳамда келажакдаги тушумлар ва ҳаражатлари таҳлили, реал стратегияси ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш қобилияти ҳам ўрганиб чиқилади.

Инспекция ҳисоботида банк кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, унда кўрилган ва тасдиқланган масалалар атрофлича санаб ўтилиши керак. Шу билан бирга, олдинги инспекция даврида аниқланган камчилик ва муаммолар банк кенгаши томонидан муҳокама қилинганлиги ёки йўқлигини ҳам кўздан кечириш лозим.

Банк бошқаруви томонидан молиявий ҳисоботларни банк кенгашига тақдим этиш жараёнида уларнинг қай даражада ҳаққонийлиги банкда фаолият кўрсатаётган мустақил ички аудитга боғлиқдир. Шундай экан, банк бошқарувининг ички аудит масалаларига ёндашувининг инспекторлар томонидан ўрганилиши жуда муҳим.

Бошқарув қобилиятининг таҳлилида ҳам банк бошқаруви ва кенгаши аъзоларининг олиб бораётган сиёсати, банкнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда рейтинг баҳоси берилади.

Банкни бошқариш қобилияти юқорида таъкидлаганимиздек, субъектив моҳиятга эга бўлиб, асосан раҳбариятни иқтисодий билимига, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ҳамда қонунчилик билан танишлик даражасига ва унинг соф виждонлилигига боғлиқдир.

Банкнинг барча фаолиятидаги асосий мақсад унинг **даромад** олишидадир. Баъзи пайтларда юқори даромад оладиган банклар самарали иш олиб бориши назарда тутилади. Бироқ, активлар сифати билан тушум ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаш жуда муҳимдир. Бирон бир банкда активлари сифати муаммоли бўлса, шуни тан олиш керакки, унинг активлари баҳоси ёмонлашади. Баҳодаги бу ўзгариш тушум ҳисобига қопланади ва натижада банк даромади камаяди. Инспекторлар даромад ва ҳаражатларни текшириш жараёнига оқилона ёндашиши керак, яъни узоқ вақт оладиган ва унчалик аҳамиятсиз ҳисобрақамларни текшириш билан боғланиб қолмаслиги керак.

Фойдалилик таҳлилида банкнинг молиявий ҳисоботларини, шу жумладан, баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар ҳисоботи, пул маблағлари оқими ҳисоботларини синчковлик билан текширилиши талаб қилинади.

Шунингдек, инспекторлар банк бизнес-режасини кўздан кечириши ва реал натижаларни режа кўрсаткичлар билан солиштириши натижасида бизнес-режанинг қай даражада асослилиги ва асосий номувофиқликни кўрсатиши ҳамда асослаши лозим.

Анъанага кўра фойдалилик таҳлили натижаси бўйича инспекторлар банкнинг фойдалилик даражасини бошқа ўхшаш банкларга солиштирган ҳолда баҳолайдилар.

Шу анъанага асосланиб, Республика тижорат банкларининг фаолияти ва молиявий ҳолати жиҳатидан яқин бўлган банкларни бир гуруҳлаб солиштирганимизда, жами 11 та банкдан (ушбу гуруҳ ҳақида олдинги саволларда биз тўлиқ маълумот келтирганмиз) 6 та банкда яхши бўлиб ҳисобланса, 2 та банкда қониқарли ва 3 та банкда қониқарсиз ҳисобланади. Албатта банкнинг фойдалилик даражаси унинг молиявий фаолияти натижаси бўлиб, пасайиш ёки зарар билан ишлашнинг оқибатлари иқтисодий адабиётларда кенг кўламда таҳлил қилинган. Шундан келиб чиқиб, фойдалилик даражасига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омилларни абстракциялаштириб, банк амалиётига хос бўлган жойда ўтказилган назорат натижасида аниқланаётган алоҳида сабабларни гуруҳлаб кўрсатишни лозим деб топдик.

Биринчидан, ҳисобланган, лекин ундирилмаган даромаднинг мавжудлиги. Бундай сумма нафақат солиқ тўланиши, балки банкнинг молиявий ҳолатига ҳам салбий таъсир етказади.

Иккинчидан, ҳисобга олинмаган харажатларнинг мавжудлиги бўлиб, улар одатда харажат ҳисобрақамларда акс эттирилмаганлиги натижасида пайдо бўлади. Инспекция жараёнида мазкур харажатлар аниқланиб, банк ҳаражатлари ҳисоб рақамларига олиб борилиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан банкнинг фойдалилик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, даромад келтирмайдиган активларни қисқартирмаслик натижасида фойдалилик даражаси пасайиб кетмоқда.

Келтирилган сабаблардан биринчи иккитаси банк раҳбариятининг эътиборсизлиги ёки пастки табақа хизматчиларнинг касбий билимининг саёзлиги натижаси бўлса, учинчи сабаб, республикамиз мустақиллигига эришган биринчи йиллар бозор иқтисодига ўтишни нотўғри тушунган банк раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келган. Масалан, Турон банкда Россия Федерациясининг “Твер Универсал банки” векселларининг мавжудлиги ёки Тадбиркорбанкнинг импорт операциялари бўйича берган кафолати ва шунга ўхшаш активлар борки, уларни балансдан чиқариш учун биргина йўл - махсус захира ташкил қилиш зарур.

Жойида назорат ўтказиш “CAMEL” тизимининг охирги компоненти бу банк **ликвидлигини бошқариш** ҳисобланади.

Актив ва пассивларни бошқариш банкнинг пул фондларини ташкил этиш, улар нархларини шакллантириш ва жойлаштириш жараёнларига тааллуқлидир. Ушбу жараён асосан баланс ҳисоботида акс эттирилади.

Пул маблағларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун банк томонидан активлар ва пассивлар тузилиши мувофиқ тарзда бошқарилиши лозим. Банк томонидан ликвидлиликни етарли даражада сақлаб туриш фойда олишга қаратилган ҳаракат билан мувозанатлашган ҳолда амалга оширилиши даркор, яъни кўпроқ фойда олиш мақсадида активларнинг самарасиз жойлаштирилиши ликвидлилик ҳолатини ёмонлашувига олиб келади.

Актив ва пассивларни бошқаришнинг энг мақбул йўли қисқа муддатли ликвидлиликни паст бўлган инструментларга жойлаштириш орқали юқори фойда олиш орасидаги мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Ушбу масалалар бўйича тижорат банклари фаолияти жойида назоратдан ўтказилади. Биз база қилиб олган 11 та тижорат банклари фаолиятида охирги икки йил ичида ликвидлик борасида катта фарқ сезилмаса-да, лекин банклар ичида таркибан ўзгаришлар юз

берди. Масалан, 2001 йил икки банкнинг ликвидлик даражаси юқори ҳисобланган бўлса, 2002 йил бу банкларда ушбу кўрсаткич бир балга камайган. Ёки, базадаги банкларнинг учтасида 2001 йил ўрта ликвидлик даражаси қайд этилган бўлса, улар ўз фаолиятларида ижобий натижаларга эришиб, фақат биргина Тадбиркорбанкдан ташқари барчасининг ликвидлиги яхши деб топилган. Ликвидлик даражасининг ўзгариб туришида асосан юқорида кўриб чиқилган "CAMEL" тизими элементларида қайд этилган камчиликлар сабаб бўлишини ҳисобга олиб, уларни алоҳида кўрсатиб туришга зарурият йўқ деб ўйлаймиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, ликвидлилик коэффициенти банкнинг ликвидлилик ҳолатини тўлалигича ёритиб бера олмайди ва бунга умумий баҳонинг бир қисми сифатида қаралади. Шундай экан, у билан бирга бошқа ликвидлилик коэффициент кўрсаткичларининг ҳам таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат этишда жойида назорат қилиш анча самарали бўлиб, унда жаҳон тажрибасида ўз ўрнини топган ягона стандартлашган «CAMEL» тизимини қўлланилиши банкларнинг рақобатли фаолиятида уларнинг инқирозга тушиб қолишини олдини олади. Шу билан банкларда ўз пул маблағларини сақлаб келаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари ҳимоя этилади.

1

Саволлар:

1. Ўзбекистонда халқаро банк назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон банк амалиётида қўлланилаётган халқаро банк назорати усуллари.
3. Масофадан назорат этишнинг камчиликлари ва уларни бартараф этиш йўллари.
4. Банк назоратида масофадан назорат этишнинг қулайлиги, самарадорлиги ва тезкорлиги.
5. Нима сабабдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини лицензиялаш борасида қаттиқ талаблар ўрнатган?
6. Ўзбекистон Республикасида банкларга лицензия бериш ким томонидан, қандай амалга оширилади?

7. Ривожланган мамлакатлар амалиётида тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш қандай амалга оширилади?

8. Банклар банк операциялари билан шуғулланишга лицензия олиш учун қандай талабларни бажаришлари шарт?

9. Кўриб ўтилган баъзи ривожланган давлатлардаги ушбу жараённинг қайси бир томонларини Ўзбекистонда қўллаш лозим деб ўйлайсиз?

10. Иқтисодий нормативларнинг аҳамияти ва зарурлиги. Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг такомиллашиш жараёни.

11. Янги очилаётган тижорат банклари устав фондларининг энг кичик миқдорига қўйилаётган талаблар.

12. Тижорат банклари капиталининг етарлилиги бўйича Марказий банк талаблари.

13. Тижорат банклари ликвидлилик коэффицентлари.

14. Алоқадор шахслар билан банк амаллари.

15. Айрим олинган қарз олувчиларга кредит миқдорининг чегараси.

16. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амаллари.

17. Банк назоратида жойларда инспекция-текшириш усулининг аҳамияти ва афзалликлари.

18. Инспекцион текшириш жараёнида асосий эътибор бериладиган масалалар

19. Банк фаолиятини назорат қилиш натижаларини стандартлашган рейтинг тизими асосида таҳлил қилиш.

20. CAMEL рейтинг тизими.

21. Ўзбекистонда CAMEL рейтинг тизими бўйича капитал, актив, бошқариш қобилияти, даромадлилик ва банк ликвидлилигини бошқариш устидан назорат.

V боб. КРЕДИТ УЮШМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

§5.1. Кредит уюшмаларининг вужудга келиши ва ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” дастурий нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди:

“Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш лозим... Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси – фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиш лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз”[1].

Президентимиз томонидан қўйилган вазифаларни ҳал қилиш дунёнинг кўплаб мамлакатларида мавжуд бўлган микромолиялаш институтлари – кооператив банклар, кредит уюшмалари, ўзаро кредитлаш жамиятлари, қарз-жамғарма кассалари ва шунга ўхшаш номлар билан юритиладиган кооператив кредит муассасаларини Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш ва ривожлантиришда катта ва муҳим роль ўйнайди.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида ўзаро кредитлаш жамиятлари аҳоли қўлида бўш турган ва шу билан бирга яширинча айланаётган нақд пул маблағларни (таҳлилчиларнинг баҳолашича, МДҲ мамлакатларида уларнинг ҳажми жами пул массасининг 25% дан 40%гача) муомалага жалб этиш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Бундай молия муассасаларининг самарали эканлигини бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида шу нарса кўрсатиб турибдики, бундай муассасалар собиқ тоталитар тизимдан кейинги даврларда Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия, Македонияда жадал пайдо бўла бошлади. Бир оз вақтдан сўнг бу жараён собиқ иттифоқ давлатлари – Латвия, Литва, Эстония, Украина, Беллорусия, Россия, Қозо-

ғистон, Қирғизистонда ҳам кенг ёйилди. Чет эл молиячи эксперт-ларнинг фикрича, ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда кредит уюшмалари аҳолининг кам таъминланган қисмини реал тарзда микрокредитлашни таъминлашга қодир бўлган бирдан-бир ва ягона молия муассасасидир.

Давлатимиз мустақилликни қўлга киритгач, дастлабки пайтлар-данок, мамлакатда янги, сифатли, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ва янги иш ўринлари яратишга қодир бўлган ва шу орқали аҳоли турмуш шароитини ҳамда жамият фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўз фаолия-тини йўлга қўйишлари ва уни ривожлантиришлари учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида паст фоиз ставкали микрокредитларга талаб пайдо бўла бошлади. Кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектларини имкон қадар микрокредитлар билан таъминлаш имкони мавжуд бўлган тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштириш билан бир қаторда нобанк молия институтиларини ҳам ривожланитириш зарурати туғилди.

Бозор иқтисодиётига ўтган, ривожланган мамлакатлар иқтисо-диётида ўзига хос ўринни эгаллаб турган ва жаҳон иқтисодиётида ўзининг деярли бир ярим асрлик ривожланиш тарихига эга бўлган кредит уюшмаларини мамлакатимизда ташкил қилишга, бозор иқ-тисодиётига ўтиш шароитида бундай микромолиялаш муассаса-ларининг фаолият кўрсатиши мамлакат аҳолисининг фаровонли-гини таъминлашга хизмат қилиши мумкин бўлган муҳим бир восита сифатида қаралди.

1992 йили Республикамизда микромолиялаш мауссасалари ташкил этиш борасидаги дастлабки ишлар амалга оширилди. Айнан ўша йили 200 дан ортиқ хотин-қизларга кредит уюшмалари ташкил этиш ва микрокредитлар олиш технологияси ўргатилди. Бу таълимнинг асосий ташкилотчилари Ўзбекистон Тадбиркор Аёллар уюшмаси, Халқаро меҳр-мурувват корпусининг кўнгиллилари ва Винрокс қишлоқ хўжалиги институти (АҚШ) томонидан амалга оширилаётган “Фермер-фермерга” лойиҳасининг ижрочилари би-лан биргаликда ташкил этди.

Ўзбекистон Тадбиркор Аёллар уюшмаси биринчилардан бўлиб 1997 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-тиришда молиявий ресурсларнинг ноанъанавий манбаи сифатида кредит уюшмалари тизимини тарғиб қилиш ишларини бошлади.

Кредит уюшмалари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш ишларида хорижий ташкилотлар ҳам бевосита иштирок эта бошлади. Кредит уюшмаларинг Жаҳон Кенгаши (WOCCU) бундай ташкилотлардан энг асосийси ҳисобланади ва у 1997 йилда 15 апрелда Бухоро шаҳрида ўзининг экспертлари иштирокида “Кредит уюшмалари қандай тузилиши керак” мавзусида тренинглар ўтказди.

Ўзбекистон Тадбиркор Аёллар уюшмаси қатор ташаббуслар билан чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий Банк, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда манфаатдор ташкилотларнинг кредит уюшмалари учун қонунчилик тизимини яратиш бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш ва бошқалар. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳукумати кредит уюшмалари тизимини яратиш концепциясини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кредит уюшмалари ва тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик негизини юзага келтиришни қўллаб-қувватлайдиган “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарорида ва унга илова қилинган 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурида ҳукумат томонидан кредит уюшмалари тизимини яратиш концепциясининг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари баён этилган. Марказий банкнинг 2003 йил 11 июлдаги 760-сонли фармойишига мувофиқ ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан Республика банк Кенгашининг 2003 йил 17 июндаги 2-сонли баённомаси билан тасдиқланган “2003-2004 йилларда банк тизмини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичи дастури” қабул қилинди.

Мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини кенгайтириш билан параллел равишда нобанк кредит муассасаларини ҳам ривожлантириш 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастурида кўзда тутилган. Мазкур Дастур доирасида микрокредитлаш бозорида рақобатни кенгайтириш мақсадида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро молия муассасаларининг кўмагида кредит уюшмалари ташкил этиш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маблағ билан таъмин-

лашнинг банк кредитлашига муқобил шаклларини ривожлантириш, шунингдек, хусусий тадбиркорлар, кичик ва микрокорхоналарни микрокредитлаш механизмини доимий равишда такомиллаштириш мақсадида кредит уюшмаларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Ушбу дастур талабаларидан келиб чиққан ҳолда, 2000 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ташкил этиш лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки (ОТБ) техник ёрдами доирасида Республика Марказий Банкида фаолият кўрсатаётган Кредит уюшмалари Жаҳон Кенгаши (WOCCU)нинг ҳорижий экспертлари томонидан тегишли ишлар амалга оширила бошланди.

ОТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси жамғарма ва кредит уюшмаларини ташкил қилиш бўйича Техник ёрдами доирасида Республикамиз ҳудудларида ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар аҳолининг кредит уюшмалари ташкил қилиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга қизиқишлари юқори эканлиги, шунингдек, кредит уюшмаларини ташкил қилишда бир қатор объектив ва субъектив омиллар мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Кредит уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини баҳоловчи энг асосий омиллардан бири бу умумий мақсадга эришиш, яъни кредит уюшмаси аъзоларининг бир-бирига кредит-молия хизмати кўрсатиш учун инсонларнинг кучларини бирлаштиришга асосланган ижтимоий омил ҳисобланади.

Мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимини ривожлантириш зарурати асосан кекса ёшли аҳолининг асосий қисмини маблағ жамғаришга бўлган истаклари, хоҳиш ва талаблари ҳамда бу борада юқори тажриба ва ҳаттоки маблағларни ўзаро жамғариш анъаналари мавжуд, шунингдек, аҳолининг тадбиркорликка асосланган иқтисодий фаоллик даражаси юқори.

Кредит уюшмалари фаолиятининг барқарорлиги ва ишончлилигига сезиларли таъсир кўрсатадиган омил уларнинг юзага келиш табиатини ва мамлакатнинг ягона иқтисодий муҳитда ривожланиш жараёнларини белгиловчи иқтисодий омилдир. Бу борада кредит уюшмаларининг ўзига хослиги шундаки, у кичик миқдорда, узоқ бўлмаган муддатга кам фоиз ставкалари билан ва потенциал қарз олувчининг таъминотига қараб кредит беришни акс эттирувчи ҳаракат воситаларини ишлаб чиқишга қодирдир.

Кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича етарли тажрибага эга бўлмаган тадбиркорлик соҳасида энг муҳим ўринни таълим бериш омили эгаллайди. Турли хил семинарлар ва тренинглар ташкил қилиниши кредит уюшмаларининг рақобатбардошлилигини таъминловчи асосий фаолият турларидан бири унинг аъзоларга молиявий тартиб-қоидалар соҳасида ўзларининг билимларини доимий равишда ошириб бориш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, таълим бериш омили микромолиялаш муассасаларининг ташкил қилиниши ва улар фаолиятининг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб ҳисобланади. Таълим бериш омили кредит уюшмалари аъзоларининг ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган рақобат шароитида уюшма маблағидан кўпроқ самарали фойдаланишни ўргатиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда ушбу омилнинг зарурлиги ва муҳимлигини инобатга олган ҳолда кредит уюшмаларининг фаолиятига доир семинарлар ташкил қилиш зарурлиги аниқланган.

Ва ниҳоят, кредит уюшмаларининг имкониятларини тўлиқ очиб берувчи яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган омил бу тегишли ҳуқуқий базани ташкил қилишдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш кооперативлари, истеъмол кооперативлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари фаолиятини тартибга солувчи кооператив жамиятлар тўғрисидаги тартиблар кўпчилик ҳолларда банк операцияларига ўхшаш бўлган кредит уюшмалари фаолиятига мос келмайди. Бироқ тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик бир вақтнинг ўзида кредит уюшманинг жамғармага қўювчилари, қарз олувчилари ҳамда унинг эгалари бўлиб ҳисобланадиган ўз аъзоларига кооператив молия хизматларини тақдим этиш мақсадидан иборат бўлган кредит уюшмалари вазифаларини белгилаб бериши мумкин эмас.

Кредит уюшмаси фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб ҳамда Республикамизда кредит уюшмалари фаолиятини ташкил қилиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланган омиллар таҳлил қилиниб, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг шундай кооперативларни ташкил қилиш тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда кредит уюшмаси фаолиятини ташкил қилиш ишларини жадаллаштиришга эътибор берилди. Биринчи галдаги вазифа бу кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш эди ва унга аҳамият берила бошланди.

2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис томонидан “Кредит уюшмалари тўғрисида” ги қонун қабул қилиниши бу борадаги илк қадам бўлди. Бу қонун кредит уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий доирасини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Республиканинг миллий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизмат турларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиб берувчи маҳаллий молиявий инфратузилмасини шакллантириш орқали иқтисодиётни либераллаштириш сари қўйилган яна бир қадам бўлиб ҳисобланди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши асосида янги нобанк молия муассасалари – кредит уюшмалари фаолиятини шакллантириш учун қонуний негизга асос солинди. Қонун қабул қилингандан сўнг Марказий банк томонидан кредит уюшмалари жаҳон кенгаши (WOCCU) маслаҳатчилари билан биргаликда Ўзбекистон учун ишлаб чиқилган кредит уюшмаларини ривожлантириш моделига мувофиқ тарзда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун амалий ишлар амалга оширила бошланди.

§5.2. Кредит уюшмалари фаолияти устидан назорат қилишни ташкил этиш

“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш ва бу фаолият устидан самарали назоратни олиб боришга катта аҳамият бериб келинмоқда.

“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонунга асосан кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Республика Марказий банки томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга Марказий Банкка кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш борасида ҳам ваколатлар берилган. Унга асосан, кредит уюшмалари учун молиявий операциялар ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг мажбурий қоидаларини Марказий банк белгилаб беради.

Қонун қабул қилингандан кейин мамлакатимизнинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда кредит уюшмалари фаолиятига доир қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикасида кредит уюшмалари фаолиятини назорат қилиш ваколати Марказий банкка берилган. Шунинг учун кредит уюшмалари фаолиятига доир бир

қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. “Кредит уюшмаси устав фондларининг энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмасининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисида низом” (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 21 июнда 1151-сон билан рўйхатга олинган), “Кредит уюшмалари томонидан молиявий операциялари ўтказиш қоидалари” (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 7 октябрда 1179-сон билан рўйхатга олинган) шулар жумласидандир.

12-жадвал

Ўзбекистонда кредит уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш муддати ва шакллантирилиши лозим бўлган устав фонди

Рўйхатдан ўтказиш муддати	Аъзолари сони	Устав фонди	
		Тошкент шаҳрида	Бошқа ҳудудларда
Барча ҳужжатлар тақдим қилинган кундан эътиборан 30 кун ичида	Камида 50 киши	50 000 АҚШ долл.	25 000 АҚШ долл.

Кредит уюшмалари фаолиятининг норматив доиралари 1179-сонли қоидада белгилаб қўйилган. Бу қоида билан боғлиқ бўлган кредит уюшмалари операциялари қуйидагилардан иборат, яъни кредит уюшмаларининг капиталини шакллантириш, кредитлаш, кредитлар ва депозитлар шаклидаги пул маблағларини жалб этиш, шунингдек, кредит уюшмалари ўзида шаклланадиган маблағларни инвестициялаш ва бошқалар.

Ушбу кредит уюшмаси барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида адекват даражада капитални шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши таъкидлаб ўтилган. Капиталнинг адекват миқдори кредит уюшмасига қўйилган пул маблағларининг сақланишини таъминлайди. Кредит уюшмалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва характеридан келиб чиқиб, бу кўрсаткич кредит уюшмалари активлари умумий суммасининг камида 15% миқдорида белгилаб қўйилган.

Кредит сиёсати кредит уюшмаси фаолиятини тартибга солиб турадиган асосий ҳужжат ҳисобланади, бизнинг қонунчиликка асосан кредит сиёсатини кредит уюшмаси кенгаши ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим. Шу сабабли 1179-сонли қоидада кредит сиёсатининг мазмун даражасига қўйилган талаблар баён этилган. Кредитлаш сиёсати уюшманинг барча аъзоларига бир хил шароитлар яратилиб берилишини назарда тутиши лозим, бунда аъзоларнинг мақоми ва мансабига оид мажбуриятлар инобатга олинмайди. Битта қарз олувчига энг кўпи билан кредит уюшмаси капиталининг 25% – гача миқдорда кредит бериш чегаралаб қўйилган. Бундай чегаралашдан мақсад – битта аъзо қўлида кредит хатарининг ҳаддан зиёд тўпланиб қолишини олдини олиш ҳисобланади.

2003 йил 1 июндан бошлаб Республикамизда кредит уюшмалари фаолиятининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида Америка халқаро ривожланиш агентлиги(USAID) нинг 3 йилга мўлжалланган техник ёрдам доирасида кредит уюшмалари жаҳон кенгаши иштирокида республика вилоятларида 12 та кредит уюшмаларига техник ёрдам кўрсатиш ва улар фаолиятини юритиш бўйича “Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожлантириш лойиҳаси” ўз иш фаолиятини бошлади. ОТБ мамлакатимизда кредит уюшмалари тизимини такомиллаштиришга ҳар томонлама ёрдам берди ва ОТБ билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида умумий суммаси 20 млн долларлик кредит шарномасини имзолаш бўйича 2003 йилнинг январ ойидан бошлаб ОТБ мутахассислари билан музокаралар олиб борилди. Мазкур маблағлар кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантиришга ажратилиши режалаштирилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 11 августда 348-сонли “Осиё Тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу қарордан кўзланган асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молия ва кредит хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, малакатимизда микромолияни ривожлантиришни янада рағбатлантиришдан иборат эди. Ушбу қарорда ОТБ Директорлар Кенгаши Ўзбекистон Республикасига “Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш учун беш йил имтиёзли давр билан 20 йил муддатга 20 млн АҚШ доллари миқдорда қарз берилиши, шунингдек, кредит уюшмалари фаолияти усти-

дан назорат тизимини институционал мустаҳкамлиги бўйича техник ёрдам мақсадида 400 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилишини маъқулланганлиги кўрсатиб ўтилган.

ОТБ томонидан ажратилган қарзнинг 2 млн АҚШ доллари миқдоридаги қисми кредит уюшмаларини ривожлантиришни молиялаштиришга йўналтирилади, қарзнинг қолган 15 млн АҚШ доллари миқдоридаги қисми эса кичик бизнесни, шунингдек, кредит уюшмаларини кредитлаш бўйича линиялар очиш учун Молия вазирлиги томонидан "Асака" банки ва "Пахта" банкка қайта молиялаштириш учун берилади.

ОТБнинг 5 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни кредит уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳани амалга ошириш муддати 2010 йилгача давом этади. Бундан кўринадики, кредитнинг муддати 7 йил.

13-жадвал

Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар

млн АҚШ долларида

№	Кредит маблағининг тақсимланиши	Суммаси
1	Кредит уюшмаларига қарзлар	2.0
2	Лойиҳани бошқариш	1.26
3	Инвестиция даврида кўзда тутилмаган харажатлар ва фоизлар	1.74
	Жами	5.0

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарорига 1-илова.

"Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унга асосан Республикамизда кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш ваколати Марказий банкка берилгандани кейин, ушбу банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2003 йилнинг 1 августига қадар жами 12 та кредит уюшмаларига лицензия берилган бўлса, 2007 йил 1 март ҳолатига кўра уларнинг сони 38 тага етди.

14-жадвал

Республикада кредит уюшмаларининг вилоятлар бўйича жойлашиши тўғрисида 2007 йил 1 март ҳолатига маълумот

т/р	Кредит уюшмасининг номи	Ташкил этилган сана
Андижон вилояти		
1	Мададкор (Куйганёр ш.)	26.94.2003
2	Аср (Андижон ш.)	25.10.2003
3	Жаҳон (Андижон ш.)	17.01.2006
4	Агросаноатфинанс (Андижон ш.)	07.10.2006
5	Келажак сари (Андижон ш.)	29.12.2006
6	Ривож инвест (Андижон ш.)	09.03.2007
Бухоро вилояти		
7	Умид (Бухоро ш.)	21.09.2002
8	Бухоро тадбиркори (Бухоро ш.)	07.06.2003
9	Авиценна (Бухоро ш.)	08.05.2004
10	Кредо (Бухоро ш.)	24.12.2005
Жиззах вилояти		
11	Ишонч (Жиззах ш.)	16.11.2006
12	Инъом (Жиззах ш.)	22.10.2005
Навоий вилояти		
13	Ласточка (Навоий ш.)	12.10.2002
Наманган вилояти		
14	Марвел (Наманган ш.)	12.12.2002
15	Таянч (Наманган ш.)	16.11.2002
16	Меҳрибон (Наманган ш.)	04.02.2006
Самарқанд вилояти		
17	Шердор (Самарқанд ш)	21.09.2002
18	Хазина (Самарқанд ш.)	30.11.2002
19	Агронур (Булунғур ш)	07.10.2006
Сирдарё вилояти		
20	Омад (Гулистон ш.)	11.10.2003
Сурхондарё вилояти		
21	Фаровон (Термиз ш.)	22.10.2005
Фарғона вилояти		
22	Олтин водий (Қўқон ш.)	19.07.2003
23	Нурафшон (Бувайда тумани)	08.05.2004
24	Мадор (Қўқон ш.)	15.02.2006
25	Ташаббус (Қўқон ш.)	13.05.2006
26	Ташриф (Қўқон ш.)	29.07.2006
27	Коинот (Фарғона ш.)	07.10.2006

Қашқадарё вилояти		
28	Кеш (Янги Нишон ш.)	22.10.2005
Тошкент шаҳри		
29	Барака (Шайхонтоҳур)	07.06.2003
30	Капитал юнион (Шайхонтоҳур)	21.06.2003
31	Осиё траст (Яккасарой)	13.08.2004
32	Университет (Собир Раҳимов)	15.09.2004
33	Имкон (Миробод)	13.08.2004
34	Финанс плюс (Чилонзор)	17.04.2004
35	Пойтахт инвест (Собир Раҳимов)	04.02.2006
36	Тезкор кредит (Ҳамза)	14.07.2006
37	Шарқ юлдузи (Чилонзор)	07.10.2006
38	Инвест кредит (Миробод)	25.01.2007

“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унга асосан Республикамизда кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш ваколатлари Марказий банкка берилгандан сўнг, ушбу банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2003 йил 1 августига қадар 12 та кредит уюшмасига лицензия берилган бўлса, 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра уларнинг сони 38 тага етди. Жумладан, Андижон вилоятида 6 та, Бухоро вилоятида 4 та, Жиззах вилоятида 2 та, Навоий вилоятида 1 та, Наманган вилоятида 3 та, Самарқанд вилоятида 3 та, Сирдарё вилоятида 1 та, Сурхондарё вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида 6 та, Қашқадарё вилоятида 1 та ва Тошкент шаҳрида 10 та кредит уюшмалари Марказий банкдан давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларга фаолиятни амалга ошириш учун лицензия берилди.

01.01.07 йил ҳолатига кўра 19696 млн сўм миқдоридаги активлари бўлган ва 51532 та аъзолари бўлган 36 та кредит уюшмалари (01.04.07й га кўра 38 та) фаолият юритмоқда. Шунингдек, ушбу кредит уюшмалари томонидан жалб қилинган депозитлар миқдори 14228 млн сўмни, ажратилган кредитлар миқдори эса 17131 млн сўмни ташкил этади.

15-жадвал.

2003-2007 йилларнинг 1 январь ҳолатига кўра кредит уюшмалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот.

млн с.

№	Асосий кўрсаткичлар	01.01.03	01.01.04	01.01.05	01.01.06	01.01.07
1.	Активлари	82.1	1150	3530	8076	19696
2.	Кредитлар миқдори	58.2	941.2	2899.6	7091	17131
3.	Депозитлар миқдори	16.9	713.9	2463.0	5731	14228
4.	Капитал миқдори	58.7	376.5	951.0	2069	4375
5.	Аъзолар сони	2952	6990	13983	33669	51532

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ойлик ҳисоботлари.

Кредит уюмалари фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, барча кўрсаткичлари бўйича йилдан йилга фақат ўсишни кузатиш мумкин. Жумладан, умумий активлар жорий йил бошига нисбатан 11620 млн сўмга ёки 2,4 мартага ошган ва 19696 млн сўмни ташкил қилган. Умуман олганда, сўнгги йилларда активларнинг миқдори жадал кўпаймоқда.

Ўз аъзоларига ажратган кредитлар миқдори эса 10040млн сўмга ёки 2,4 мартага ошган ва йил охирида 17131 млн сўмни ташкил этган.Эътибор берадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич охирги йилларда бир маромда 2,4 марта атрофида ўсиб бормоқда.

Жалб қилинган депозитлар миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, жорий йилда депозитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 8497 млн сўмга ёки 2,5 марта ўсган ва 14228 млн сўмни ташкил этади.

Капитал миқдори кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2306 млн сўм ёки 2,1 мартага ошган ва 4375 млн сўмни ташкил этган.

Шунингдек, кредит уюшмалари аъзолари сони ҳам жорий йилда 17863 тага ёки 1,5 мартага ошган ва 51532 тани ташкил этади.

Республикамизда ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари фаолиятини таҳлил қилганда, уларнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсишни кузатишимиз мумкин. Айниқса, сўнгги йилларда кредит уюшмалар фаолияти барча асосий кўрсаткичларининг ўртача 2,5 марта ошганлигини кўрамиз. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бўлган мамлакатимиз аҳолисининг янги молия институтининг афзалликлари тўғрисидаги тушун-

чалари, улар фаолиятини кенгайтиришда иштирок этишга қизиқишлари ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Республикамиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилганлиги туфайли уларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти анча кам. Қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми деҳқончилик, чорвачилик турлари билан шуғулланиб даромад топиш истагида бўлади. Аммо улар ўз фаолиятларини йўлга қўйиб олиш учун маблағга муҳтож бўлади. Тижорат банкларига кредит олиш учун мурожаат қиладиган бўлса, тижорат банклари таклиф қиладиган кредитларнинг фоизи юқори бўлиши билан бирга қарз олувчидан юқори ликвидли таъминот талаб қилади. Фоиз ставкаси нисбатан паст бўлган кредит маблағлари манбаига талаб юқори ва шартлари қаттиқ ҳолда кредит олиш учун узоқ вақт керак бўлади. Қолаверса, тижорат банклари кам миқдорда кредит ажратишдан манфаатдор эмас. Бундан ташқари, тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган кредит муассасалари бизда ҳали ривожланмаганлиги сабабли кредит муассасалари кредит фондларини кредитга бўлган талабдан келиб чиқиб белгилайди ва бу ўз-ўзидан юқори бўлади. Шундай экан, потенциал имкониятларга эга бўлган ва тадбиркорликни энди бошламоқчи бўлаётган, лекин етарли кредит таъминотига ва кредит тарихига эга бўлмаган кишиларга тижорат банклари кредит ажратишни истамайдилар.

Кредит уюшмалари учун эса бир ҳудудда яшовчи кишилар томонидан ташкил қилиниши ва унинг аъзолари бир-бирларини яхши билишлари сабаблари аъзоларининг жамғармаларидан барпо қилинган маблағ ҳисобидан кредит ажратиш жараёнида кредит олаётган аъзонинг қандай инсонлиги, яъни содда қилиб айтганда, қўлидан бирор иш келиши ёки келмаслигини жуда яхши билади ва шу асосида унга кредит ажратади. Шундай экан, мамлакатимизда кредит уюшмаларини асосан қишлоқ жойларда ташкил этиш ва улар фаолиятини қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, кредит уюшмаларининг молия бозоридаги ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, улар айни пайтда таклиф этилаётган жамғармаларга белгиланаётган фоиз ставкалари тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган жамғармаларнинг фоизларидан нисбатан юқори бўлганлиги сабабли, кредит уюшмалари мамлакатимизда кенг миқёсда ташкил этиладиган ва ўзининг жамғармаларига юқори фоиз ставкаларини белгилайдиган бўлса, бу мамлакат

аҳолисининг қўлида бўш турган нақд пул маблағларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Саволлар:

1. Кредит уюшмалари ва уларнинг Ўзбекистонда ташкил этилиши.
2. Кредит уюшмаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси.
3. Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ташкил этишнинг самарали томонлари.
4. Ўзбекистон Кредит уюшмаларининг Жаҳон кенгаши билан алоқалари.
5. “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуннинг моҳияти.
6. Кредит уюшмаларининг назорат қилиниши.
7. “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонунда уларнинг назорат этиш масаласи.
8. Кредит уюшмалари устидан назорат қилишнинг ҳуқуқий асоси.
9. Ўзбекистон кредит уюшмаларининг халқаро ташкилотлар билан алоқалари.
10. Кредит уюшмаларининг миқдорий кўрсаткичлари.

VI боб. БАНК НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАНК АУДИТИНИНГ ЎРНИ

§6. 1. Банкларда аудитнинг вужудга келиши ва ривожланиши

Тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, акциядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумотларга эга бўлишларида аудит текшируви хулоса ва натижалари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, аудит атамаси лотинча «audit» - эшитмоқ сўзидан олинган бўлиб, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини текшириш жараёнини англатади. Аудит мустақил назорат қилувчи тадбиркорлик субъекти сифатида хўжалик субъекти томонидан берилаётган молиявий ахборотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди. Ундан кутилган мақсад хўжалик субъекти фаолиятининг барча қирралари бўйича фактларни йиғиш ва баҳолаш, ҳисоботларини текшириш, уларнинг меъёрий ҳужжатларга мос равишда бажарилган ёки бажарилмаганини текширишдан иборат.

Аудит олиб бориш тартиби ҳукумат қарорлари ва идоравий йўл-йўриқлар билан тартибга солинади ёки йўналтирилади, фаолиятнинг муайян қирраларидаги оғишларни вақти-вақти билан назорат этиб туради. Асл ҳужжатлар ва бухгалтерия қайдлари, нақд пул воситалари, материал-хом ашё қийматини диққат ва эътибор билан комплекс равишда ўрганади. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича ўз фикрини билдиради. Молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, актив ва пассивларини баҳолайди. Мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб этишга ёрдам беради, молия, солиқ ва бошқа соҳаларда маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу хулоса матбуотда эълон қилиниши ҳам мумкин. Аудитнинг тафтишдан асосий фарқи ҳам мана шунда. Режали хўжалик юритиш усулида иқтисодий-молиявий жиҳатдан тўла мустақил бўлмаган корхоналарни аудит текширувларидан ўтказишга зарурат туғилмас эди. Чунки, уларни тафтиш қилишнинг ўзи етарли эди. Шунинг учун барча вазирлик, идораларда тафтиш бошқармалари фаолият юритарди. Улар хўжалик субъекти фаолиятини тафтиш қилаётганда, биринчи навбатда, камчиликларни аниқлаш, айбдорларни

жазолаш, юқори идора буюртмасига асосан берилган режаларнинг, фармойиш ва қарорларнинг топшириқ асосида бажарилишини, ижрочилик фаолиятини текширар, активларнинг бут сақланиши, хўжасизлик туфайли етказилган зарар ёки камчиликларни тузатиш чоралари бўйича йўл-йўриқлар бериш билан кифояланарди. Барча камчиликлар акс этган тафтиш натижалари ички ҳужжат бўлиб, юқори орган ёки идорага бериларди.

Давлат банки тизимида ҳам тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, барча Давлат банки бўлимлари йилда бир марта режа асосида тафтиш қилинар эди. Бундан ташқари, айрим масалалар бўйича кўзда тутилмаган тезкор текширувлар ташкил этиларди.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мислсиз тарихий ўзгариш - бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтади, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилади. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошкоралигини таъминлаш заруриятини туғдиради. Чунки, молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани - раҳбарлар, ходимлар, мижозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради. Ҳисоботлар бошқаларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин, мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Давлат эса, аудитнинг ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормоқда.

Бозор иқтисодиётида тижорат банклари молиявий-иқтисодий, ижтимоий мавқега, мамлакат иқтисодиёти истиқболини белгилашда ҳал этувчи аҳамиятга эга. Бу айниқса, ҳисоб юритиш ва ҳисоботларнинг ўзига хослигида, назоратга нисбатан талаб ва ёндашувларда, улар фаолиятини белгилашда, банк бизнесининг тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларидан сезиларли даражада фарқ қилишида ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистонда банк тизими шаклланиши давридаёқ банк аудитини халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда тижорат банклари авваломбор Марказий банк томонидан диққат билан назорат қилиб бориш объекти саналадики, бу Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Қонуннинг 50-моддасида айтилганидек, Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.[1]

Шунингдек, у банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Шу билан бирга, тижорат банклари фаолиятини текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва ўзи белгилаган аудиторлар томонидан амалга оширилади. Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига, шу жумладан, тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек, улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

Марказий банк мажбурий ҳисоботдорликдан фойдаланган ҳолда тижорат банки фаолиятининг натижаларини мунтазам таҳлил қилиб бориш имкониятига эга. Бордию банкларга юборилган таҳлил натижаларидаги кўрсатмалар бажарилмаса, айбдорга нисбатан муайян операцияларни амалга оширишни вақтинча тўхтатиш ёки лицензиясини бутунлай бекор қилишгача бўлган жазо чораларини кўриши мумкин. Бинобарин, қонунда Марказий банкка банкларга лицензия беришдан тортиб, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш устидан ҳам назорат ўрнатиш ҳуқуқи берилган. Шу билан бирга Марказий банк тижорат банкларига нисбатан турли муқобил таъсир ўтказиш учун бир қатор воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга. Шулардан кўриниб турибдики, Марказий банк тижорат банкининг фаолиятининг барча қирраларини назорат қилиб бориш, ўзи ўрнатган мажбурий муайян параметрлар ва уларга амал қилинишини назорат этиш имкониятига эга.

Маълумки, иқтисодиётнинг реал секторидаги корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва ҳисоботини ташкил этиш методологияси билан Молия вазирлиги шуғулланади. 2000 йил 1 сентябрдан кучга кирган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ «Банкларни аудиторлик

[1] Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрь

текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади» деб мустаҳкамланди ҳамда банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши кераклиги аниқ белгиланди. Шу билан бирга мазкур ҳужжатда банк аудити билан шуғулланадиган аудиторлик компаниялари ва аудиторларга лизенцияларни Марказий банк бериши белгиланган.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш» деб номланган VI-бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши айтилган. Қонуннинг 43-моддаси бутунлай аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади: «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, рискни ва ликвидлиликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт».[1]

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг ўз сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жиҳатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлилигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар рискини бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлилигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган.

Агар биз жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг тарихий ривожига назар солсак, банк ва улар мижозларининг кўп бор хонавайрон бўлганига гувоҳ бўламиз. Бу эса банклар фаолияти устидан Ўзбекистонда давлат назорати ўрнатилиши зарурлигини тушунишга олиб келди. Мисол учун, 1929-1933 йилларда рўй берган жаҳон

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни» VI боб.

иқтисодиёти инқирози АҚШ иқтисодиётига катта зарба берди. Бу ҳолни таҳлил этган «The Banker» журнали қуйидагича хулоса чиқарди: «Америка банк ташкилотининг қониқарсиз аҳволи ва уни кескин ўзгартириш зарурати шунда бўлдики, бу тизим тадбиркорлик ҳамжамиятига ҳам, алоҳида шахсга ҳам хизмат қила олсин. Инқироз қуйидагиларни ошкор этди:

1. Америка банклари ташкилотининг носоғлом табиати банкларнинг турли сабаблар билан хонавайрон бўлишига олиб келди.

2. Америка банк тизими иқтисодий инқироз ва стресслар пайтида жамият манфаатларини таъминлашга ноқобил бўлиб чиқди.

3. Федерал Резерв Тизими (ўша даврда, инқироз пайтида) пул бозорини назорат ҳам, мувофиқлаштира ҳам олмади.

АҚШнинг «буюк инқироз» йилларидаги аудит ва банк назорати таҳлили соҳадаги ишларни бутунлай қайта кўриб чиқишга олиб келди. Президент Ф.Рузвельт бошчилигидаги ҳукумат банк тизимини марказлаштириш сиёсатини юритди ва бу сиёсат мамлакатда банк назорати ва аудитини янги босқичга олиб чиқди. Кейинчалик депозитларни суғурталаш сиёсатининг кенгайиб бориши АҚШ молия тарихида банкларни Умумфедерал назорати остига олиш имконини берди.[1]

Умуман олганда, «буюк инқироз»дан кейинги йилларда ҳам молиявий бўҳронлар у ёки бу мамлакатда турли шаклларда юз бериб турди ва уларнинг таҳлили ҳамда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёни банклар устидан махсус давлат назоратининг ўрнатилиши ва кучайтирилишини тушунишга олиб келди. Бу соҳадаги тажрибаларни умумлаштириш, мувофиқлаштириш мақсадида 1975 йили Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тузилди. Ўзбекистон ҳам бу қўмитага 1995 йилда аъзо бўлиб кирган.

Банк назоратининг асосини банкларнинг ўзлари томонидан тайёрлаган молиявий ҳисобот шакли ёки аудиторлик фирмалари тасдиқлаган иш фаолиятининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади. Кўпгина халқаро меъёрий ҳужжатларда банк активлари ва пассивларини тўғри баҳолаш, улар фаолиятининг молиявий натижалари ҳаққоний баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

Банк ишининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги аниқ ахборотларнинг назорат органларига тақдим этилишига Банк на-

[1] Манба: И.А.Дьяконова. «Американский аудит в годы «великого кризиса». Бизнес и банки., 1999 г., ноябрь, ¹44.

зорати бўйича Базель қўмитаси банкнинг барқарор фаолият кўрсатишининг мажбурий шарти сифатида қарайди ва бу унинг «Самарали банк тизимининг асосий мезонлари» деб номланган ҳужжатида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистонда банк назоратини такомиллаштириш, тижорат банкларининг рисклари ва рентабеллиги даражаси, молиявий аҳволи ҳақида ҳаққоний ахборотлар билан таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар кўриб борилмоқда. Бунда 1996 йилда парламент томонидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 1997 йил март ойидан бошлаб тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоб варақлар режасига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Булар банклар ресурсларининг таркиби, уларнинг юридик тегишлилиги ва муддати, банк ресурсларининг турли даромадлилик бўйича жойлаштирилиши, тезлиги ва операциялар таваккалчилиги бўйича банк фаолиятига қизиқувчиларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини берди.

Бироқ энг мукаммал халқаро стандартлар ҳам тижорат банкларининг реал молиявий аҳволи ва молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар билан мос келмаслиги мумкин. Бу мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч қандай йўл-йўриқлар банклар ўз ҳисоби ва мижозлари топшириғи бўйича операцияларни амалга оширишда барча ностандарт ҳолларни акс эттиролмайди. Бундай пайтда банк назорати органлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича юқори малакали мутахассислар, мустақил аудиторлар томонидан бажариладиган текширувлар катта аҳамиятга эга.

Тижорат банкларида ўтказиладиган аудиторлик текширувлари сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ташқи аудит фаолиятини такомиллаштириш, аудиторлик фирмалари ўртасида эркин ва соғлом рақобат муносабатларини кучайтириш ҳамда аҳоли ва сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Айтиш мумкинки, мазкур фармон ижроси республикада банк аудитини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг амалий босқичини бошлаб берди.

Хусусан, республика тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва

улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида «Аудитни мувофиқлаштириш» бўлими ташкил этилди.

Фармон талабларига мувофиқ Марказий банк томонидан тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказишга қўядиган талаблари тўғрисида», «Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малака аттестациясидан ўтказиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида»ги Низомлари ишлаб чиқилди.

Фармондан кейин «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказиш учун сертификат бериш ва аудиторлар малакасини аттестациядан ўтказиш комиссияси» томонидан 1996 йил ноябрь-декабрь ойларида банк ва молия соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатиш ва аудит ўтказиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайдиган «Coopers & Lybrand», «Deloitte & Touche», «Artur Andersen», «Ernst & Young», «KPMG» халқаро аудиторлик консалтинг фирмаларига ҳамда «Ўзбанкаудит» акционерлик жамиятига республикамизда банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли сертификат (лицензия)лар берилди.

Фармоннинг 1-банди 3-хатбошисига асосан, республика ҳудудида фаолият юритувчи аудитор фирмалари ва аудиторларга тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи жами 6 та сертификат ҳамда 10 та малака сертификатлари берилди.

Мазкур аудиторлик фирмалари томонидан амалдаги қонунчиликка асосан республикада фаолият кўрсатиб келаётган 1999 йил 1 январь ҳолатига 31 та тижорат банклари гуруҳларга ажратилиб, ташқи аудит текшируви ўтказилиб, Марказий банк лицензиясини олган аудиторлик фирмаларига тақсимлаб берилди. Текширув якунлари бўйича баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар матбуотда эълон қилинди. Айтиш жоизки, 14 та тижорат банкида аудит текширувларини халқаро аудиторлик фирмалари ўтказди.

Марказий банк топшириғига мувофиқ мутахассислар томонидан банк аудитини ўтказиш бўйича тузиладиган шартномаларнинг

намунаси ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш учун Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда техник топшириқлар ишлаб чиқилди. Банк фаолияти ва ҳисоботи таҳлилига оид бу топшириқларда аудиторлар олдига аудиторлик текширишлари давомида келишилган муддатда (беш йилгача) таҳлилий обзор олиб бориш вазифаси қўйилди. Унда стандарт молиявий таҳлилда қўлланилган баланс ва балансдан ташқари позициялар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий кўрсаткичлар жамланган асосий молиявий кўрсаткичларни атрофлича ва ўсиш изчилликларини ёритиш талаб этилди.

Халқаро аудитдан ўтказиш банкларнинг молиявий ҳисоботи қанчалик халқаро андозаларга жавоб бериши ва уларнинг молиявий бозордаги рейтингини аниқлаш имконини берди. Ўз молия-хўжалик фаолиятини, хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андозалар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилаётган банкларни ўзларининг ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилиб боришга бўлган масъулиятини оширди.[1]

Жаҳон банкининг вакили Е.К.Ларсен Ўзбекистон банкларида халқаро стандартлар асосида биринчи марта ўтказилган аудит текширувлари ҳақида шундай хулоса билдиради: «Банк фаолиятини баҳолашда халқаро андозаларнинг қўлланилиши Ўзбекистоннинг молия соҳасини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди». Америка халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) вакили Терри Страуд банк тизимида ўтказилган бу тадбирга мана бундай баҳо беради: «Тақдим этилган хулосалар аудиторлик ҳисоботларининг Марказий банк ва Жаҳон банки мутахассислари томонидан халқаро андозалар асосида ишлаб чиқилган техник топшириқларига жавоб беради».

Бу зарур ва жиддий саъй-ҳаракатлар молия соҳасидаги суиистеъмолликларнинг олдини олиш ва банк тизимидаги рискларни имкон қадар қисқартиришга қаратилганини кўрсатади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг самарали тизими ва халқаро андозалар асосида аудит ўтказилиши тижорат банкларининг соғлом ва барқарор фаолият юритиши, бу жараённинг такомиллашиши тижорат банкларининг ривожланишида муҳим ўрин тутиши, мижозлари ва аҳоли билан муносабатларини рағ-

[1] Қаралсин: А.Эрдонаев. Аудит - банк фаолиятининг кўзгуси. Банк ахборотномаси. 1997 й., октябрь, ¹42.

2. Шу маънода.

батлантиришга, қолаверса, банкларнинг, умуман, банк тизимининг халқаро обрўсини оширишга олиб келади.

Банкларни биринчи марта халқаро аудитдан ўтказиш пайти ҳар бир банкда 3-4 кишилик мутахассислардан иборат гуруҳлар тузилди. Улар халқаро фирмалар аудиторлари билан бирга ишлаб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудит қилишнинг халқаро талабларини ўзлаштирди. Пировардида бу кейинчалик тижорат банкларида ички назорат ва аудит тизимини шакллантиришга замин яратди.

Марказий банк банк аудити соҳасидаги аудиторлик фаолияти ташкилотчиси сифатида ўтган йилларда банк аудитини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, ўтказилаётган аудит сифатини баҳолашга нисбатан ёндашувларни такомиллаштириш, банк аудити соҳасида лицензиялаш тартибини кучайтириш, аудиторларни аттестациядан ўтказиш механизмларини такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширди.

Марказий банк томонидан 1998 йил ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида банк аудити тўғрисида»ги низомда банк аудити аудиторлик фаолиятининг алоҳида бир тури сифатида эътироф этилган. Ҳужжатда банкнинг бир йиллик фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси шакли ва мазмунини Марказий банк белгилаб бериши таъкидланган. Бу йўл кўрсатувчи ҳужжатлар банк аудитининг устуворликларини, аудиторлик текширувлари таркибини аниқлаб беради.

Текширишлар сифати ва самарадорлиги аудиторлар ва аудиторлик компаниялари билан ички ва ташқи ўзаро муносабатларини йўналтириб берадиган аудиторлик стандартлари, яъни меъёр ва нормативлар тизимига боғлиқдир. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви, банклар фаолиятининг кенгайиши билан банк аудитини ўтказишнинг ягона стандартини жорий этишга талаб кучая боради. Агар банк аудити ривожланишига назар солсак, бундай методологик йўл-йўриқлар йилдан-йилга такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Марказий банк банк аудити стандартларининг ҳуқуқий мақомини таъминлаш учун қоидалар ишлаб чиқади ва уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Чунки Марказий банк инспекцион текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа, Марказий банк тижорат банкларининг фаолияти бўйича маълум ахборотларга эга

бўлади ва бу ахборотларни аудиторлар хулосаси билан таққослаб, аудиторлик фаолиятининг сифатини аниқлай олади.

Аудитор молиявий ҳисоботларга нисбатан ўз фикрини виждонан билдиришда масъулликка эга. Аудиторларнинг профессионал мустақил фикри молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ўртасида ҳисоботга нисбатан ҳам, қолаверса, аудиторлик фирмасига нисбатан ҳам ҳурмат уйғотади. Аммо бу ҳаққонийлик банкнинг келгусида соғлом фаолият юритиши учун кафолат бўла олмайди, чунки кредит ташкилотларининг операцияларини текшириш яхлит характерга эга бўлмай, балки танланган репрезентатив маълумотларга асосланилади. Бундан ташқари, баланс ҳаққонийлигини баҳолаш у ёки бу кредит ташкилотининг фаолиятини характерлайдиган жиҳатлардан бири холос. Шу боис, банкларни аудитдан ўтказишда бухгалтерлик ҳисоби юритиш ҳаққонийлигини аниқлаш билан бирга мавжуд қонунчиликка, Марказий банк низомларига ва банк операциялари ва бошқа операциялар, операция ишларини ташкил этиш, бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботларни тайёрлашда ўрнатилган талабларга риоя этилиши, банкларнинг ўз маблағлари ҳисоби тўғрилиги ва мажбурий нормативларни бажариши, тавакалчиликларни бошқариш сифати, банкнинг келгуси ҳисоботгача соғлом фаолият юрита олиш имконияти каби масалалар ҳам кўриб чиқилади ва хулоса талаб этилади.

Аудиторлик фирмаларига ва аудиторларга банкларда аудит ўтказиш учун Марказий банк томонидан бериладиган сертификатларни олиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларида аудит текширувларини Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талабларига мувофиқлаштириб, амалиётга янгича мазмунда жорий этиш мақсадида Жаҳон банки экспертлари иштирокида 1998 йилда мазкур меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Хусусан, Марказий банкда фаолият кўрсатган «Barents grupp LLC» консалтинг фирмаси маслаҳатчилари билан Марказий банк мутахассислари ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида»ги Низом, «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар», «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар» ишлаб чиқди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши тижорат банкларида ўтказилаётган ички ва ташқи аудит текширувларини Марказий банк томонидан тартибга солиш жараёнини анча яхшилади.

Марказий банк тижорат банкларида аудит текширувлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида хорижлик мутахассислар билан биргаликда ташқи аудит текширувларини ўтказишга оид меъёрларни, уларни такомиллаштириш чораларини кўриб бормоқда.

Аудит текширувларини халқаро андозалар даражасида ташкил этиш мақсадида Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида» 1998 йил 4 июлдаги 403-сонли Низомига 1999 йил 18 сентябрда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган низомлар асосида Марказий банкда аудиторларга сертификатлар бериш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш бўйича тузилган комиссия томонидан 4 та нуфузли халқаро аудиторлик фирмалари - Artur Andersen ltd., Ernst & Yong, PriceWaterhouseCoopers, KPMG ва 3 та маҳаллий Холис Гуруҳ, Одил-аудит, Ўзбанкаудит аудиторлик фирмаларига банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда уларнинг 18 та аудиторига малака сертификатлари берилди.

Аудиторлик фирмаларининг банклардаги аудит текширувлари бўйича тақдим этган хулосалари Марказий банк томонидан таҳлил қилиниб, аудит текшируви хулосаларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, тижорат банклари фаолиятини кучайтиришга доир тавсияномаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан аудиторларга:

- аудиторлик тузатмаларининг ҳаммасини бошқармалар миқёсида ва бухгалтерия даврига мос равишда бош китобларга қайд этилишига кўмаклашиш;
- банк раҳбариятига бухгалтерия ҳисобидаги ва ички назорат тизимидаги барча моддий ноаниқликлар, банк фаолиятидаги бошқа камчиликлар, банк молиявий аҳволи бўйича ва энг муҳим масалаларни баён этилган хат тайёрлаб беришлари, шунингдек, банк муаммолари ва уларни бартараф этиш, аниқланган камчиликлар, банк фаолиятидаги рискларни баҳолаш бўйича хат тайёрлаш лозимлиги;
- аудиторлик хулосасида аудитнинг Халқаро аудиторлик стандартлари ва МҲХС талаблари даражасида ўтказилганини аниқ кўрсатиш лозимлиги белгиланди.

Тижорат банклари Кенгаши ва Бошқаруви раисларига аниқ мажбуриятлар юкланди. Жумладан, талабларда шундай дейилади:

«Банк Кенгаши тижорат банки аудиторлик ҳисоботини олган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида аудиторлар томонидан аниқланган ички назоратга доир камчиликларни бартараф этиш ва тавсияларни бажаришга қаратилган чоралар юзасидан Марказий банкка ҳисобот бериши лозим».

Айни пайтда, Марказий банк томонидан банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида республикада фаолият кўрсатаётган бошқа аудиторлик фирмаларини банкларда аудит ўтказиш жараёнига жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Аудиторларнинг молиявий ҳисоботлардаги таҳлилий қисмида аудиторларнинг банк раҳбарлари ва асосий акциядорлари ҳалоллигини тасдиқловчи хулосалар ҳам бўлиши керак. Чунки раҳбарларнинг хатти-ҳаракати билан ҳам банк молиявий натижаларига таъсир кўрсатиш мумкин. Яна шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон банкларида банк таваккалчиликлари бўйича юзага келадиган йўқотишларни қоплаш захираси таркиби халқаро стандартларга мос эмас. Масалан, фоиз ва операция рискларини, шунингдек, дебиторлик қарзларини қоплаш, айниқса, ҳисоб берувчи шахсларнинг ва корхоналар акцияларига қўйилган, ҳамкорлик қилиш назарда тутилган узоқ муддатли қўйилмалар учун захиралар яратиш мажбурий эмас. Бундан ташқари, тижорат банклари банк рискларининг реал ҳажмига муқобил келувчи захиралар яратишдан манфаатдор эмас, чунки захиралар умумий суммасига нисбатан фойда камаяди. Натижада солиқ идоралари фойда солиғини аниқлашда ташкил этилган захираларнинг умумий суммасидан фақат тан олинган қисмини олиб ташлайдилар.

Аудиторлик фирмалари банк ички назорат ва ички аудит бўлинмалари билан қалин ҳамкорлик қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий банкнинг тижорат банкларида ички назорат ва аудитни ташкил этишга оид тавсия ва низомларида бўлинмаларнинг аудиторлик фирмалари билан алоқасига унчалик эътибор берилмаган. Гарчи аудиторлик фирмаларига ўзларига керакли маълумотларни талаб қилиб олиши ва уларнинг тақдим этилиши мажбурийлиги айтилган бўлса-да, аудиторлик фирмаларига улардан йил давомида қилинган ишлар бўйича ҳисобот талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу ҳисоботлар билан танишув ички аудит тизимининг фаолиятига реал баҳо беришни таъминлайди ва йиллик аудит текширувларини ўтказишда катта ёрдлам беради.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг «Самарали банк назоратининг асосий принциплари» 14-бандида «банк назорати органлари банкларнинг ички назорат фаолияти кўлами ва характери учун етарли бўлган воситаларга эга бўлишини аниқлаши керак» дейилади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти шаклланиши ва ривожланиш йўлларига назар солар эканмиз, Марказий банк ва аудиторларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан банк аудити тизими яратилгани, бугунги кунда бу аудиторлар малакали бухгалтерлар ва иқтисодчилар бўлиб, мамлакат банк тизимининг соғлом фаолият юритишида катта роль ўйнаётгани, Ўзбекистонда банк аудити мактаби шаклланиб ва тобора такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўламиз.

§6.2. Ички ва ташқи аудит ўтказишнинг банк назоратидаги ўрни

Банк тизимидаги ислоҳотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Дунё банкчилик тажрибасининг кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички ва ташқи аудитдан кутилган асосий мақсад илгарироқ таъкидлаганидек, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, назорат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудиторлар фаолияти характерига боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимини баҳолаш банкнинг актив ва пассивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаётган банкнинг тақдим этган ҳисоботи ва балансларини ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан таклиф этилган, мустақил аудиторлик фирма-

лари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларга, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларга мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характерга, мазмунга эга бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларга кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришга хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндигина вужудга келаётган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қуроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларга юзага чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ички аудит натижаларидан банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, риск омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Ички аудит жараёнида топшириқларнинг бажарилиши турлитуман бўлиб, унинг мақсади ва ташкилот фаолияти характерига боғлиқдир. Қўйилган вазифаларни ҳар хил мезонларга суянган ҳолда турли йўллар, ҳар хил теранлик ва деталлар билан ечиш мумкин. Бунда стандартлар катта ўрин тутади.

Давлат аппарати ривожланган мамлакатларда аудит муаммоларига, жумладан, ички аудитга катта эътибор берилади. Шу ўринда назорат қилиш юқори институтларининг халқаро ташкилоти (The International Organization of Supreme Audit Institutions, INTOSA) бўлиб, унга АҚШ, Англия, Япония каби ўнлаб мамлакатлар аъзодир. Халқаро ички аудиторлар институти (The Institution of Internal Auditors, IIA) ҳам мавжуд. Бу йўналишда ҳукуматнинг махсус

ташкилотлари иш олиб боради. Масалан, АҚШда (General Accounting Offis). Бу каби идораларнинг ҳар бирида аудит стандартларини ишлаб чиқадиган махсус бўлинмалар мавжуд. Бу стандартлардан кутилган мақсад ички аудитнинг аҳамияти ва масъулиятини тушунтириш, ички аудит бўйича бошқарув учун асослар яратиш ва ишларни меъёрлаштириш, ички аудитни ўтказиш тажрибасини такомиллаштиришдан иборат. Стандартларнинг асосий принципларига мустақиллик ва объективлик, профессионаллик, иш ҳажми, аудиторлик топшириғини бажариш, ички аудит бўлимини бошқариш киради. Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги ва 2000 йил 25 ноябрдаги «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низомларида белгилаб берилган. Ана шу асосда ҳар бир тижорат банкида мустақил ички аудит хизмати ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини Марказий банк талаблари даражасида ташкил этганлар.

Молиявий ҳисоботларни аудит қилишдан мақсад операциялар бухгалтерия ҳисоби талабларига риоя этилган ҳолда бажарилган ёки бажарилмагани хусусида аудитор фикрини олишдан иборат. Ўзбекистон, умуман кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат бу Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидир.

Авваломбор, аудиторлик стандартларини аудиторлик процедуралари билан чалкаштирмаслик керак. Стандартлар аудиторлик фаолияти сифатини аниқлаб беради. Улар аудиторлик текширувлари вақти, шароитига қараб ўзгармайди. Процедуралар эса турли мураккабликлар, шароитга қараб ўзгариши мумкин. Шу боис аудиторлик ҳисоботларида умумтомонидан қабул қилинган аудиторлик процедураларига эмас, балки аудиторлик стандартларига мос равишда тайёрланган деб кўрсатилади.

Умум томонидан қабул қилинган стандартлар уч қисмдан, яъни хатти-ҳаракатлар этикаси, мустақиллик ва профессионализмдан иборат бўлади. Аудиторлар ўз вазифаларини бажариш чоғида юксак малака ва ахлоқий сифатларини намоён этишлари зарур. Аудиторлар ўзларига жамият манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш мажбуриятини олган экан, бинобарин бу ишончни оқламоғи, катта малакага эгалигини кўрсатишлари, ишни ҳалол бажаришлари

шарт. Акс ҳолда аудиторлик фирмасига нисбатан ишонч йўқолади. Аудиторлар ўз ишларини бажариш, умум томонидан қабул қилинган стандартларга мос равишда ҳаракат қилиш чоғида албатта манфаатлар тўқнашувига дуч келадилар ва бундай пайтда муаммога объектив ва холис баҳо беришлари лозим.

Аудитор текширилаётган банк билан молиявий (банк бошқарувига аъзо бўлиши, кредит олувчи, инвестор, банк хизматидан фойдаланувчи бўлмаслиги) жиҳатдан ҳеч қандай алоқада бўлмаслиги зарур. Бундан ташқари, аудитор аудиторлик текширувларини ўз манфаатлари йўлида ташкил этмаслиги шарт. Аудиторлар ана шундагина ўз вазифасини ҳалол ва объектив бажариш имконига эга бўладилар. Бунинг устига аудиторлар мижози тўғрисидаги ахборотларни унинг розилигисиз ҳеч кимга бермасликлари шарт.

Аудиторлар ўзларига мижознинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини фош этиш мажбуриятини олмайдилар. Бундай ахборотни аудитор учинчи томонга фақат мижозининг розилиги ёки қонунда белгиланган тартибда бериши мумкин. Борди-ю мижоз аудиторни профессионал вазифасини бажариш чоғида атай ва ноқонуний равишда бажаришга даъват этса, мижоз аудиторлар томонидан тайёрланган ҳисоботларнинг қоралама нусхасини ёки аудиторга ҳеч қандай масъулият юкланмаган сохта ахборотларни, йиллик ҳисоботларни тарқатса, бу ҳолни фош этиш мажбуриятига эга бўлади. Шуниси ҳам борки, аудитор аниқланган камчиликларни тўғрилаш имкони бўла туриб, уни айтмаса, бу ҳол аудиторнинг хатти-ҳаракатини оқлашга сабаб бўлмайди. Баъзи ўринларда бундай хатти-ҳаракат иштирокчи сифатида баҳоланади. Аудитор томонидан аудиторлик стандартларига мувофиқ тайёрланган, ноқонуний операциялар акс этган ҳисоботларни қабул қилмаса, аудиторлик ташкилоти мижоз билан алоқаларни узиб, унинг сабабларини Банк кенгашига маълум қилиши шарт. Бу аудитор томонидан ахборотни фош этиш деб баҳоланмайди.

Аудитор иш стандартлари, режалаштиришдан тортиб то хулоса берилгунга қадар бўлган аудиторлик процедуралари устидан ўрнатиладиган назорат аудиторлик текширувлари сифатини белгиловчи умумий мезондир. Банк аудити назариячиларининг фикрига кўра, иш стандартларига қараб, аудиторнинг профессионал маҳоратини билиш мумкин.

Аудиторлар ишни пухта режалаштиришлари, танлаб олинган операциялар бўйича кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари учун

банкда молиявий йил якунланмасдан туриб, ишга киришишлари лозим. Оралиқ вақтда дастлабки таҳлилий маълумотлар тайёрланади, ички назоратнинг самарадорлиги бўйича илк хулосага келинади ва ҳисоб варақлардаги қолдиқлар текшириб чиқилади. Бунинг устига оралиқ вақтдаги ўрганишлар аудиторларга йиллик текширувларнинг самарали дастурини танлаб олишига имкон беради. Шундай қилиб, аудиторлик текширувлари фақатгина тегишли усул ва стандартларни иш фаолияти давомида қўллаш эмас, балки ҳисоботлар бўйича холис, мустақил фикр-мулоҳаза билдириш ҳамдир.

Аудиторлик хулосаси тўрт хил бўлади:

Изоҳсиз (ижобий) фикр - банк молиявий ҳисоботи барча жиҳатлари билан Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган.

Изоҳли фикр - айрим сабаблар изоҳли фикр билдиришга таъсир кўрсатса-да, молиявий ҳисобот Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилган. Аудитор бу сабабларни кўрсатади ва уларнинг молиявий ҳисоботларга кўрсатган таъсирини изоҳлаб беради.

Ёмон фикр - молиявий ҳисоботлар Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мос равишда ҳаққоний тақдим этилмаганда билдирилади. Аудитор бу ҳолда ўзининг барча ёмон фикрлари сабабларини кўрсатиши шарт.

Фикр билдиришдан воз кечиш - бу ҳолда аудитор молиявий ҳисоботга фикр билдириш учун аудитни етарлича тўла ҳажмда амалга оширмаган бўлади. Бу ҳолда аудитор аудитнинг нега халқаро стандартларга мувофиқ келмаслиги сабабларини кўрсатиши талаб этилади.

Молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигида аудитор фақат ўз фикри учун масъулдир. Банк раҳбарияти эса, аудиторлик текширувларига тортилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, китоб ва қайдларнинг юритилиши учун масъулдир.

Тажрибада аудиторлар ва бухгалтерлар молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига берилган кафолат даражасига қараб, турлича хулосалар бериши мумкин. Энг ишончли кафолатларни стандарт ижобий ҳисоботлар бера олади. Стандарт ижобий ҳисоботлар шаклидаги ҳар хил ўзгаришлар пухта кафолатни таъминлай олмайди. Бундай ўзгаришлар Жек К.Робертсоннинг «Аудит» китобида айтилишича, чекланган, ўзгарган ва изоҳли аудиторлик стандартлари дейилади.

Ҳисоботлар ҳаққонийлигига кафолат бўлмаса, бу хулоса беришдан воз кечишни англатади. Бундай ҳолларда аудитор молиявий ҳисоботлар ҳақида бирор хулосага келмаганини тасдиқлайди.

Аудиторлик текширувлари мақбул харажатлар билан, ўз вақтида ўтказилиши керак. Бу вақт ва молиявий чегаралар текшириш жараёнида муайян аҳамият касб этса-да, аудиторлик ҳисоботларида иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳисоботлар етарлича ишончли бўлган ахборотларга таянгани билан сифат ва сон жиҳатдан ахборотларни олиш вақти ва маблағига қарамай, мутлақо айрича баҳоланади. Ҳисоботлар тузилиш пайтида етарлича ахборот тўпланмаса, хулоса ижобий баҳоланиши мумкин эмас. Одатда, аудиторлар молиявий ҳисоботлар ҳақида хулоса чиқараётганда салбий хулоса бериши мумкин эмас, чунки уларнинг асл мақсади – банкнинг операциялари натижаси ва молиявий ҳолатини кўрсатишдан иборат.

Стандарт ижобий хулоса уч таркибий қисмдан иборат бўлади: 1) кириш қисми; 2) асосий қисм; 3) аудиторлик хулосаси.

Кириш қисмда аудиторлик текширувлари аниқ молиявий ҳисоботлар бўйича ўтказилгани кўрсатилади. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларга ахборотларни тайёрлашда текширилаётган банк раҳбариятининг ва аудиторлик хулосаси мазмуни учун аудиторнинг масъулияти қайд этилади. Бу қисм текшириш сифати ва кўламини аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Асосий қисмда аудиторлар нафақат ўз хулосаларини, балки ўз ишининг мазмунини ҳам баён этади. Аудиторлик текширувлари давомида аудитор томонидан олиб борилган ишлар характери ҳақида маълумот берилади. Ҳисоботнинг бу қисми сифат ва текшириш кўламини очишда жуда муҳим.

Асосий қисмда текширув давомида умумий иш стандартларига риоя этилгани, жумладан, а) аудиторлар тегишли тайёргарлик ва малакага эга эканлиги; б) аудиторлар мустақиллиги; в) текширув юксак малака даражасида бажарилгани; г) текширув олдиндан режалаштирилган ва уни ўтказиш назоратга олингани; д) ички назорат ва аудит яхши ўрганилгани ва баҳолангани; е) ишончли ахборотлар етарли миқдорда олингани айтиб ўтилади. Борди-ю текшириш давомида бир ёки бир нечта стандартларга риоя этилмаган бўлса, асосий қисмга қайси стандартга риоя этилмаганлиги кўрсатилади. Чунки бу ҳол холисликка путур етказиши, ахборотнинг ишончли эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тажрибаларнинг

кўрсатишича, аудиторлар баъзи ҳолларда, дейлик асосий қисм чегараланган бўлса, стандарт шаклларга ўзгартиришлар киритадилар.

Асосий қисмда аудиторлик текширувларининг ўзи ҳақида умум томонидан қабул қилинган аудиторлик стандартларига суянган ҳолда асосий характеристикалар берилади. Шунингдек, аудиторлар банк раҳбарияти томонидан қўлланилаётган бухгалтерия принциплари ва тақдим этилган барча молиявий ҳисоботларга умумий баҳо берадилар. Асосий қисм текшириш давомида молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса бериш учун етарлича ишончли ахборот олингани ҳақидаги асосли фикр билан тугатилади.

Шу ўринда бухгалтерия ҳисоби хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Бухгалтерия ҳисоби - бу иқтисодий ахборотлардан фойдаланувчиларга таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишга имкон берувчи аниқлаш ҳамда ўлчаш жараёнидир. Бухгалтерия ҳисобидан банк менежерлари, бошқарув кенгаши, акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар, Марказий банк ва банк хизматчилари фойдаланадилар. Бинобарин, бухгалтерлар операциялар натижаларини аниқ ва пухта ёзиб боришлари зарур. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ундан фойдаланувчилар учун тушунарли, ссуда бериш ёки бермаслик бўйича қарор қабул қилинаётганда долзарб, хатолардан ҳоли, яъни ҳаққоний, активлардаги суммаларни аниқлаш усуллари бошқа банклар фойдаланадиган усуллар билан бир хиллиги таққосланадиган даражада бўлиши лозим.

Операцияларни амалга оширишда эътибор уларнинг шунчаки юридик жиҳатдан тўғри бўлишига қаратилмаслиги, балки уларнинг иқтисодий реаллиги ва мазмуни ҳам бир-бирига мос келиши қайд этилиши керак. Чунки операциялар мазмуни амалда ҳар доим ҳам юридик шакли билан мувофиқ келавермайди.

Аудиторлик хулосасида аудиторнинг молиявий ҳисобот ҳақидаги фикри акс этади. Бундан ташқари, бу стандартларга жорий даврда ҳам аввалги даврдагидек стандартларга риоя қилинган-қилинмагани, маълум бўлган ахборотларнинг молиявий ҳисоботларга тўғри келиш-келмаслиги, молиявий ҳисоботлар ҳақида яхлит хулосага келгани ёки келмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати, бугунги кунда, айтиш мумкинки, тижорат банки ва унинг барча филиаллари ва бошқа таркибий тузилмалари

фаолиятини аудитдан ўтказиш орқали Банк кенгашига банк фаолияти истиқболлари ва мақсадларига эришишда ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Аудит хизмати мустақил таркибий тузилма бўлгани билан ўз фаолиятини банкнинг бошқа мустақил бошқармалари билан ҳамкорликда олиб боради. Аудит хизмати бевосита Банк кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига бўйсунади. Аудит хизматининг таркибий тузилиши ва штат бирлигини ҳам Банк Кенгаши тасдиқлайди.

Бош аудитор (аудит хизмати раҳбари) Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва ўз лавозимидан озод этилади. Аудит хизматининг бошқа ходимлари Банк кенгаши раиси томонидан бош аудитор тавсиясига асосан тасдиқланади. Аудит хизмати Банк кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига эга бўлади. Харажатлар сметаси ҳар йили бош аудитор томонидан ишлаб чиқилади ва Банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Фақат Банк кенгаши аудит хизматининг харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш мутлақ ҳуқуқига эга. Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари Банк кенгаши томонидан ўрнатилади.

Саволлар:

1. Банк назоратини такомиллаштиришда банк аудитининг зарурияти.
2. Банк назоратида банк аудитининг аҳамияти.
3. Ўзбекистонда банк аудитининг ташкил этилиши.
4. Ўзбекистонда банклар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари.
5. Ўзбекистонда банк аудитининг ҳуқуқий асослари.
6. Ташқи аудит текширувининг жорий қилиниши.
7. Банк аудитини ўтказишда ички аудитнинг аҳамияти.
8. Банк аудитини ташкил этишда ички аудитнинг зарурлиги.
9. Аудит хулосаси ва унинг таркибий тузилиши.
10. Аудит хулосасининг банк фаолиятига таъсири.

VII боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида жаҳон тенденциясини Ўзбекистон банк тизими амалиёти ҳам ўзида акс эттирган. Бунда республика иқтисодиётини қайта қуришда Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан биргаликда 1997 йилдан бошлаб молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича қарз лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган банк назоратини мукаммаллаштириш лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд қилинган лойиҳа доирасида «Барентс групп» маслаҳатчилари иштирокида банк назорати хизмати таркиби мукаммаллаштирилиб, 20 дан зиёд банк меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар заминига Базель қўмитасининг 1997 йилда қабул қилинган 25 та «Пруденциал назоратнинг асосий тамойиллари» киритилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

- самарали банк назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар;
- лицензиялаш ва мулк таркиби;
- пруденциал талаблар ва тартибга солиш;
- банкларни жорий тартибга солиш услуби;
- маълумотларни тақдим этиш бўйича талаблар;
- назорат қилувчи бўлинма ваколатлари;
- халқаро банк амалиётлари.

Базель тамойилларининг Ўзбекистон Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда қай тарзда ўз аксини топганлигини яқиндан кўриб чиқамиз.

Самарали банк назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар (биринчи тамойил) базаси хусусида олдинги бобларда таъкидланган бўлсада, қайта уларга мурожаат этиб, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар билан Марказий банк ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бунда асосий вазифалардан бири сифатида банк назоратини амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Марказий банк ўзининг ваколати доирасида, шу жумладан банк фаолиятини тартибга солишни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мустақил эканлиги қонунда эътироф этилган. 2000 йил 21 мартдаги

«Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида республика тижорат банклари фаолияти устидан назорат фақат Марказий банк томонидан амалга оширилиши аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу Фармонда ҳар хил ташкилотлар, шу жумладан, маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва банк раҳбарияти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган банк фаолиятига аралашишига йўл қўймаслик алоҳида таъкидланган.

Бу йўналишда кўрилган чоралар олдинги бобларда таъкидланганидек, банк фаолиятини назорат қилиш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратди ҳамда Базель қўмитаси томонидан белгилаб берилган молиявий барқарорликнинг таркибий элементларидан бири бўлган самарали бозор интизоми билан таъминлашга ёрдам берди.

Базель қўмитаси томонидан қисман бўлса ҳам банк фаолиятини амалга оширадиган ташкилотларни лицензиялашга алоҳида талаблар қўйилганки ушбулар 2-5 тамойиллари, яъни лицензиялаш ва мулк таркиби деб аталган тамойилларда батафсил тўхталади. Лицензиялаш қоидаси назорат услублари тамойили каби, хонавайрон бўладиган банклар сонини ва омонатчилар зарарларини максимал чеклашга йўналтирилган бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида банк соҳасига киришни тўсиб қўймасдан, ундаги рақобат ва самарага таъсир этмаган ҳолда амал қилиши керак.

Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у бошқа МДҲ давлатларига қараганда, кўп бўлмаган банклар сонини ўзида мужассамлаштирган. Бу ҳолат Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш низоми томонидан белгилаб берилган асосий талаблар асосида, қаттиқ позицияга эга эканлиги билан изоҳланишини биз олдинги бобларда таъкидлаган эдик. Мазкур низомга мувофиқ, тижорат банкларини лицензиялаш жараёни икки босқичдан иборат. Биринчи босқичда Марказий банк томонидан таъсисчиларнинг молиявий имкониятлари ва репутацияси сифат жиҳатдан баҳоланади, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг малакавий сифатлари, капитал таркиби, молиявий режа ва тегишли банк биноси ва асбоб - ускуналар билан таъминлаш имконияти ўрганилади, бизнес-режа таҳлил килинади. Тақдим этилган маълумот бўйича ижобий баҳо берилганда, Марказий банк томонидан банк ташкил этишга бирламчи рухсат

берилади ва шу асосда таъсисчилар 6 ой муддат ичида лицензия олишга ва банкни рўйхатдан ўтказишга зарур бўлган ташкилий-техник чора-тадбирлар ва бошқа белгиланган талабларни бажариш масъулиятини оладилар.

Лицензиялаш масаласида Базель қўмитаси таклиф этилаётган раҳбариятнинг, шу жумладан, банк кенгаши аъзоларининг билим даражасини, тажрибасини ва малакасини лицензия берувчи ташкилот томонидан баҳоланишига алоҳида эътибор беради. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида бирламчи рухсат олишда, шундан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини ташкил этишга лицензия олишда, асосий мезонлардан бири сифатида банк таъсисчилари обрў-эътибори кўрсатилган. Юқорида қайд қилинган лицензиялаш низомида раҳбарият обрў-эътиборини аниқлаш мезонлари ва бошқа бир қанча банк раҳбарлари ва йирик акциядорларга таллуқли банкни ишончли ва пруденциал бошқарувини таъминловчи сифат мезонлари белгилаб берилган.

Лицензиялашдаги талабчанлик Марказий банкка тижорат банклари фаолияти устидан кейинги назоратни самарали ўтказилишини таъминлашга имкон яратади.

Банк фаолиятини лицензиялашга қўшимча равишда Марказий банк банклар мулки таркибига аниқ бир талаблар белгилаб бериб, акциядорлар ўртасида акциялар ҳаракатига чекловлар қўйган. Юқорида қайд қилинган банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш низомига мувофиқ, бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши умумий устав капитали ҳажмининг 7 фоизидан ошмаслиги лозим (хусусий ва хорижий капитал иштирокидаги банклардан ташқари). Бундан ташқари, бир ёки бир неча битим натижасида бир ёки бир неча ўзаро келишув билан боғлиқ бўлган ёки бир-бирини мулкини назорат қилувчи шахслар томонидан банкнинг 5 фоиздан зиёд акцияларини сотиб олиш жараёнида, Марказий банкни хабардор қилиш мажбурийдир.

Пруденциал талаблар ва тартибга солиш (тамойил 6-15) тамойиллари Базель қўмитасининг банк назорати бўйича талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мавжуд бўлган хавф-хатарни камайтириш ҳамда банкларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида, олдинги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, мажбурий иқтисодий нормативлар - кўрсаткичлар тизими жорий этилиб, бу кўрсаткичлар доирасида капитал ва маж-

бурият ҳажми, қарздор турига қараб, тижорат банклари ўзининг актив амалиётларини, шу жумладан кредит амалиётларини, қимматбаҳо қоғозлар олиб-сотиш амалиётларни ўтказишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий кўрсаткичлар тизими Базель тамойилларининг 4-бўлимида кўрсатиб ўтилган асосий риск турлари устидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишни таъминлашга қаратилган. Ушбу тизим 13 та кўрсаткичдан иборат бўлиб, хусусан ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган: капитал етарлилиги даражаси, бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорларга максимал риск ҳажми, йирик кредит риск ҳажми, ликвидлиликка талаблар, қимматли қоғозлар билан амалиётларга талаблар ва ҳоказо.

Базель қўмитасининг 6-тамойилига мувофиқ, банк назорати органи банк олган рискка мувофиқ бўлган минимал капитал ҳажмини ҳамда юзага келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда аниқ капитал таркибини белгилаб бериши лозим. Ушбу талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель қўмитаси томонидан 1988 йилда қабул қилинган «Капитални ўлчаш ва унга бўлган талаблар ҳақида халқаро келишуви» асосида тижорат банклари капитали етарлилигига талаблар низомини ишлаб чиқиб, унда капитални етарлилик даражаси аниқ бир банк фаолиятидаги риск даражаси тавсифидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган, умумий капиталнинг асосий элементлари ва мезонлари белгилаб берилган ва у биринчи ҳамда иккинчи даражали капиталдан иборатлигини олдинги бобларда таъкидлаб ўтган эдик.

Капитални етарлилик меъёри асосида банк фаолиятининг бошқа кўпгина кўрсаткичлари тузилганлигини инобатга олиб, унга алоҳида эътибор берилган. Капитал ҳажми нафақат амалиёт ўтказиш масштаби, балки уларнинг хилма-хиллиги билан, демак маблағлардан турли йўналишда фойдаланиш имконияти билан ҳам боғлиқ.

Умумий капиталнинг минимал рухсат этилган етарлилик даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 10%, биринчи даражали капитал эса 5% микдорида белгиланган. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш шароитларини инобатга олган ҳолда, бу меъёрлар капиталнинг етарлилиги бўйича Базель қўмитаси андозасига мос равишда 8% ва 4% ни ташкил этган кўрсаткичларга нисбатан кучайтирилган эди. Бунда, агарда баъзи бир банкларда хавфсиз ва ишончли бўлмаган банк фаолиятини юзага келишига олиб келиши

мумкин бўлган омиллар пайдо бўлганда, Марказий банк томонидан мазкур банкка нисбатан энг кам белгиланган регулятив капитал ҳажмини ошириш талаби қўйилиши мумкин.

Кредит рисклилигини бошқаришга тегишли бўлган пруденциал меъёрларга тўхталадиган бўлсак, Базель қўмитасининг 7- тамойилида таъкидлаб ўтилганидек, кредит бериш ва инвестиция қилиш ҳар бир банкда банк кенгаши томонидан қабул қилинган пруденциал андозалар асосида объектив ва рационал усул билан амалга оширилиши лозим. Базель тамойилининг ушбу ҳолати «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган бўлиб, бунда республика банкларининг банк, шу жумладан, кредитлаш амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақил эканлиги кўрсатилган.

Европа иттифоқининг амалдаги банк амалиёти билан мос келтириш мақсадида Марказий банк бир қарздорга максимал риск даражаси ҳажми меъёрини биринчи даражали капиталга нисбатан 25% дан 15% га тушириб, барча йирик кредитлар учун биринчи даражали капиталга нисбатан 8 баравар миқдорида максимал риск даражасини белгилаб берди. Бундан ташқари кредит рисклилигини аниқроқ ҳисобини юритиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида бир қарздор тушунчаси «ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи» - ягона риск омили билан бирлашган алоҳида қарздорлар тушунчаси билан тўлдирилган эди. Марказий банкнинг тааллуқли низомларида ўзаро алоқадор қарздорларни белгиловчи аниқ мезонлари берилган бўлиб, уларга нисбатан ҳам бир қарздорга ўрнатилган меъёрий талаблар ҳам қўйилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу низомда келтирилган максимал риск меъёри ва ягона риск омилини белгилаб беришга қаратилган мезонлар аниқланиши Базель қўмитасининг рисклар концепцияси чегарасига нисбатан талабларига тўлиқ мос келтирилган. Ўрнатилган талаблар концентрациялаш ва йирик кредитларни тўпланишини чегаралашга ёрдам беради ва шу орқали банкнинг омонатчилари ва кредиторларини қўйилмаларини нисбатан катта миқдордаги ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўртасида диверсификациялаш орқали ҳимояланишини таъминлайди.

Кредит рисклилигини бошқариш сифатини ошириш энг асосий талаби банк билан алоқадор бўлган шахслар билан банкка алоқадор бўлмаган шахсларга нисбатан имтиёзли шартлар асосида битимлар тузилишига йўл қўймасликдан иборат бўлган алоқадор шахслар

билан банк томонидан амалга оширадиган амалиётлар тартиби тўғрисида низомни қабул қилиниши билан боғлиқдир. Қабул қилинган ҳужжатда «банк билан алоқадор шахслар», «ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи» каби тушунчаларга аниқ таърифлар берилган ҳамда банк билан боғлиқ бўлган шахсга кредит миқдори белгилаб берилган.

Ушбу ҳужжат Базель қўмитаси томонидан алоҳида аҳамият бериладиган, яъни Марказий банк билан қарздор ўртасида алоқа мавжудлиги ҳақида ўз фикрини билдириш имконини беради. Бу ваколатлар банк ва у билан алоқадор томонлар мавжуд алоқаларни беркитишга ҳаракат қилишганда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур риск омилларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда банк фаолиятини амалга оширишни манфаатлар тўқнашувини минималлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан биринчи даражали регулятив капиталнинг 15% дан ошмаган ҳолда алоқадор шахсга кредит бўйича максимал риск жами шу шахсларга берилган кредитлар йиғиндиси биринчи даражали регулятив капиталнинг 100 %дан ошмаган ҳолда белгиланган. Бундан ташқари, Базель қўмитасининг 10- тамойили талабларига тўлиқ мос келиш мақсадида, банкка алоқадар шахслар билан амалиёт ўтказиш тартиби, ҳисобот шакллари ва бундай амалиётлар бўйича маълумотларни банклар томонидан тақдим этиш тартиби мукаммаллаштирилди.

Ликвидликни бошқаришга талаблар Низомини қабул қилиниши банкнинг ликвидлигини баҳолаш ва таъминлашга сифат жиҳатдан янгича ёндашишни юзага келтирди. Бу ёндашув эгилувчанлиги, яхлитлиги билан ажралиб, ликвидликни бошқаришни барча йўналишларни деталлашган ҳолда, шу жумладан, режалаштириш ва мониторингни ҳам қамраб олган. Банклар ўз фаолиятини, шу жумладан, жорий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш мақсадида маблағларни тез жалб қилиш имкониятига эга эканлиги аҳамиятини инобатга олиб, Низомда банкнинг жорий аҳволини аниқловчи сезгир индикатор сифатида жорий ликвидлик меъёри белгиланган. Ушбу меъёр ликвидли активлар миқдорини талаб қилиб олгунга қадар ҳамда ижро муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларга нисбатан 30% даражасида ушлаб туриш талабини белгилаб беради.

Банкнинг инвестиция фаолиятини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари фаолиятини тартибга солувчи Низом тўлиқ қайта кўриб чиқилди.

Ушбу Низом банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари фаолиятининг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олган. Унда андеррайтинг, дилинг ва брокер операциялари бўйича рискларни чекловчи талаблар қўйилган. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи банклар учун ижро этиши лозим бўлган сифат ва миқдор жиҳатдан параметрлар белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатни қабул қилиниши банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларни тартибга солишда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишига имконият яратди.

Марказий банк томонидан омонатчилар ва кредиторлар маблағларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари бўйича қуйидаги пруденциал меъёрлар ўрнатилди:

— бир корхона устав капиталига банк қўйилмаси миқдори биринчи даражали регулятив капиталнинг 15% дан ошмаслиги лозим;

— жами эмитентларнинг устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга банк томонидан қилинган инвестициялар биринчи даражали регулятив капиталнинг 50% дан ошмаслиги лозим;

— банкнинг нодавлат қимматли қоғозларига олди-сотди қилиш мақсадида қилинган қўйилмалар биринчи даражали регулятив капиталнинг 25% дан ошмаслиги лозим.

Базель тамойиллари бўлими фаолиятидаги рискни камайтириш мақсадида унинг амалга оширадиган амалиётлар тавсифи ва масштабидан келиб чиққан ҳолда ички назорат тизимини ташкил этиш зарурати ҳам кўриб чиқилган.

Республика банкларида ички назоратнинг мавжудлиги бўйича умумий талаблар «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларда белгиланган. Қонуний базанинг мавжудлиги, амалдаги банк амалиётлари бўйича риск устидан назоратни амалга ошириш фаолияти, ички назорат тизимини яратилишига ҳисса қўшди. Лекин тижорат банклари ички назоратни шакллантириш бўйича аниқ йўналишга эга бўлмадилар, мавжуд ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар меъёрий мустаҳкамланмаган эди. Буларнинг барчаси Марказий банк томонидан тижорат банкларида ички назоратни ташкил этиш талабларини қабул қилинишига сабаб бўлди. Талабларда ички назоратнинг Базель қўмитаси тавсияларига тўлиқ мос келувчи асосий функциялар белгилаб берилди.

Ички назоратни самарали тизимини назорат органларининг талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш жараёнида банклар уни ташкил қилишда аниқ мақсад ва тамойиллар асосида келиб чиқиш лозим. Ички назорат тизимини ташкил этишнинг асосий мақсади банк раҳбариятини ишончли ахборотлар билан таъминлаш, актив ва ҳужжатларни сақлаш, банкнинг турли фаолият жабҳаларини самарадорлиги, банкда амалдаги ҳисоб тизимининг ҳисоб тамойилларига мувофиқлигидан иборатдир.

Ички назорат тизимини аниқ фаолият кўрсатишини кучайтириш мақсадида ҳамда банкнинг молиявий барқарорлилиги ва обрўсига хавф солувчи муаммоларни аниқлаш Базель қўмитасининг 14-тамойили талабларига мувофиқ банк ички раҳбарияти, шунингдек, раҳбариятдан мустақил бўлган махсус бўлинма орқали ахборотлар тизимига эга бўлиши лозим.

Банкни тартибга солишнинг жорий услуби (16-20 тамойиллар) тамойилларига асосан банкларни назорат қилишда Марказий банк шундай позициядан келиб чиқадики, капитал етарлилик даражасини, банк балансининг ликвидлилигини таъминлаш ва бошқа иқтисодий меъёрларни бузмаслик ўз-ўзидан банкнинг ишончлилигини кафолатламайди, агарда унинг фаолияти тавсифининг сифати қониқарсиз бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат функциясини амалга оширишда Базель қўмитаси, етакчи давлатларнинг назорат хизматлари томонидан тавсия қилинган банк назорати тамойилларига асосланган ҳолда ўз ишини олиб боришга интилмоқда. Базель қўмитасининг 16-тамойилига асосан, банк назоратининг самарали тизими банк фаолиятини ташқаридан кузатишни, шунингдек, банкларни бевосита жойларда текширишни ўз ичига олиши лозим.

Шунингдек, таҳлил жараёнида кредит муассасалари фаолиятини беқарорликка олиб келувчи тенденциялар мавжудлиги ҳисобга олинади. Бу-бошқарувнинг сифати пастлиги, ҳокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланганлиги, кредит ташкилотининг ҳаддан ташқари тез ривожланиши, операциялар ҳажмига етарли бўлмаган ахборот бошқарув тизими ва ички назорат, кредит портфели сифатини малакасиз бошқариш, рискларни қониқарсиз диверсификациялаш кабилардир. Тажриба шуни кўрсатадики, ушбу омилларни ҳисобга олмаслик банк фаолияти барқарорлигини таъминлашда ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг масофадан туриб назоратни амалга оширувчи органи кунлик мониторинг ўтказиб, муаммолар туғилган ҳолларда тижорат банкнинг молиявий ҳолати ҳақида диагнозни иложи борича эртароқ беришга қодир. Масофадан назорат «эрта огоҳлантириш системаси» сифатида хизмат қилади. Мазкур сигнал бўйича банкка тезкор молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш зарурати ва имконияти мавжуд.

Бироқ, масофадан туриб назорат кам ҳолларда банк олдида турган ҳамма рискларни аниқлашга қодир ва кўп ҳолларда банкни бошқариш сифатини аниқлай олмайди. Фақат бевосита инспекция текширувларини ўтказиш банкнинг реал аҳволини кўришга имкон беради.

Масофадан туриб назорат натижасига кўра тижорат банклари фаолиятида муаммолар пайдо бўлсагина инспекция текшируви жойларда ўтказилади. Банк инспекторлари вазифаси - банкнинг капитал базасини йўқотишдан, шу билан бирга аҳоли ва ташкилотнинг маблағларига хавф туғдирувчи катта рискни ўзига юклашдан сақлашдир.

Банкнинг молиявий ҳолатини универсал шаклда баҳолаш, шунингдек, банк қонунчилигига, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларига амал қилишини ҳар томонлама ёритиб берадиган CAMEL тизими бўйича тижорат банкларини инспекциялаш тўлиқ амалга оширилган. Мазкур тизим банк назорати ходимига банкнинг молиявий ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

Инспекция текширувлари банк аудити билан узвий боғлиқ. Банкда ташкил этилган ички аудит хизмати инспекция текширувларини ўтказиш вақтини анчага камайтиради. Ички аудит йиллик ҳисобот тайёрлашга асос яратиб, маъмуриятнинг белгиланган тартибда ишлаш-ишламаслигини кўрсатади. Ички аудит ҳар доим назорат органининг фойдали ва керакли шериги сифатида иштирок этади, чунки банк маъмурияти томонидан вазифаларнинг етарли бажарилиши уларнинг умумий манфаатидир.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, назорат сифатини таъминлашда банк назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, тижорат банкининг объектив рейтингини аниқлаш, банкнинг молиявий аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берадиган банк-нинг мустақил аудити ўрни анча аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолайдиган мустақил аудиторлик компаниялари, керакли чора-тадбирлар кўриш учун муаммоли банкларни илк босқичида аниқлаш бўйича банк назоратини такомиллаштириш, банкларни рейтингини доимий чоп этиш ва ягона баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш бўйича мустақил агентлик яратиш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши давом этмоқда.

Назорат органларининг ваколатлари (22-тамойил) тамойили Базель қўмитаси фикрига кўра, тартиббузарликларни ҳамда аниқланган хатоларни бартараф этиш учун банк назорати ўз ихтиёрида етарли чора-тадбирларга эга бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг 53-моддасига мувофиқ «агар йўл қўйилган тартиббузишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган» ҳолларда Марказий банк керакли чоралар ва санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга. Бундай таъриф Марказий банкка банкнинг молиявий барқарорлигига хавф солувчи ҳар хил ҳаракатларига нисбатан қатъий чоралар кўришга имкон беради.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатда банк назорати органи томонидан мажбурий чоралар ва санкциялар қўллашига олиб келадиган хавфсиз бўлмаган ва носоғлом фаолият кўрсатиш ҳоллари аниқлаштирилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда банк назорати органлари банкларга нисбатан банк операцияларини амалга оширишда меъёрий ҳужжат ва қоидаларни, банк қонунчилигини бузганлиги учун чора ва санкциялар қўллашга ваколатлидир.

Халқаро банк операциялари (23-25 тамойиллар) тамойиллари тижорат банклари фаолиятини глобаллашувини инобатга олган ҳолда ҳамда бу билан боғлиқ тизимли рискни кўпайиши нафақат миллий, балки халқаро миқёсида республика Марказий банкини чет мамлакатлар назорат органлари билан ҳамкорликни қўллаб- қувватлашга, ахборотлар билан айирбошлашга ундайди. Марказий банк 1996 йилдан Базель қўмитасининг банк назорати бўйича Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари минтақавий гуруҳи аъзоси ҳисобланиб, Базель қўмитасининг банк назорати асосий тамойиллари билан белгиланган изчил ва аниқ мақсадли ишларини амалга оширмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистонда банк фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тамойилларини ишлаб чиқилиши ҳал-

қаро амалиёт ривожи билан асосан бир вақтда олиб борилганлигини таъкидлаш мумкин. Ҳозирги вақтда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг асосий тамойилларини жорий қилиниши туфайли Ўзбекистонда банк тизимини ривожини рағбатлантириш учун етарли шароитлар яратилган.

Капитал етарлилиги ҳисоби бўйича андозалаштирилган жараёнларни изчил ва босқичма-босқич жорий этиш, банк назоратини ташкил қилиш, бозор интизомига риоя қилиш, эҳтиёткор, тоифалар бўйича дифференциацияланган банкларга ёндашув Ўзбекистон банкларига банк фаолиятини юритишнинг янги босқичига кўтарилишига ва шу билан бирга республика банк тизимини барқарорлигини кўтаришга имкон беради.

Саволлар:

1. Халқаро банк назорати усуллари.
2. Халқаро банк назорати усулларининг Ўзбекистон банк тизимидаги амалиёти.
3. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда халқаро Базель қўмитасининг тамойиллари.
4. Ўзбекистонда банк назоратини халқаро Базель қўмитаси тамойиллари асосида такомиллаштириш масалалари.
5. Банк назоратини ташкил этиш бўйича Ўзбекистондаги мавжуд муаммолар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молия қонунлари.-Тошкент: № 1, 1996 й. – 3 – 7б.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молия қонунлари.- Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 50 – 54б.б.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонуни 2006 йил 10 май

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 2002 йил, апрель.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Кредит уюшмалари тўғрисида” ги қонуни 2002 йил, 4 апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати “Микромолиялаш тўғрисида”ги 2006 йил 15 сентябрдаги қонуни.

7. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонун 2006 йил 20 сентябрь

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиши даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 56 – 63 б.б

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли “Банк тизимини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 62 – 67 б.б

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида” 402-сонли Қарори2003 йил 17 сентябрь

15. «Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 195-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 70 – 97 б.б

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 560-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан талаблар тўғрисида”ги Низоми. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 362 б.б

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 28 мартдаги 392-сонли “Очиқ валюта позициясини юритиш қоидалари” тўғрисидаги йўриқномаси. Валютани тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. 3-нашр. – Тошкент, 1999. – 29-38 б.

19. Ўзбекистон Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикасида банк аудити тўғрисида»ги низоми 1998 йил

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 28 мартдаги 40-сонли “Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби” хусусидаги йўриқномаси. Валютани тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. 3-нашр. – Тошкент, 1999. – 38-45 б.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 20 февралдаги 298-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом”и. Валютани тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. 3-нашр. – Тошкент, 1999. – 285-291 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 20 февралдаги 294-сонли “Инвестиция лойиҳаларини эркин айирбошланадиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисида Низом”и. Валютани тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. 3-нашр. – Тошкент, 1999. – 304-314 б.

II. Китоблар ва рисолалар.

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1995-270 б.

2. И.А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998-686 б.

3. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000-528 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-1997 й.

5. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.1998й.

6. Алехин Б.Т. Рынок ценных бумаг.-М.: ФиС, 1991-160 с.

7. Аникин А.В. Защита банковских вкладов.-М.: Дело, 1997-144 с.

8. Банковский портфель. 1,2,3 часть . М.-1995г

9. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.-Т.:Шарқ, 1996й-64б.

10. Маликов Т.С. Молиявий менежмент.-Т. 1999 йил.

11. Кадыров А.К. Анализ финансово-хозяйственной деятельности банка.-М.: Вазар-Ферро, 1995-170 с.

12. Грязнова А.Г. и др. Реструктурирование кредитных органи-заций в зарубежных странах.-Москва: Финансы и статистика, 2000. -416 с.

13. Даишев Р.А. Документарные операции банков: аккредитивы и инкассо.-М.:Инфра-М , 1995-124с.

14. Дж. Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках. Пер. с англ. 4-го переработанного издания под ред. Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера.-М.: Catallaxy- 1994 820 с.

15. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. 1,2-том. Вашингтон. 1994-323 с.

16. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. 1,2-том.-М.:Финстатинформ, 1994-326 с.

17. Лаврушин О.И. Анализ деятельности клиентов банка.-М.: Инфра-М, 1996-80 с.

18. Лаврушин О.И. и др. Банковское дело. – Москва: Финансы и статистика, 2001 – 672 с.

19. Бабичева Ю.А. Банковское дело.- М.: Экономика , 1994-398 с.

20. Смирнова Л.Р. Банковский аудит. – М.: Финансы и статистика, 2001-448 с.

21. Фадейкина Н.В., Болгова Е.К. Банковский контроль и аудит. – Учебное пособие. Москва: Финансы и статистика, 2002 -496 с.

22. Роуз Питер С. Банковский менежмент. Пер. с анг. Со 2-го изд.- М.:Дело Лтд, 1995-768 с.

23. Nergiz Dincer and Bilin Neyapti LEGAL QUALITY of BANK REGULATION AND SUPERVISION AND ITS DETERMINANTS: a mixed sample

III. Рўзномалар ва журналлардан мақолалар.

1. Банкиры решают проблемы за «круглым столом» // Рынок, деньги и кредит. № 2, 2001. - С.3-9

2. Бобоқулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2004. 6-7 б.

3. Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базель қўмитасининг роли.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2003. 3-5 б.

4. Муллажонов Ф. Банковская сфера: стимулировать преобразования в экономике.// Рынок, деньги и кредит. №1, 1999.-с.2-10.

5. Муллажонов Ф. Ўзбекистон барқарор банк тизими.// Бозор, пул ва кредит. №9, 1999.-2-8 б.

6. Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: ўн йиллик одимлари.// Банк ахборотномаси. №34, 2001.-2-5 б.

7. Норқобилов С., Жўраев Б. Банк тизими ислоҳотлари йўлида.// Бозор, пул ва кредит. №9. 19-22 б.

8. Геращенко В.В. Актуальные проблемы банковской системы в 1999 году.//Деньги кредит. №1, 1999.- с.3-10

IV. Интернет сайтлари:

1. www.worldbank.org
2. www.bis.org
3. www.adb.org
4. www.federalreservesystem.gov
5. www.fdic.gov
6. www.bankreferatov.ru
7. www.cbu.uz
8. www.nber.org
9. www.occ.treas.gov
10. www.cer.uz
11. www.bearingpoint.uz

1-илова.

Бутун дунёда банк назоратининг ташкил этилиши

Давлатлар	Банк назоратини ташкил этувчи орган	Бундан бошқа назорат органи борми?	Назорат органининг ҳисобдорлиги
Австрия	Молия Вазирлиги	йўқ	Парламент
Баҳрайн	Баҳрайн Монетар Агентлиги	йўқ	Директорлар Кенгаши
Бангладеш	Бангладеш Банки	йўқ	Давлат
Белоруссия	Белоруссия Миллий Банки	Бор	Президент
Белгия	Банк ва Молия Комиссияси	йўқ	Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия Вазирлиги
Боствана	Молиявий Институтлар Департаменти, Ботсвана Банки	йўқ	Молия ва Ривожланишни Режалаштириш вазирлиги
Бразилия	Бразилия Марказий Банки	йўқ	Молия вазирлиги
Бурунди	Марказий Банк Инспекцияси	йўқ	Марказий Банк раиси
Хитой	Хитой Халқ Банки	йўқ	Давлат Консули
Чехия Республикаси	Миллий Банк, Банк назорати, қимматли қоғозлар комиссияси	Бор	Миллий Банк Директорлар Кенгаши
Дания	Дания Молиявий назорати	йўқ	Иқтисодиёт Вазирлиги
Миср	Миср Марказий Банки	йўқ	Марказий банк мустақил орган
Эстония	Банк назорати Департаменти	йўқ	Парламент
Финландия	Молиявий назорат	йўқ	Парламент
Греция	Греция Банки	йўқ	Парламент
Венгрия	Банк ва Капитал Бозорини Назорат қилиш; Венгрия Марказий Банки	Бор	Молия Вазирлиги
Ҳиндистон	Молиявий Назорат Бошқармаси	йўқ	Ҳиндистон Резерв Банки
Исроил	Марказий Банкнинг Банк назорати	йўқ	Марказий Банк раиси

	Департаменти		
Қувайт	Қувайт Марказий Банки	йўқ	Молия вазирлиги
Латвия	Латвия Банки; Кредит Институтларини назорат қилиш Департаменти	Бор	Маълумот йўқ
Корея Республикаси	Банк Назорати Органи ва Молиявий Назорат Комиссияси; Молия Вазирлиги ва махсус банкларни иқтисодий назорат	Бор	Ҳукумат
Македония	Македония Республикаси Миллий Банки, Назорат Департаменти	йўқ	Парламент
Малайзия	Малайзия Марказий Банки	йўқ	Молия Вазирлиги
Россия	Россия Федерацияси Марказий Банки		Давлат Думаси
Сингапур	Сингапур Монетар Ограни	йўқ	Ҳукумат
Словения	Словения Банки	йўқ	Парламент
Швеция	Finansinspektionen (Молиявий назорат)	йўқ	Ҳукумат
Швейцария	Банкларнинг Федерал Комиссияси	йўқ	Парламент ва Ҳукумат
Тайван	Марказий Банк, Молия Вазирлиги, Марказий Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси	Бор	Премьер-Министр
Тожикистон	Тожикистон Миллий Банки Банк Назорати Департаменти	йўқ	Тожикистон Марказий Банки

Манба**:** James R. Barth,Gerard Caprio, Jr. Ross Levine **“**The Regulation and Supervision of Banks Around the World” A New Database February 2001. 1998 йил маълумотлари асосида.

2-илова

Давлатлар	*Банк фаолияти бўйича қонунининг амалга киритилган йили*
Ривожланган давлатлар	
Германия	1993
Португалия	1992
Люксембург	1993
Дания	1996
Финляндия	1997
Нидерландия	1992
Буюк Британия (2)	1987
Бельгия	1993
Франция	1984
Греция	1993
Испания	1988
Буюк Британия(1)	1979
Швейцария	1934
Ривожланаётган давлатлар	
Туркия	1993
Гонконг	1992
Туркия	1993
Кения	1996
Миср	1997
Сингапур	1992
Ливия	1987
Филиппин	1993
Малайзия	1984
Покистон	1993
Шри Ланка	1988
Аргентина	1979
Корея	1934
Жанубий Африка	1999
Қувайт	1997
Бразилия (2)	1985
Тунис	1995
Бразилия (1)	1957
Индонезия (1)	1994
Индонезия (2)	1963

Манба: Nergiz Dincer, Bilin Neyapti “LEGAL QUALITY of BANK REGULATION AND SUPERVISION AND ITS DETERMINANTS: a mixed sample” Bilkent University, 2005

Мундарижа

Кириш.....3
I боб.Тижорат банкларининг турлари ва уларнинг ривожланиш босқичлари
§1.2. Тижорат банкларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.....5
§1.2. Тижорат банклари ва уларнинг турлари.....22
II боб. Ўзбекистонда банк назоратини ташкил қилишнинг зарурлиги.
§2.1. Банк назорати тушунчаси.....32
§2.2. Банк назоратини ташкил қилиш асослари.....40
III боб. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг вужудга келиши ва асосий тамойиллари
§3.1. Банк назоратини ташкил қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси.....46
§3.2. Банк назорати бўйича халқаро келишувларнинг вужудга келиши.....55
IV боб. Банк назорати усуллари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш амалиёти
§4.1. Банк назорати усуллари ва уларнинг ривожланиши.....72
§4.2. Масофада туриб банк назоратини олиб бориш, унинг афзаллик ва камчиликлари.....75
§4.3. Тижорат банкларига лицензия бериш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш.....86
§ 4.4. Иқтисодий нормативлар ва уларнинг ривожланиши.....93
§ 4.5. Банкларни жойига чиқиб (инспекция қилиш) текшириш.....108
V боб. Кредит уюшмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини назорат қилиш
§5.1. Кредит уюшмаларини вужудга келиши, ривожланиши.....126
§5.2. Кредит уюшмалари фаолияти устидан назорат қилишни ташкил этиш.....131
VI боб. Банк назоратини самарали амалга оширишда банк аудитининг ўрни
§6.1. Банкларда аудитнинг вужудга келиши ва ривожланиши.....140
§6.2. Банкларда ички ва ташқи аудит ўтказишнинг банк назоратидаги ўрни.....152
VII боб. Ўзбекистонда банк назоратини Такомиллаштириш йўллари.....160
Адабиётлар рўйхати.....171

СОАТМУРОД НОРҚОБИЛОВ,
ҲИКОЯТ ДАДАБОЕВА,
ЎРОЛ ЖЎРАЕВ

Халқаро амалиётда банк назорати

Магистрлар учун дарслик

Муҳаррир **Ш. Худойбердиева**
Компьютерда саҳифаловчи **Б. Гафурова**

Босишга рухсат этилди 29.09.2007. Қоғоз бичими 60x84 1/16.

Ҳисоб-нашр табоғи 11.3 б.т. Адади 200 . Буюртма № 234

“IQTISOD–MOLIYA” нашриёти,
700084,Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси,7–уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп этилди.
700084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй